

ЎЗБЕКИСТОН ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№2. 2020

2020 йил – ИLM, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ





Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА...




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Реклама

Сигир елинини дезинфекция қилиш ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари



Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари

Сигир соғиш ускунаси ва заллари



Тошкент, ш. Аҳмад Дониш 22.
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.

Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат ташкилотлар фаоллари, жамоатчилик иштирок этди.

Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислохотлар йўли – биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим.

Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди.

Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.

Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Ш а р қ д о н и ш м а н д л а р и айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”

Ш у с а б а б л и ҳ а м м а м и з учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли

Мурожаатномада Юртбошимиз ўтган йилда эришилган ютуқ ва натижалар билан бирга жорий ва истиқболда мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалар ва уларнинг амалга ошириш механизмлари хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Шу жумладан, аграр соҳа ва унга алоқадор тармоқлар борасида ҳам тегишли вазифалар ва уларнинг ечимлари ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён этди. Қуйида Президентимиз Мурожаатномасидан олинган иқтибосларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Иқтисодий ривожлантириш йили”, деб ном беришни таклиф этаман.

Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим. Шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур.

Истеъмом бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мевасабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда “даладан дўконгача” бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак.

Иқтисодийтимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур.

Тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шу боис, пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш

тизимига босқичма-босқич ўтаемиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ислоҳ қилиб, аграр соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам арзон кредитлар ажратиш йўлга қўйилади.

Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларида мутлақо воз кечиши зарур. Бунинг ўрнига вазирлик сервис ташкилотига айланиши, хусусий агросаноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркуналдаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак.

Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттираемиз.

Мева-сабзавот, шолчилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттираемиз.

Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

П а р л а м е н т и м и з у ш б у ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди.

Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агро-логистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтираемиз. Чорвачилик, қоракўлчилик,

балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади.

2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этаемиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур.

Ушбу масалалар Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши керак.

Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг “кичик ватани”га – уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади.

Биз бундан уч йил олдин мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида буюк ишларни бошлаганмиз. Халқимизнинг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб, биз бу йўлда дастлабки, лекин ўта муҳим ва салмоқли натижаларга эришмоқдамиз. Энди ана шу ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлашимиз шарт. Чунки юртимиздаги ислохот ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайдиган тус олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда.

Натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда. Бу борада 2020 йил барчамиз учун алоҳида синов ва масъулият йили бўлади. Энди кечаги ютуқ ва марралар, бизни сира қониқтирмайди. Нега деганда, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам, кечаги халқ эмас.

Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислохот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Ва бундай ислохотни, бундай шиддатли жараённи ҳеч ким, ҳеч қандай куч, тўхтаётмайди.

Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги

раҳбарлар фоизлар, рақамлар, қоғознинг ортидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт. Шунда нуроний кексаларимиз, муҳтарам отахон ва онахонларимиз, ҳурматли аёлларимиз, азиз фарзандларимиз, жажжи набираларимиз, кўп миллатли бутун халқимиз биздан рози бўлади.

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборак ҳадисда айтилганидек, **“Барча амаллар ниятга қараб бўлади”.**

Дарҳақиқат, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта ижобат бўлади.

Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга улуғ мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмақдамиз.

Олдинда бизни улкан вазифалар, катта имкониятлар кутмоқда.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқимиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқимиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман.

Мен сизларнинг тимсолингизда, бутун халқимиз, навқирон ўғил-қизларимиз тимсолида олдимизга қўйган оламшумул мақсадлар йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилаётган, қалбимга яқин, самимий инсонларни кўраман. Бугунги Мурожаатномада белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, аввало, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга ҳамда унинг муносиб вакиллари бўлган сизларга ишонаман ва таянаман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ 2020 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида 2020 йилда:

1) **“озик-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” йўналишида 2020 йил 1 октябрдан бошлаб аҳолини дон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва нархлар кескин ўзгаришнинг олдини олиш мақсадида интервенцион харидлар тизими босқичма-босқич жорий этилади. Бунда:**

2021 йил ҳосилидан бошлаб дон учун давлат буюртмаси ҳажмларини босқичма-босқич камайтириш, шу жумладан, бошоқли дон харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор механизмларини жорий этиш;

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун давлат буюртмаси тизимидан давлат захирасидан фойдаланишга ўтиш бўйича механизмни ишлаб чиқиш назарда тутилади;

2) **“қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш” йўналишида** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020 йил 1 октябрга қадар** 2021 йил ҳосилидан бошлаб бозор конъюктураси таҳлили ва аг-

ротехника тадбирларини ўтказиш харажатларнинг прогноз ҳисоб-китоби асосида пахта-тўқимачилик кластерлари учун фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича шартномаларнинг шартларини аниқлашда минимал нархларни белгилаш йўли билан пахта хомашёси нархларини шакллантириш, харид қилиш ва сотишнинг бозор тамойилларига ўтишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3) **“соҳада давлат иштирокини камайтириш, инвестициявий жозибдорликни ошириш” йўналишида:**

а) **2020 йил 1 мартдан** пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришда банд бўлмаган майдонларда тупроқ-иқлим шароитлари ва бозор конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда туманларни босқичма-босқич ихтисослаштириш тизими жорий этилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, “Давергеодезкадастр” кўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **уч ой мuddатда** кредитлаш ва суғурталаш механизмни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик устувор йўналишлари ҳамда эҳтиёжларига мос равишда такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин.

Бунда:

кредит ажратишда “омборхона гувоҳномалари”, бошқа молиявий воситалар ва ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқидан гаров таъминоти сифатида фойдаланилиши; қишлоқ хўжалигида хатарларни суғурталашнинг янги турлари жорий этилиши назарда тутилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги **2020 йил 1 апрелга қадар** бошоқли дон ва пахтани қайта ишлаш, ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги давлат улуши мавжуд корхоналарни хусусийлаштириш бўйича таклифларни

Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

4) **“табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимини такомиллаштириш” йўналишида:**

а) **2020 йил 1 апрелдан** бошлаб тажриба-синов тариқасида Тошкент вилоятининг Қибрай ва Тошкент туманларида, Фарғона вилоятининг Фарғона ва Олтиариқ туманларида ҳамда Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Нишон туманларида:

жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун шаффоф ва очиқ танлов ўтказиш орқали ажратиш механизми жорий этилади;

жисмоний ва юридик шахсларга кейинчалик танловга қўйиш бўйича ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини тақдим этган ҳолда махсус геопортал орқали ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳуқуқи берилди;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг бозор қийматини баҳолаш ҳамда улардан солиққа тортишда фойдаланиш механизми жорий этилади.

“Давергеодезкадастр” кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 мартга қадар** қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун мўлжалланган заҳира ерларидан ер участкалари рўйхатини тузиш ва уларни танловга қўйиш;

жисмоний ва юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини танлов орқали бериш;

жисмоний ва юридик шахсларга махсус геопортал орқали танловга қўйиладиган ер майдонларини танлаш имкониятини яратиш;

жисмоний ва юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида фойдаланишга бериш

бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш-ни электрон шаклда амалга ошириш; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйишнинг амалдаги тартибини қайта кўриб чиқиб, ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши ва экологик вазиятнинг ёмонлашувини асосий мезонлардан бири сифатида белгиланган ҳолда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилишнинг шаффоф ва адолатли механизмларини жорий этиш;

5) “Бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш” йўналишида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг ваколат ва фаолият йўналишлари функционал баҳолаш мезонлари асосида қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **2020 йил 1 майга** қадар етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув тизимини функционал баҳолаш асосида соҳада давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш бўйича чораларни амалга оширсин.

Бунда:

давлат ролини давлат буюртмасини бериш, экинларни жойлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назорат қилиш тизимидан фермер ва деҳқон хўжаликлариде меҳнат унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш ва сифатини ошириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва хусусий сектор томонидан кўрсатилмайдиган бошқа мақсадлар учун зарур бўлган давлат хизматларини кўрсатишга йўналтириш;

давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий сектор билан ҳамкорликни кучайтириш;

вертикал ва горизонтал бошқарув тизимини такомиллаштириш;

кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича касбий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш назарда тутилсин;

6) “Фермер хўжаликлариде меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат

харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш” йўналишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича тақлифлар киритсин:

а) **2020 йил 1 мартга** қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини қайта кўриб чиқиш;

б) **2020 йил 1 июлга** қадар агросаноат мажмуини ўрта муддатли дастурий молиялаштириш тамойилларига ўтказиш.

Бунда:

тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда агросаноат мажмуига кирувчи вазирликлар ва идоралар бюджетларини комплекс кўриб чиқиш механизминини жорий этиш;

давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ирригация инфратузилмасини модернизация қилиш ва ресурс тежамкор технологияларни қўллаш орқали ирригация соҳаси харажатларини камайитириш ҳисобига илмий-тадқиқот ишларига харажатларни кўпайтириш;

агросаноат мажмуида харажатларни диверсификация қилиш назарда тутилсин;

7) “Илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш” йўналишида **2020 йил 1 мартдан** бошлаб агросаноат мажмуига кирувчи илмий, илмий-тадқиқот ва илмий-тажриба муассасаларининг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш шартларига ўтказилади.

2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиладиган агросаноат мажму таркибига кирувчи илмий-тадқиқот муассасалари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Агросаноат мажму таркибига кирувчи илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилсин;

8) “тармоқ статистикасининг шаффоф механизминини яратиш” йўналишида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

хусусий секторни кенг жалб қилиш имкониятларини инобатга олган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида Агросаноат комплексиде ягона ахборот дастури (кейинги ўринларда – Ягона дастур) юритилиши учун масъул ташкилот тузиш;

агросаноат мажмуига тегишли барча вазирлик ва идоралар ҳамда ушбу мажмуада фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларнинг Ягона дастурда ишлаш тартиби;

агросаноат мажмуига тегишли барча вазирлик ва идоралар ахборот тизимларининг Ягона дастур билан интеграциясини таъминлаш назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2020-2022 йилларда:

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини маҳсулотларнинг сифатини таҳлил ва назорат қилиш бўйича халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий лабораториялар билан жиҳозлаш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини малакали менежер, маркетинг, агроном, иқтисодчи ва бошқа керакли мутахассислар билан таъминлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар маблағларини жалб этишни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда Дастурни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг маблағлари жалб этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация-

си ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д.Вахабов – мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш, масъул вазирлик, идора, ташкилотлар ва ҳокимликларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишни таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев – Дастурни амалга ошириш бўйича барча зарурий чоралар кўрилишини таъминласин, мазкур қарорни ўз вақтида

амалга оширишда масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий кўмак берсин ҳамда **ҳар ой Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга унинг бажарилиши бўйича батафсил маълумот киритиб борсин;**

в) Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзоқов – Дастурни 2020 йилда амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, жумладан, салоҳиятли хорижий инвесторларнинг маблағлари жалб этилишини таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосарлари:

Ш.Ж.Тешаев – бошоқли доннинг давлат харидларини босқичма-босқич бекор қилиш ҳамда пахта хомашёси нархларини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этиш бўйича ишларни тайёрлашни таъминласин;

С.С.Ходжаев – қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини кредит-

лаш ва суғурталаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда агросаноат мажмуини молиялаштиришни **ўрта муддатли дастурий молиялаштириш** тамойилларига ўтказиш бўйича комплекс чоралар ишлаб чиқиш тадбирларини амалга оширсин;

Б.М.Холиқов – агросаноат мажмуи таркибига кирувчи, жумладан, базавий бюджет молиялаштиришига ўтказилаётган илмий-тадқиқот муассасалари ишини сифатли ташкил этиш, амалга оширилаётган илмий-техник дастурлар ва тадқиқотлар натижаларини қишлоқ хўжалигига амалий қўллашни таъминласин;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари – жисмоний ва юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини шаффоф ва очиқ танловлар ўтказиш орқали ажратиш бўйича жорий этилаётган тартибга сўзсиз риоя қилиш, бошоқли доннинг давлат харидларидан босқичма-босқич воз кечиш бўйича тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
*Тошкент шаҳри,
2020 йил 28 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИДА ИПАК ҚУРТИ ОЗУҚА БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада тутзорларни кенгайтириш, тутчиликда сув тежовчи суғориш технологияларини қўллаш ҳамда агротехника тадбирларини самарали ўтказилишини рағбатлантириш, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар ва илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш орқали пиллачилик тармоғи озуқа базасини кўпайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шунингдек, пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2020 йилда янги тутзорлар барпо этиш учун пиллачилик тармоғи ташкилотларига ўрнатилган тартибда кўп йиллик ижара шартномаси асосида ажратиладиган қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонларининг ҳудудлар кесимидаги рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2020–2024 йилларда республика ҳудудларида мелиоратив объектлар атрофида ва қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорликни кўпайтиришга йўналтирилган шамол ва сув

эрозияларидан ҳимоялаш учун ихота тутзорларини барпо этиш прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2020–2025 йилларда ипак қурти парваришlash ва тирик пилла хомашёси етиштиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ янги интенсив тутзорлар барпо этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун томчилатиб суғориш тизимини жорий этган ҳолда янгидан ташкил этилган тутзорларнинг ҳар бир гектарига 8 миллион сўмгача;

майдони 35 гектардан зиёд тутзорларда сув чиқариш учун бурғуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув хавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуришга 120 миллион сўмгача субсидия тақдим этилади.

Бунда бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган импорт шартномаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби пиллачилик ва тутчилик ташкилотлари томонидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш, сув чиқариш учун бургуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди.

Мазкур бандда кўрсатилган субсидиялар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда пиллачилик ва тутчилик ташкилотларига тутзорларда томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш, сув чиқариш учун бургуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуриш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Инновацион ривожланиш вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг тутзорларни ташкил этишга, сув ва моддий ресурслар (электр энергияси, минерал ўғитлар ва бошқалар) иқтисод қилинишига таъсирини мустақил консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда ўргансин ва 2020 йил 15 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига сув тежовчи суғориш технологияларни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклифлар киритсин;

янгидан ташкил этиладиган тутзорларга сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилганда 2021 йилдан бошлаб Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни кўзда тутиб борилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг 3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган мустақил консалтинг компанияларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармасидан қоплансин.

5. Белгилаб қўйилсинки: «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда пиллачилик ташкилотлари томонидан тутзорлар барпо этилишини мониторинг қилади ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатади;

ўтказилган мониторинг натижалари ҳар йили бир марта халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан муҳокама қилинади ва муҳокама натижаларига кўра пиллачилик ташкилотлари ўзларига ажратилган ер майдонларида бир йил давомида тутзорлар ташкил қилмаган тақдирда уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4047-сон қарорига мувофиқ тақдим қилинган ер солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорларига асосан ер майдонларидан самарасиз фойдаланаётган пиллачилик ташкилотларига ер солиғи бўйича имтиёз қўллашни тўхтатиш чорасини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳудудий «Агропилла» масъулияти чекланган жамиятларига тегишли бўлган тутзорларни тажриба синов тариқасида аҳолига оилавий пудрат асосида 1 гектардан 3 гектаргача тақсимлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда:

а) бир ой муддатда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳудудий «Агропилла» масъулияти чекланган жамиятларига тегиш-

ли бўлган тутзорларни аҳолига оилавий пудрат асосида тақсимлаш тартибини қуйидаги механизмларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

пиллачилик ташкилотлари томонидан аҳолига тутзорларни янгилаш учун тут қўчатлари ва пилла мавсумларида ипак қурти уруғини бепул тарқатиш;

аҳолига тутзорнинг бут сақланиши, тут барги ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган пилла ҳажми бўйича талаб қўйилиши;

аҳоли томонидан етиштирилган пилла ҳосилини сотишдан ташқари тутзорлар орасига қўшимча экинлар экиш орқали олинадиган даромадларни уларнинг ўзларида қолдириш;

б) 2020 йил 1 апрелга қадар тажриба синов тариқасида 4-иловага мувофиқ ҳудудлардаги тутзорларни аҳолига оилавий пудрат асосида бириктириб берилишини таъминласин ва 2020 йил 1 ноябрга қадар тажриба синов натижаларига асосан республиканинг қолган ҳудудларидаги мавжуд тутзорларни аҳолига оилавий пудрат асосида тақсимлаш бўйича таклиф ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар: республикадаги мавжуд тутзорлар хатловдан ўтказилишини таъминласин; хатлов натижасида аниқланган эскирган, яроқсиз тутзорларни янгилаш дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин; ўзбошимчалик билан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун бериб юборилган тутзорлар бўйича маълумотларни тегишли органларга, шу жумладан прокуратура органларига қонунчиликда ўрнатилган тартибда чора кўриш учун тақдим этсин;

б) 2020 йил якунига қадар пиллачилик тармоғи ташкилотларига ажратиладиган ерларда камида 5 минг гектар тутзор ташкил қилиш ва уларда томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш чорасини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Инвестициялар

ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 апрелга қадар ҳудудларда пиллачилик тармоғини ривожлантириш мақсадида ўрнатилган тартибда халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредит ва грант маблағларини жалб қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда ишсиз аҳолини ипак қурти боқиш ва агротехник тадбирлар ўтказишни ўргатишга мўлжалланган ўқув курсларини ташкил этсин ҳамда пилла боқишдан олинган даромадлар бўйича тушунтириш ишларини олиб борсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда:

тизимли равишда ҳудудларда янги тутзорлар барпо этиш, эскирган тутзорларни янгилаш, пилла етиштириш мавсумларини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқиши, ижро этилиши ва мониторингини таъминласин;

ҳар ҳафта туманлар секторлари раҳбарлари, тегишли давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда пиллачилик тармоғидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида пиллачилик ташкилотлари билан учрашувларни, пилла етиштириш мавсумларида эса касаначилар хонадонларига боришни ташкил этсин; пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда грант маблағлари ҳисобидан:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тасарруфидаги насли ипак қурти уруғи етиштирувчи муассасаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни моддий-техника воситалари билан таъминлаш;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳузурида пилла ва ипак сифатини аниқлаш бўйича ихтисослашган замонавий лаборатория ташкил қилиш чораларини кўрсин.

13. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Ипакчилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда республикада тайёрланаётган тут уруғлари сифат кўрсаткичларини назорат қилиш ҳамда тутчиликка ихтисослашган хўжаликлар томонидан кафолатланган тут кўчатларини сотиш тизимини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университетининг ипакчилик ва тутчилик йўналишида кадрларни тайёрлаш соҳасига оид ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича таклифи маъқуллансин.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида ипакчилик ва тутчилик мутахассисликлари бўйича талабаларга машғулотлар ўтказиш учун зарур ўқув корпуси ажратилишини, унинг таъмирланишини, замонавий ўқув ва илмий-лаборатория ускуналари, мебель, инвентарлар билан жиҳозланишини таъминласин;

Япония, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа илғор хорижий давлатлардаги ипакчилик ва тутчиликка ихтисослашган таълим ва илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда улардаги малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни ўқув жараёни ва малака ошириш курсларига жалб этиш чораларини кўрсин.

15. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 февралдан бошлаб Ипакчилик илмий-тадқиқот институти раҳбар ходимларининг иш ҳақи бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан ке-

либ чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов – мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, унда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари – мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ ҳудудларда янги тутзорлар барпо этиш учун «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси тавсиясига асосан пиллачилик тармоғи ташкилотларига қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонларини ажратсин;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Б.Қ. Шарипов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари – тутзорлар ташкил қилиш, уларда томчилатиб суғориш тизимларини жорий этиш, мавжуд тутзорларни аҳолига оилавий пудрат асосида тақсимлаш ва сифатли пилла етиштириш бўйича мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Б.Қ. Шарипов – республика ҳудудларида мелиоратив объектлар атрофида ва қишлоқ хўжалиги ерларида шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун ихота тутзорларини барпо этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифини бажарувчи А.Д. Хаджаев – мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, матбуот анжуманлари, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри

КАСБДОШ ДЕПУТАТ ВА СЕНАТОРЛАРИМИЗ

Маълумки, ўтган йили 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайлов бўлиб ўтди. Мазкур сиёсий жараёнда фуқароларимиз демократик асосларда ўзларининг танлаган вакилларига овоз берди. Аграр соҳа нуқтаи назаридан олиб қарасак, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда алоқадор тармоқлардан сайланган депутатлар ва сенаторлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Журналимиз таҳририяти номидан халқ ишончига сазовор бўлган уларни қизгин муборакбод этамиз ва келгусидаги фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари

Мамутов Равшан Аминаддинович, 1973 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари

Қодиров Бегали Якубович, 1973 йилда туғилган, Андижон вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси

Отахонова Одинахон Иномовна, 1974 йилда туғилган, “Иномжон файз” хусусий чорвачилик фермаси раҳбари

Рахмонов Шерзод Толибович, 1993 йилда туғилган, “Ҳамро Раҳмон чорво” фермер хўжалиги раҳбари, “Yoshlar - kelajagimiz” жамғармаси Бухоро филиали раҳбари

Тўлабоев Азамжон Қурбонвич, 1984 йилда туғилган, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Менежмент кафедраси доценти

Халбаева Дилрабо Джўрабековна, 1979 йилда туғилган, “Ражаббой Файз Мурувват” фермер хўжалиги раҳбари

Бегматов Равшанбек Бердалиевич, 1984 йилда туғилган, Фарғона водийси каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи

Мирзамова Барнохон Косимбаевна, 1975 йилда туғилган, Уйчи тумани “Уйчи обод замини” фермер хўжалиги раҳбари

Рузметов Абдулла Садуллаевич, 1980 йилда туғилган, Урганч тумани “Элита чорванасл” МЧЖ раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари

Иминов Одилжон Каримович, 1963 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раисининг ўринбосари

Рахматов Муртаза Ахмедович, 1958 йилда туғилган, “Tashkent Cotton Textile Cluster” МЧЖ таъсисчиси

Сиддиқов Рискул Эргашбоевич, 1976 йилда туғилган, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси лойиҳа раҳбари

Джалолов Шавкат Амонович, 1970 йилда туғилган, “Agromir group” директорлар ассоциацияси кенгаши раиси

Сотиболдиев Улуғбек Норхожаевич, 1964 йилда туғилган, “BEK Cluster” МЧЖ қўшма корхонаси бош директори

Муратова Лола Неъматовна, 1958 йилда туғилган, Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги “Нурли Обод” фермер хўжалиги раҳбари

Тажиев Бахадир Садуллаевич, 1958 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси

Қурбонов Илхам Узакович, 1961 йилда туғилган, Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи

ШАРАФ ОРТИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Илҳом ҚУРБОНОВ, Сенатор, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби

Сувчилик касбим билан эл-юртга хизмат қилиб келаётган эканман, мени Ватанга дахлдорлик ҳисси ҳеч қачон тарк этган эмас. Шу туйғу шарафли касбимнинг машаққатларини, қийинчиликларини енгиб ўтишимда менга ҳаммиша куч-ғайрат бағишлаган.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасини тинглар эканман, Сенаторликнинг залворли юкини қалб-қалбимдан яна бир карра ҳис қилдим. Эндиликда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган жорий ва яқин истиқболда амалга ошириладиган кенг қамровли вазифалар ва уларнинг ижросини таъминлаш мен ва мен сингари сенатор ҳамда депутатларнинг

бевосита фаолиятимиз мезонига айланмоғи лозим. Ўз соҳамиздан ташқари эл ташвиши бутун бўйбастини билан зиммамиздадир. Шу жиҳатдан Президентимизнинг, қайси соҳа ёки тармоқ бўлмасин, айтишлик ичимлик суви, электр ёки газ таъминоти, болалар боғчаси, мактаблар муаммолари, камбағалликни камайтириш чоралари каби ўртага ташлаган барча масалалари ҳар биримизга тааллуқлики, бунда “мен бошқа соҳаданман, менга алоқадор эмас”, деган фикрлардан мутлақо йироқ бўлмоғимиз шарт.

Бу йўлда Давлатимиз раҳбари атрофида яқдиллик билан жипслаган ҳолда фаолият юритсак,



Мурожаатномада белгилаб берилган долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлашга эришамиз. Шунда эл-юрт фаровонлигига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиб, сайловчиларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.

ЗАЛВОРЛИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Яқинда Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш якунлари ҳамда 2020 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлашга бағишланган хайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев 2020 йил 24 январь куни давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси халқимиз манфаатларига хизмат қилувчи ғоялар, ижтимоий, иқтисодий ҳаётимизга янги руҳ ва мазмун олиб кирувчи истиқболли режалар, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган янги ташаббуслар, қисқа килиб айтганда, Ватанимизнинг тарақиёт йўли белгилаб берилган муҳим ҳужжат эканлигини таъкидлади.

Президентимиз Мурожаатномада сув хўжалиги соҳаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, 2020 йилда 44 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан қарийб тўрт баравар кўп миқдорда сув тежайдиган технологиялар жорий этилади. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади.



амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Хайъат йиғилишида қайд этилдики, 2019 йилда республика бўйича 37 минг 767 гектар майдонда тежамкор суғориш усуллари жорий этилган. Шундан 34 минг 445 гектарда томчилатиб, 1 минг 122 гектарда ёмғирлатиб, 2 минг 200 гектарда пульсар суғориш тизими қўлланилган. Биргина пахтачиликда 12 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш жорий қилиниши натижасида вегетация даврида жами 40,3 млн. м³ ҳажмда сув тежалишига эришилган. Ушбу тежалган сув 6 минг гектардан ортиқ майдондаги такрорий экинларни суғоришга йўналтирилган. Шу билан бирга пахта хомашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари томонидан 40% минерал ўғитлар, 35% ёнилғи-мойлаш

маҳсулотлари иқтисод қилиниши баробарида ҳосилдорлик гектарига 15–20 центнерга ошган.

Ма м л а к а т и м и з бўйича 61 та йирик сув хўжалиги гидроузелларида сувни онлайн назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган “Smart water” тизими жорий этилган.

Хорижий кредит маблағлари ҳисобидан 6 та лойиҳа доирасида жами 126,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган, бюджет маблағлари ва марказлашган инвестиция маблағлари ҳисобига 130 млрд. сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган.

Марказлаштирилган капитал

маблағлар ҳисобидан ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларига 1795,3 млрд. сўм, бюджет маблағлари ҳисобидан мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишларига 289,7 млрд. сўм, жами 2085,0 млрд. сўм маблағ ажратилган.

2019 йил қурилиш манзилли рўйхатида асосан 358 та ирригация, 185 та мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 362 та мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш лойиҳалари якунига етказилган.

Танқидий-тахлили руҳда ўтган хайъат йиғилишида тизимда 2019 йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, бой берилган имкониятлар атрофлича муҳокама қилиниб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик, белгиланган вазифа ва топшириқларнинг ижросини ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, жорий суғориш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш борасида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисида Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев Президентимиз томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга, Ҳаракатлар режасида белгиланган асосий кўрсаткичлар ижросини таъминлашга тизимдаги ҳар бир раҳбар шахсан масъул эканлигини, шу маънода, 2020 йил – вазирлик тизимида ишловчи ҳар бир раҳбар ва ходим учун синов йили бўлишини таъкидлади.

Хайъат мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати



Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёни, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизimini автоматлаштириш масалалари Сув хўжалигини ривожлантириш Концепциясида ўз аксини топиши керак.

Йиғилишда Мурожаатномада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Сув хўжалиги вазирлиги тизимида

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Қишлоқ хўжалиги вазир Ж.Ходжаев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси жорий йилнинг 17-26 январь кунлари Германия пойтахти Берлин шаҳрида «Яшил ҳафталик - 2020» («Messe Berlin Exhibition Grounds») халқаро кўргазмасида иштирок этди ҳамда ташриф доирасида кўплаб расмий учрашувлар, самимий мулоқотлар ташкил этилди.

Ўн кун давомида Берлин кўргазмалар майдонидан жой олган Ўзбекистон стенди (умумий майдони – 408 кв.м)да мамлакатимизнинг 30 дан ортиқ корхонаси томонидан кенг турдаги ҳўл ва қуруқ мевалар, алкоголь ва озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, миллий таомлар, ҳунармандчилик буюмлари ва Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти намойиш этилди.

Кўргазма давомида миллий стендимизга 50 000 мингдан ортиқ киши ташриф буюрди. Жумладан, Германия, Франция, Бельгия, Россия Федерацияси, Беларус, Озарбайжон, Туркия, Польша, Нидерландия, Украина, Форс кўрфази ҳамда бошқа давлатларнинг ишбилармон доиралари вакиллари миллий стендимиз билан танишди.

Тадбирда иштирок этишдан асосий мақсад – озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорт

ҳажмини ошириш суръатини жаддаллаштириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тақдирини ўтказиш ва потенциал харидорлар билан музокаралар ўтказиш, шунингдек Европа бозорларига маҳсулот етказиб бериш бўйича экспорт шартномалари тузилишини ўрганиш эди.

Кўргазма доирасида ташкил этилган тадбирларда мамлакатимиз вакиллари Ўзбекистонда етиштирилган мевасабзавотларнинг потенциал импортёрлари бўлган «INNOVAFOOD F.V.» (Белгия), «TRO-KOST GMBH» (Германия), «WOORLE

тузишга муваффақ бўлдилар. Жумладан, 3,7 млн долларлик янги мева-сабзавот ва 20,1 млн долларлик қуритилган ҳамда 2,7 млн долларлик консерваланган мева етказиб бериш бўйича келишувларга эришилди. Бундан ташқари, «Ўзагроэксспорт» АЖ томонидан «Granata GMBH & Co.KG» компанияси билан қуруқ мевалар ва дуккали маҳсулотлар етказиб бериш бўйича қиймати 3 млн долларга тенг бўлган меморандум имзоланди.

Ўз навбатида Европанинг бир қатор компаниялари, хусусан, «Интернешнл» (Германия), «Тактик» (Туркменистон), «Онурд» (Германия), «Тасним» (Германия) каби фирмалари томонидан мева-сабзавотларимиз ва дуккакли маҳсулотларимизга қизиқиш билдирилди. Ушбу хорижий корхоналар билан музокаралар тижорат таклифларини кўриб чиқиш йўналишида давом этади.

Шунинг билан бирга, «Arena F & U GmbH» (Германия) компанияси вакиллари билан учрашув ўтказилди. Мулоқотда томонлар Мюнхен шаҳрида «Obod Turmush Orzusi» агрокластери билан ҳамкорликда Германияда қуруқ меваларни сотишга ихтисослашган қўшма савдо уйини очиш масаласини муҳокама қилдилар.

Умуман олганда, мазкур халқаро кўргазма маҳаллий корхоналаримизга хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, экспорт ҳажмини ошириш ва бозорларни диверсификация қилиш имконини берди.

Шунингдек, жорий йилда маҳаллий корхоналаримизнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда фаол иштирокини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати



NATURPRODUKTE GMBH» (Германия), ООО «GREENVELI» (Беларус), «KAPADOKIYA FRUKT LLC» (Болгария), «SIA «BALTTRENSLAINE»» (Латвия), «SIA «DANTKS»» (Латвия), «DDS SIA» (Латвия) ва бошқа компаниялари билан музокаралар олиб боришди.

Музокаралар натижасида мамлакатимиз корхоналари 26,5 млн (ўтган йилда 10,5 млн) долларлик экспорт шартномалари

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазир Ш.Хамраев тизимда меҳнат қилаётган ёшлар билан аудиоселектор орқали очиқ мулоқот ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 декабрда пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказган учрашуви мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолиши, шубҳасиз. Учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилинди, бугунги кунда уларни қийнаётган энг муҳим масалаларнинг ечимини топиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз”, “2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади”, деган сўзлари, мен ўйлайман, барча ёшларни, йигит-қизларимизни руҳлантирди, шу билан бирга, уларда катта масъулият ҳиссини ҳам уйғотди, – деди мулоқот чоғида Ш.Хамраев.

Бугунги кунда сув хўжалиги вазирлиги тизимида 32 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади. Уларнинг уч ярим мингдан кўпроғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Ўтган 2019 йилда олий таълим муассасаларини ирригация ва мелиорация йўналиши бўйича тамомлаган 500 нафардан ортиқ ёш кадрлар ишга олинди. Уларнинг ишни пухта ўрганиши, соҳага кўникиб кетиши тизимдаги ҳар бир раҳбар олдига масъулият этиб белгиланди.

Жумладан, тизимда ишлаётган ҳар бир ёшни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида бел-



гиланган бўлиб, ойлик маоши ва моддий рағбатлантиришлардан ташқари, 2019 йил кузида сув хўжалиги ходимларининг ўзлари ёрдамчи хўжаликларидега етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобидан барча ходимлар қатори ёшларга 2 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Бу каби ишлар 2020 ва ундан кейинги йилларда ҳам давом этади. Ҳозирда сув хўжалиги тизимида олий маълумотли кадрлар 42 фоизни ташкил этаётган бўлса, 2030 йилгача уларнинг сони 65 фоизга етказилади.

Сув хўжалиги вазирлиги тизимида 5 йилдан ортиқ фаолият юритаётган, ўрта махсус маълумотга эга бўлган, 35 ёшгача бўлган 100 нафар фаол ва ташаббускор ёшларга олий таълим муассасаларининг сиртки бўлимларига имтиёзли кириш бўйича тавсиянома берилди. Ҳозирда улар ҳам ишлаб, ҳам сиртдан ўқияпти.

Шу билан бирга, қўллаб ёшлар Япония, Жанубий Корея, Германия, Австралия каби хорижий мамлакатларда малака ошириб келди.

2020 йилдан Сув хўжалиги вазирлигида янги тажриба йўлга қўйилади. Тизимда ишлаётган ёшлар гуруҳлар асосида бошқа вилоятлардаги турдош ташкилотларда тажриба ўрганишга жўнатилади. Улар ҳам иш ўрганади, ҳам тендошлари билан танишади,

шу билан бирга, ўша ҳудуднинг сув ишоотларини, тарихий ва маданий обидаларини, зиёратгоҳларини бориб кўради. Ҳам билим ортттиради, ҳам дунёқараши кенгаяди.

Шу билан бирга, ёшлар ёрдамчи хўжаликларидега меҳнатга жалб қилиниб, улар учун қўшимча даромад манбаи яратилади. Ҳайратли ёшлар ишдан бўш вақтларида мева-сабзавот, полиз экинларини етиштиради, парранда, балиқ, қуён боқади, ва, табиийки, шунга яраша даромад ортттиради.

Мулоқот чоғида вазир “Эшигим ёшлар учун ҳамиша очиқ, таклиф ёки муаммолари билан келган ёшларни қабул қилишга, уларнинг ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватлашга доим тайёрман” дея таъкидлади.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқот чоғида ёшлар ҳам сўзга чиқиб, ўз таклифларини, фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Хусусан, уларнинг китобхонликни тарғиб этиш, чет тилларини ўрганиш, тизим ташкилотларидаги ёшлар ўртасида ижодий-интеллектуал танловлар ўтказиш, спорт мусобақаларини уюштириш каби таклифлари қабул қилиниб, уларни амалга ошириш юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Яна шуни қўшимча қилиш ўринлики, Сув хўжалиги вазирлиги ва ўринбосарларининг тизим ташкилотлари сафидаги ёшлар билан учрашувлар ўтказиш жадвали тасдиқланган бўлиб, жорий йил 20 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида ана шундай мулоқотлар ўтказилади.

**Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати**



ГИДРОТЕХНИКА ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР

Яқинда Сув хўжалиги вазирлигида Европа Иттифоқининг “Ўзбекистоннинг Ақишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш” дастурининг “Техник салоҳиятни мустаҳкамлаш” БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида 28 дона “Leica Sprinter 250M” электрон нивелир ускуналарини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, олимлар, хорижий ҳамкорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Тадбирда Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Равшан Мамутов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Эдуардс Стипрайс, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Матильда Димовска ва бошқалар сўзга чиқиб, сув хўжалиги соҳасининг техник салоҳиятини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳамда сувни бошқариш тизимлари самарадорлигини оширишнинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлашди. Ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа эса замонавий технология ва ускуналарни жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Таъкидлаш жоизки, “Техник салоҳиятни мустаҳкамлаш” лойиҳаси 2016 йилдан буён амалга оширилиб келинмоқда. Лойиҳа до-

ирасида Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида сув таъминотини яхшилаш, сув ресурсларини самарали бошқариш, сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда лойиҳанинг пилот ҳудудлари ҳисобланган Аму-Қашқадарё, Аму-Сурхондарё, Амударё, Чапқирғоқ-Амударё, Зарафшон, Сирдарё-Сух ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, шунингдек, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига гидротехник иншоотларни

лоийҳалаш ва қуришда кенг фойдаланиладиган замонавий нивелир ускуналари тўплами тақдим этилди.

– Ушбу замонавий рақамли нивелир ускуналари гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш борасидаги ишларимизни сифатли ва қисқа муддатларда бажаришимизда асқотади, деган умиддамиз, – дейди Чапқирғоқ-Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассиси Муҳиддин Шеров. – Эндиликда бизга ажратилган тўрт дона замонавий рақамли нивелир ускуналари ёрдамида сув хўжалиги объектларида масофа ва баландликларни ўлчаш, тўлдириш ва қазиш фарқларини аниқлаш, шунингдек, маълумотларни сақлаш ва узатишда катта имкониятларга эга бўлаемиз.

Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати

ҲАЁТБАҲШ ТОМЧИ

Маълумки боғдочилиқда дала майдонларида суғоришни тўғри ташкил қилиш, тўғри ишлов бериш, ўғитлаш каби ишлар юқори ҳосилдорликка эришишнинг муҳим омили саналади. Бу борада боғларни суғоришда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда, ёмғирлатиб суғориш, тупроқ остидан суғориш, томчилатиб суғориш, майда заррали суғориш каби турли усуллар қўллаш мақсадлидир. Маълум бўлишича, бундай усуллар қўлланилганда тупроқ бир текис ва меъёрида намланади ва ер қатқалоқ бўлмайди. Бегона ўтлар чиқиши камаяди ҳамда сув бир неча баробарга тежалади ва суғорилгандан сўнг ерни юмшатиш ва бошқа бир қатор агротехник ишлар ҳажми камаяди.

Ҳозирги кунда Жомбой туманида 3 минг 255 гектар боғлар мавжуд бўлиб, шундан 2 минг 955 гектарида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этилган. Туманда дастлаб 2011 йилда 21 гектар боғ майдонларида Сербия Давлати технологияси асосида, томчилатиб суғориш ускуналари ўрнатилиб, шу аснода бу жараён бошлан-

ган бўлса, ҳозирги кунга келиб, тежамкорлик омили бўлган бу усул 22 та фермер хўжалиқларининг дала майдонларида кенг қўлланилмоқда ва улар бугунги кунда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Боғларда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилиши билан туманда сув ресурслари сезиларли даражада иқтисод қилиниб, фермерларимиз яхшигина даромадини оширишига ҳам эришишди. Айниқса, олма меваси экилган интенсив боғларимизда томчилатиб суғориш технологиясини қўллаб, унинг жуда қулай, тежамкор ва самарали эканлигига ўз тажрибалари асосида ишонч ҳосил қилишган, – дейди туман ирригация бўлими бошлиғи Абдумутал Ризаев. – Олдинлари жўяқлаб суғориш учун икки-уч нафар сувчи овора бўлган бўлса, томчилатиб суғорилганда, бу ишни бир киши бемалол удаламоқда. Шу қаторда минерал ўғитларнинг сув орқали юборилиши ҳам ишчи кучи, озуқа ва вақтни тежаш имконини бермоқда. Умуман сув сарфи жўяқ олиб суғоришга нисбатан кескин камайиб, мева сифати ва ҳосилдорлигини

оширади. Айниқса, сувни аста-секин, милтиратиб айнан ўсимлик илдизи жойлашган ерга етказиб берилганда, тупроқдаги намликни оптимал даражада ушлаб туради, бу суғориш усули сувнинг қуёш ва шамолда буғланиб кетишига ҳам йўл қўймайди. Асосийси сув кераксиз жойдаги тупроқни, яъни ариқ ораларини ҳам намлантириш учун сарфланмайди ва илдиз атрофида намликнинг энг маъқул даражаси сақлаб қолади.

Албатта, шулар билан бир қаторда бугун тумандаги 16 та фермер хўжалиқларининг 300 гектар боғ майдонларида, сувдан тежамли фойдаланишнинг яна бир усули эгилувчан қувурлардан кенг фойдаланилмоқда. Мутахассисларнинг эътироф этишича, томчилатиб суғоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини иқтисод қилишда намоён бўлади. Жомбой туманидаги каби сув сарфини қисқартиришга қаратилган бу каби янгидан-янги лойиҳалар жорий этилиши баробарида, бу тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигининг ҳам ошишига хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ташкил этилди

Агентлик сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни аниқлаш, уларнинг йиллик, қиска ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади.

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Хусусан, қуйидагилар агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларни аниқлаш, уларнинг йиллик, қиска ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини ва бош пудрат ташкилотларини тендер савдолари асосида аниқлашни ҳамда тегишли шартномаларни расмийлаштиришни назорат қилиш;

лоийҳаларни амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш, шунингдек, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига

риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, "Сувқурилишинвест" ДУКлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш доирасида юзага келган муаммоларни бартараф қилишга кўмаклашиш.

Ҳужжат билан Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг таркибига кирувчи сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширишда буюртмачи вазифасини бажарувчи "Сувқурилишинвест" давлат унитар корхоналари рўйхати тасдиқланди.

Агентлик ҳузурида Агрисаноат мажмуи ва озик-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг сув хўжалиги бўйича инвестиция лойиҳалари негизида алоҳида юридик шахслар сифатида:

Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи; Осиё тараккиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи; Араб мувофиқлаштириш гуруҳи лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ташкил этилди.

БОҒБОНЛАРГА ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Интенсив боғ ёки токзорлар — улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхоналар — бир йиллик имтиёзли давр билан лизинг олувчига етти йилгача муддатга лизингга берилади.

Вазирлар Маҳкамаси оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарор билан Қишлоқ хўжалиги, Иқтисодиёт ва саноат, Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Марказий банк ва тижорат банкларининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Қарорда айтилишича, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари агентликларга ҳамда Жамғармага интенсив боғ, токзорлар барпо этиш ва иссиқхоналар қуриш учун қишлоқ

хўжалигида фойдаланилмаётган очик ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, ярқисиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ер майдонлари 10 йилгача муддатга вақтинча фойдаланиш шартли билан ажратилишини таъминлайди.

Ҳужжатда белгиланишича:

а) интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ишлари агентликлар ва Жамғарма томонидан, шунингдек, агентликлар билан келишган ҳолда бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

б) интенсив боғ, токзорлар ва иссиқхоналар тижорат банклари, лизинг компаниялари, Жамғарма ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан аҳолига лизинг ёки кредит шартлари асосида берилади;

в) интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналарни қуриш ишлари қуйидаги манбалар ҳисобига молиялаштирилади:

тижорат банкларининг оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида" 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарори асосида "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастури доирасида ажратиладиган кредитлар;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона

хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

г) интенсив боғ ёки токзорлар — улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхоналар — бир йиллик имтиёзли давр билан лизинг олувчига етти йилгача муддатга лизингга берилади;

д) тижорат банклари интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун — улар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) имтиёзли давр билан, иссиқхона қуриш лойиҳаларини молиялаштириш учун — бир йиллик имтиёзли давр билан етти йилгача муддатга кредит ажратиши мумкин, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобига ажратиладиган кредитлар бундан мустасно.

ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА БАҲОРГИ ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

Мақолада республиканинг лалмикор майдонларида баҳорги муддатларда экиш учун тавсия этилган бошоқли дон, дуккакли дон, мойли ва ем-ҳашак экинлари навларининг, экиш муддатлари, меъёрлари ва етиштириш ва парваришлаш агротехнологиялари баён қилинган.

Бугунги кунда республика ҳудудидаги барча лалмикор майдонларда бошоқли дон, дуккакли дон, ем-ҳашак ва мойли экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш лалмикор майдонларда яшовчи аҳолининг нон ва ун маҳсулотларига, оқсилга бой дуккакли дон ва сифатли мой маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда иқлимнинг глобал исиши натижасида минтақамизда об-ҳаво шароитларининг ўзгарувчанлиги, қиш ойларининг нисбатан илиқ келиши ва ёгингарчиликнинг кам бўлиши кузатилмоқда.

Шундан келиб чиқиб жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва парваришлашда агротехник тадбирларнинг белгиланган муддатларда тез ва сифатли қилиб бажарилишига фермер хўжалик раҳбарларининг алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Республикадаги тоғолди ва тоғли лалмикор майдонларнинг қулай тупроқ ва об-ҳаво шароитлари барча агротехнологик тадбирлар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилганда ўртача 12-15, серёғин келган йилларда эса 15-18 ц/га ҳосил етиштириш имкониятини беради.

Бу йилги куз ва қиш ойларининг илиқ келиши ўз вақтида экилган бошоқли дон экинларининг тўлиқ униб чиқишига олиб келди. Шунингдек, кечки муддатларда экилган ғалла уруғлари ҳам 2-3 та илдиз ҳосил қилиб, нишлаган ҳолатда ривожланмоқда.

Лалмикор майдонларда кузги бошоқли, дуккакли ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги қиш ва эрта баҳорда бўлиб ўтган ёгин-сочин миқдорига ва тупроқнинг намланиш чуқурлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Айрим сабабларга кўра, куз ойларида экилмай қолган майдонларга февраль ойларининг очик кунларида бошоқли дон экинлари-

ни экиш ишларини давом эттириш мумкин бўлади.

Бунда баҳорги буғдойнинг “Оқ буғдой”, “Бахмал-97”, “Истиқлол-6 навларини 90-100 кг/га, арпанинг “Лалмикор”, “Саврук”, “Абу-Фофур” каби навларини 100-110 кг/га ҳисобида экиш тавсия қилинади.

Эрта баҳорда бажарилиши лозим бўлган муҳим агротехник тадбирлардан бири майсаларни озиқлантириш ҳисобланади. Лалмикор майдонларда азотли ўғитлар билан озиқлантиришни 30-40 кг/га (таъсир этувчи модда ҳисобида) ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Жорий йилда бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларнинг кенг тарқалиши эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли, бегона ўтларга қарши курашишда, тупроқдаги намликни сақлашда кузги ғалла майсаларини боронлаш яхши самара беради. Бунда бороналар ёрдамида кўндалангига ишлов берилади. Бу тадбирни озиқлантириш билан бирга кетма-кет ўтказиш зарур. Боронлашни фақат ўсимликнинг тўлиқ туплаш даврида, туп сони меъёрдан ортиқ бўлган майдонлардагина ўтказиш лозим.

Маълумки, лалмикор майдонларда намгарчилик кам бўлган йилларда ғалланинг 1 м² даги туп сони муҳим аҳамият касб этади. Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра, ўсимликнинг мақбул кўчат сони текислик майдонларда 100-110 та, текислик қир-адирлик майдонларда 120-130 та, тоғолди майдонларда 140-150 та ни ва тоғли майдонларда 160-180 дона/м² ни ташкил этиши зарур. Уруғ экилгандан кейин ноқулай шароитлар туфайли сийрак униб чиққан, тўлиқ кўчат ҳосил қилмаган 1 м² даги туп сони 70-80 донадан кам бўлган майдонларда 30-50 кг/га миқдорида кўшимча экиш ишларини амалга ошириш яхши самара беради.

Майсаларнинг бу кўрсаткичларидан кам ёки ортиқча бўлиши ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Бундан ташқари, лалмикор майдонларда алмашлаб экишни тизимини жорий этиш мақсадида ғалладан бўшаган майдонларга эрта баҳорда нўхат, махсар ва зигир экинларини экиш фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Дуккакли дон экинларини етиштириш агротехникаси. Лалмикор майдонларда ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемаларида эрта баҳорда банд шудгорга экиладиган, тупроқда азот тўплаш хусусиятига эга бўлган дуккакли экинлардан бири **нўхат ўсимлиги** ҳисобланади. Бу ўсимлик қурғоқчиликка чидамлиги-



нинг юқорилиги сабабли қадимдан лалмикор ерларда экиб келинади.

Ҳозирги кунда ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида тўйимлиги юқори бўлган, таркибида 50-55% оқсил ва турли алмашмайдиган аминокислоталар мавжуд бўлган нўхатнинг “Жаҳонгир”, “Ирода-96”, “Ўзбекистон 32”, “Юлдуз”, “Гулистон” каби серҳосил касаллик ва зараркунандаларга чидамлиги юқори бўлган навлари яратилган.

Лалмикор ерларнинг ярим таъминланган текислик қир-адирлик минтақасида нўхатнинг мақбул экиш муддати март ойининг иккинчи ўн кунлиги, экиш меъёри гектарига 60-70 кг, тоғолди ва тоғли минтақаларида эса март ойининг охири, апрел ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади.

Бу минтақаларда нўхатнинг экиш меъёри 75-80 кг/га ни ташкил этиши лозим.

Лалмикор майдонларда барча дуккакли экинлар каби нўхат ўсимлиги ҳам фосфорли ўғитларга талабчанлиги юқори ҳисобланади. Лекин, нўхатнинг дастлабки ўсиш ва ривожланиш босқичларида азотли бирикмаларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 30-40 кг/га соф таъсир этувчи модда ҳисобида таркибида азот сақлайдиган фосфорли ўғитларни экиш олдидан ёки экиш билан бирга бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мойли экинларни етиштириш агротехникаси. Махсар ўсимлиги кучли ривожланган ўқ илдизга эга бўлиб, тупроқнинг 1,5-2 м қатламигача кириб боради ва унинг қуйи қатламларидаридаги намлик захирасидан тўлиқ фойдаланилади. Шу сабабли бу экин қурғоқчиликка анча чидамли ўсимлик ҳисобланади.



Махсар дони таркибидаги мой миқдори 25-30% ни ташкил этади. Тупроқ ва об-ҳаво шароитлари ҳамда агротехника даражасига қараб унинг бўйи 40-50 см дан 100-120 см гача этади. Унинг уруғи тупроқдаги ҳарорат 1-2°C ни ташкил этганда униб чиқа бошлайди. Экишнинг мақбул муддати Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларининг қуйи лалмикор минтақаларида март ойининг биринчи ўн кунлиги, тоғолди майдонларида эса март ойининг охириги ўн кунлиги ва апрел ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади.

Экиш меъёри қатор оралиғи 30 см ни ташкил этганда 20-22 кг/га, 45 см қатор оралиғида 15-18 кг/га ни, экиш чуқурлиги эса тупроқ

намлигига қараб 4-5 см ни ташкил этиши зарур. Лалмикор ерларда экиш учун махсарнинг “Милютин-114” ва “Ғаллаорол” навлари тавсия этилади.

Махсар зараркунандаларига қарши самарали кураш усуллари 500 тадан храбракон ва олтинкўз тарқатиш, шунингдек, Суми-альфа 0,2-0,3 л/га, 5 л/га кимёвий препаратларни қўлаш мумкин.



Республиканинг лалмикор майдонларида қадимдан экиб келинаётган муҳим мойли экинлардан яна бири **зиғир** ҳисобланади. Унинг уруғи таркибида 30% дан то 50% гача қимматбаҳо мой мавжуд бўлиб, мой чиқиш даражаси тупроқ ва об-ҳаво шароитларига ҳамда агротехнологияга қараб ўзгаради.

Лалмикор майдонларда зиғир ўсимлигини экишнинг агротехник қулай муддати текислик-қир адирлик минтақада март ойининг биринчи ярми, тоғ олди ва тоғли минтақаларда март ойининг охири ва апрел ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Экиш меъёри қуйи лалмикор минтақада 16-18 кг/га, тоғли ҳудудларда эса 20-22 кг/га ни ташкил этиши лозим. Экиш чуқурлиги тупроқнинг намлигига қараб 4-6 см ни ташкил этиши зарур.

Ем-хашак экинларини етиштириш агротехникаси. Лалмикор ерларнинг текислик-қир адирлик минтақасида беда экишнинг муддати март ойи, тоғ олди ва тоғли майдонларида апрел ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Экиш меъёри кўк масса олиш учун қуйи минтақада 10-12 кг/га, тоғ олди ва тоғли майдон-

ларда 14-16 кг/га ҳисобида ёппасига экилади. Лалмикор минтақаларида беданинг “Аридная” ва “Бойгул” навлари экилади, экиш меъёри 8-10 кг/га ҳисобида кенг қаторлаб (30-45 см) экилади. Барча лалмикор минтақаларда беда уруғи анкерли сошниклар билан жиҳозланган ғалла сеялкалари ёрдамида тупроқнинг 1,5-2 см қатламига экилиши зарур.

Беданинг зарарли ҳашаротлардан бири фитонемус ҳисобланади. Бу зараркунандага қарши агротехник ва кимёвий кураш чора тadbирларидан бири эрта баҳорда беда экилган далаларга оғир бороналар ёрдамида ишлов бериш ҳамда 0,2-0,3 л/га ҳисобида инсектицидлардан гуллашдан олдин пуркаш яхши самара беради.

Хашаки нўхат етиштириш агротехникаси. Лалмикор майдонларда тупроқни органик моддалар билан бойитиш ва структурасини яхшилашда, чорва молларини тўйимли, оқсилга бой омихта ем билан таъминлашда хашаки нўхат ва арпани қоплама қилиб экиш муҳим аҳамиятга эга. Бу экинлар ҳам ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасида банд шудгорга экилади. Хашаки нўхатнинг “Восток 85” нави экиладиган далалар кuzда ёки феврал ойининг охири, март ойининг бошида 20-22 см чуқурликда ҳайдалади. Экиш олдидан шудгорга икки йўналишда борона ва мола билан ишлов берилади. Хашаки нўхатнинг ётиб қолмаслиги учун уни арпанинг дуварак навлари билан аралаш ҳолда экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда арпанинг экиш меъёри гектарига 60-70 кг/га ни, хашаки нўхатники эса 40-50 кг/га ни ташкил этиши лозим. Экиш муддати март ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади.

Шерали ОРИПОВ,
директор, қ.х.ф.ф.д,
Ҳасан ҚАРШИБОВЕВ,
Бекмурод ХАЙДАРОВ,
Маматкул ЖУРАЕВ,
Нуриддин ЮСУПОВ,
илмий ходимлар, қ.х.ф.ф.д,
Дон ва дуккакли экинлар
илмий-тадқиқот институти
ИТС директори,
Ғаллаорол илмий-тажриба
станцияси.

ЕРЛАРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Мамлакатимизда жорий йилда ёгингарчилик нисбатан ўртача кузатилмоқда. Шу туфайли экин майдонларида намлик етарли даражада бўлишини таъминлаш мақсадида февраль-март ойларида ўтказиладиган агротехник тадбирлар бўйича қуйидаги тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Республикаимизнинг табиий тупроқ-иклим шароитларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғормасдан туриб кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди.

Чунки мамлакатимизда табиий ёгингарчилик миқдори жуда кам (текис чўл-сахро минтақаларида 90-120 мм атрофида холос, фақатгина тоғ ва тоғ олди минтақаларида унинг йиллик миқдори 360-400 мм гача етади) бўлиб, у ҳам мавсумий характерга эга бўлганлиги учун тупроқда тўпланган табиий намлик қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини экиб ундириб олишга ҳам етмайди.

Бундан ташқари, республикаимизда сув манбалари ҳам жуда чегараланган. Шунинг учун тупроқда нам тўплаш, сақлаш ва уруғни (айниқса ғўза чигитини) ернинг табиий намига ундириб олиш, ғўза парваришида барча агротехника тадбирларини сувдан тежамкорлик билан оқилона фойдаланишга қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Тупроқда нам тўплаш ва сақлаш кузда ерларни текислаш, шудгорлаш, тупроқ шўрини ювиш, қишда яхоб сув

бериш, баҳорда захира суғориш ва бошқа тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Йилдан-йилга сув танқислиги кузатилаётган бир вақтда мазкур комплекс тадбирларни илмий асосланган тавсияларга биноан ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш тақозо этилади.

Эрта баҳорги бороналашни тупроқнинг 8-10 см қатламида ерни етилиши билан ўтказиш зарур, буни аниқлаш учун бир ховуч тупроқни сочиб юборганда ёйилиб кетса, ер етилган ҳисобланади. Ёгингарчилик кам бўлган (200 мм гача) йилларда уни февраль ойининг 2-ярмидан, ёгингарчилик кўп бўлганда эса март ойининг биринчи ярмидан бошлаш мумкин.

Агар бу тадбир эрта ўтказилса тупроқнинг зичлашишига олиб келади, бу тадбир кечикиб ўтказилганда эса тупроқ юзасида нам етишмаслигидан тўлиқ ниҳол олиш имкони бўлмайди, кўчат сийрак бўлиб қолади.

Бу йилги шароитда шўрланмаган ерларда баҳорда ва экишдан олдин икки марта ишлов бериш (бороналаш) етарли бўлиб, ўтлоқи тупроқларда эса ерни яхши ҳолатга келтириш учун бир марта ишлов берилади. Ортиқча бороналаш ва чизел ўтказиш тупроқни зичланишига ва тупроқдаги намни йўқотишга олиб келади. Агар кўшимча бороналаш ўтказишга тўғри келса, унда тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш лозим.

Февраль - март ойларида ҳар бир қулай об-ҳаво шароитида унумли фойдаланиб ерларни экишга тайёрлаш ишларини ўтказиш лозим. Кузги шудгор олтидан фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмаган бўлса, экишдан олдин қўллаш керак. Шўрланган майдонларда

шўр ювиш ишлари тугаллангандан сўнг эрта баҳорда ер етилиши билан чизелланиб ёки дискланиб боронланади. Бунда март ойида фосфорли ўғитларни 60% (аммофос-195 кг/га, ёки супрефос- 385 кг/га, ёки оддий суперфосфат-650 кг/га) ва калийли ўғитларни 50% (калий тузи -125 кг/га, ёки калий хлор -90 кг/га) солинади, сўнг чизел культиваторлари ёрдамида тупроқ 18-20 см чуқурликда чизелланади ва бир юришда борона қилинади.

Эрта баҳорда куз ва қиш ойларида тўпланган намликни сақлаш мақсадида бороналаш талаб этилади, бунинг учун ер оби-тобига келиши билан барча далаларда ёппасига бороналаш ўтказиш шарт. Мазкур тадбир муддатидан кечиктирилиб ўтказилиши натижасида, тупроқни чигит экиладиган қатламида намлик йўқотилиб, ниҳол бир текис ундириб олинмайди.

Чигитни тупроқнинг табиий نامида тўлиқ ундириб олиш учун тупроқ оби-тобида етилиши билан икки қаторли қилиб тиркалган оғир бороналардан фойдаланилади. Агар экишгача далада бегона ўтлар кўп бўлса ер чизелланади, борона қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади ва мола босилиб, чигит экилади.

Яхоб суви берилган, айнақса, тупроқнинг шўри ювиладиган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари экин майдонларида ҳайдов қатлами анча зичлашган бўлса, эрта баҳорги бороналаш самара бермаслиги мумкин. Бундай тупроқлар борона тиркалган ҳолда чизелланади ёки дискаланади. Эрта баҳорги ишлов беришда тишли ва дискли бороналардан тўғри фойдаланиш тупроқнинг ҳайдов қатламини зичлаштирмасдан экишга сифатли тайёрлашни таъминлайди.

Фатхулла ТЕШАЕВ
Феруза ХАСАНОВА,
Бегали НИЯЗАЛИЕВ,
ПСУЕАИТИ илмий ходимлари.



САБЗАВОТЛАРДАН ЭРТА ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ

Февраль ойининг дастлабки кунларида миришкорларимиз учун дала ишлари сифатли сабзавот кўчатлари тайёрлашдан бошланиши лозим.

Республикамызда катта майдонларда етиштирилаётган асосий сабзавот экинларидан помидор, бақлажон, ширин ва аччиқ қалампир каби иссиқсевар сабзавотлар очик майдонларга асосан кўчати билан экилади. Шу сабабдан, ушбу экинларнинг кўчатларини махсус кўчатхоналарда сифатли тайёрлаб олиш ўзига хос муҳим бир тадбир ҳисобланади. Сифатли ва соғлом кўчат тайёрлашда сабзавот уруғларнинг аҳамияти катта бўлиб, бунинг учун униб чиқиш хусусияти юқори, бегона ўт ва навлар аралашмасидан холи уруғлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кўчат тайёрлашда уруғларни экишдан олдин турли зарарли вирус касалликларига қарши қиздириб олиш тавсия этилади. Бунинг учун помидор, ширин қалампир, бақлажон уруғларини термостат ёки куритиш шкафида икки сутка 50-52 даражада ва бир сутка 80 даражада қиздирилади. Уруғларни тўқ ва пучга ажратишда уруғлар ош тузининг 3-5% ли эритмасига 30 дақиқа солинади. Бунда пуч уруғлар чўкмасдан, ажралиб қолади.

Сабзавот кўчатларини етиштириш учун кўчатхона тупроғи 20-25 см чуқурликда юмшатилади ва 0,8-1,0 метр қилиб пушта олинади. Пуштага уруғларнинг яхши униб ўсиши учун икки қисм чириган гўнг, бир қисм тупроқ, бир қисм қум аралашмаси солиб, текисланади. Аралашма қалинлиги ниҳол тайёрлаш учун



10-12 см дан, кўчириб экиладиган иссиқхоналарда эса 18-20 см. дан кам бўлмаслиги лозим.

Иссиқсевар помидор уруғидан нам тупроққа ҳар 1 м² майдонга 8-10 г, кўчирмай бир жойнинг ўзиде етиштиришда ҳар 1 м² майдонга 2,0-2,5 г ҳисобида уруғ сепилади.

Бақлажон ҳар 1 м² майдонга 8-10 г, кўчирмай бир жойни ўзиде етиштиришда ҳар 1 м² майдонга 3-4 г ҳисобида уруғлар сепилади. Ширин қалампир экинида ҳар 1 м² майдонга 14-16 г, кўчирмай бир жойнинг ўзиде етиштиришда ҳар 1 м² майдонга 4-5 г ҳисобида уруғ сарфланади. Уруғлар сепилиб, устидан 1,0-1,5 см қалинликда эланган чириган гўнг ёки чириган қипиқ солинади, устидан сув сепилади.

Бир гектар майдонга етарли миқдорда кўчат тайёрлаш учун 800-1000 г ширин қалампир, 600 г бақлажон ва 350-400 г помидор уруғлари сарф бўлади.

Кўчат тайёрлаш ишларининг энг қулай муддати республикамызнинг марказий вилоятларида помидор учун 10-20 феврал, ширин қалампир ва бақлажон учун 1-10

феврал, жанубий вилоятларда 15-20 кун олдинроқ, шимолий вилоятларда эса 15-20 кун кечроқ амалга оширилиши лозим.

Очиқ майдонда етиштириш учун қуйидаги маҳаллий навлар тавсия этилади: помидорнинг “Юлдуз”, “Дархон”, “Баходир”, “Ситора”, “ТМК-22”, “Авиценна”, “Шарқ юлдузи”, “Шафақ”, “Сурхон-142”, “Заковат”, “Нурафшон F₁”, ширин қалампирнинг “Дар Ташкента”, “Заря Востока”, “Зумрад”, “Наргиза”, “Тонг”, “Сабо”, “Шодлик”, бақлажоннинг “Феруз”, “Аврора”, “Алмаз” навлари.

Сифатли кўчат тайёрлашда кўчатхона ҳарорати, тупроқ намлиги ва ниҳолларни озиклантириш муҳим аҳамиятга эга. Сепилган уруғлар тез униб чиқиши учун кўчатхонадаги ҳарорат бир ҳафта давомида кундузи 20-25^o, кечаси 10-14^o, кейинги ҳафтадан кундузи 20-22^o, кечаси 14-15^o бўлиши талаб этилади. Кўчатхона тупроғи намлигига кўра, кўчатлар ўсув даврида ҳар 1 м² майдонга 6-7 литр сув меъёрида суғорилади. Кўчатлар 2-3 барг чиқарганда орасини 5x6 см қилиб кўчириб ўтказилади. Кўчириб ўтказилган кўчатларга 10-12 кундан сўнг биринчи озик: 10 литр сувга 5 г аммоний сульфат ёки карбамид, 40 г суперфосфат ёки аммофос ва 10 г калий ўғитлари эритилиб, барг устидан берилди. 6-7 кун ўтказиб иккинчи мартаба юқоридаги миқдорни 2 мар-



та кўпайтириб озиқлантирилади. Учинчи озиқлантириш кўчатни далага экишдан 4-5 кун олдин амалга оширилади.

Етиштирилаётган кўчатлар экиш учун тайёр бўлгач, очиқ далага олиб чиқишдан 6-8 кун олдин плёнчаларни очиб, кўчатларни ташқи муҳитга шароитига мослаштириб чиниқтириш муҳим аҳамиятга эга.

Далага экиш олдиндан кўчатларга иссиқхонанинг ўзида занг, ўргимчаккана ва шираларга қарши ишлов берилиб, экилиши мақсадга мувофиқдир. Кўчатларга ишлов беришда экишдан 1-2 кун олдин 2,5% ли Децис дорисидан 0,2 мл. 10 литр сувга аралаштириб, 20 метр кв. майдондаги кўчатга сепилади ёки тавсия этилган препаратлардан биронтасидан фойдаланиш мумкин.

Ширин қалампир, бақлажон, ва помидорнинг 50-55 кунлик кўчатлари 15-18 см узунликда, 5-7 та барг чиқарганда очиқ далага экиш учун тайёр бўлади.

Шу билан бирга, полиэтилен қопчаларда, кичик хажмли стаканларда махсус субстратлар асосида тайёрланган кўчатларини экиш ҳам яхши самара беради. Ушбу усулда очиқ майдонга экилган кўчатларнинг ривожланиши яхши кечади, қаторда ўсимликлар хатоси камаяди ҳамда эртароқ ҳосилга киради.

Тавсия этилаётган усул бугунги кунда ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб келинмоқда. Ҳажми 8x8 см бўлган стаканларга 40% гўнч + 40% тупроқ + 20% ёғоч, шולי қипиги аралашмаси солинади ва стаканлар сув билан яхшилаб намланади ва олдиндан ишлов берилган, унувчанлиги юқори уруғлар ташланиб, устидан 2 см қалинликда чиринди солинади. Кўчат етиштириш жараёни олдий усул каби тавсиялар асосида олиб борилади.



Ушбу ойнинг муҳим тадбирларидан яна бири, совуқ ҳавога нисбатан чидамли бўлган оқбош қарам, гул қарам, пиёз, сабзи, редис, ош лавлаги, укроп, кашнич, петрушка ҳамда салат каби сабзавотлар экинларини экиш учун режалаштириб қўйилган майдонлар кузда экишга тайёрлаб қўйилган бўлиши лозим.

Совуққа нисбатан чидамли эртаги қарам кўчатларни очиқ майдонларга экиш марказий вилоятларда феврал ойининг 2-3 ўнқунлигида, жанубда жойлашган вилоятларда 15-18 кун олдин, шимолий вилоятларда эса 18-20 кун кечроқ амалга оширилади. Эртаги қарам экиладиган ер кузда тайёрлаб қўйилган бўлса яхши самара беради. Кузда тайёрлаб қўйилган эгатларга кўчат экилганда ҳосили баҳорда тайёрланган майдонга нисбатан 8-10 кун илгари этилади ва 20% кўпроқ ҳосил беради.



Эртаги муддатда экиш учун қарамнинг — “Июнь”, “Номер-1”, “Назоми- F_1 ”, “Парел- F_1 ”, “Фараон- F_1 ”, “Моррис- F_1 ” каби эртапишар, серҳосил нав ва дурагайлари тавсия этилади. Эртаги қарам 70x25 (30) см схемада экилади. Экиш даврида кўчатнинг ёши 40-45 кунлик, бўйи 14-16 см ва 6-7 та барглари сони бўлиши лозим.

Пиёз, сабзи, редис, ош лавлаги, укроп, кашнич, петрушка, салат сингари сабзавот уруғлари ҳамда картошка туганаклари Республиканинг жанубий минтақасида 20 январдан 25 февралгача, марказий минтақада 5 февралдан 20 мартгача, шимолий минтақада эса 20 февралдан 25 мартгача экилади.

Эртаги муддатда экиш учун редиснинг “Лола”, “Эртапишар”, “Майский”, ош лавлагининг маҳаллий “Диёра”, “Ягона”, “Бордо-237”, “Бикорес”, “Боро- F_1 ”, “Пабло- F_1 ”, “Водан- F_1 ” нав ва дурагайлари, укропнинг “Ўзбекистон-243”, “Ором”, кашничнинг “Орзу”, петрушканинг “Нилуфар” каби серҳосил маҳаллий навлари тавсия этилади.



Майда уруғли сабзавотлардан пиёз, сабзи ҳамда кўчат сабзавот уруғларини катта майдонларда сабзавот уруғлари экиш сеялкасида ленташаклида, кўшқаторлаб (50+20 см ораликда) кичик майдонларда қўлда сочма усулда экиш мумкин.

Сабзавот уруғларини эккандан сўнг кетма-кет ва тез орада ҳар бир эгат устига чиринган гўнч ёки ёғоч қипигидан сепиб, мулчалаш тадбирининг амалга оширилиши уруғларнинг ердан қисқа фурсатда униб чиқиши учун қулай шароитларни яратади.

Эртаги муддатда экиш учун пиёзнинг маҳаллий “Равнақ”, “Истиқбол”, “Зафар”, “Алдова”, “Дайтона”, “Сибирь”, “Манас”, “Радар”, сабзининг маҳаллий “Мшак”, “Нурли”, “Мирзойи сариқ”, “Мирзойи қизил”, “Зийнатли”, “Фаровон”, “Барака” ва чет элнинг “Нантская”, “Шантане” навлари тавсия этилади.

Ушбу экинлардан барвақт ҳосил олиш учун тупроқ усти мулчалаш билан бирга уларни шаффоф плёнка остида парваришlash яхши самара беради. Кеч куз ойларида экилиб мулчаланган ва плёнка билан беркитилган майдонлардаги сабзи, пиёз, ош лавлаги ҳамда кўчат сабзавотлар уруғлари қишки ёғинлар, ҳаводаги намлик таъсири натижасида аста-секин бўртади ва совуққа чиниқади. Эрта баҳор ойлари ҳаво ҳароратининг ноқулай, паст бўлишига қарамай уруғлардан униб чиққан майсалар тез суръатлар билан жадал ўсиб, ривожланади, эрта кўкламдаги қисқа муддатли совуққа чидамли бўлиб ўсади ва ушбу экинларни эрта баҳор ойларида экишга қараганда ҳосили 20-25 кунгача эртароқ пишиб этилади ва ҳосилдорлиги 15-20% га ошади.

Рустам НИЗОМОВ,

қ.х.ф.д.,

Фахриддин РАСУЛОВ,

қ.х.ф.д.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ТЕЖАМКОРЛИК ВА САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда, илғор тажрибалар ва янги суғориш технологияларини қўллаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бизга маълумки сув насослари, суғорилиши оғир бўлган ҳудудларда катта вазифаларни ўз қамровига олади ва ҳосилдорликда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда энг кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб берувчи Самарқанд вилоятидаги суғориладиган ер майдонининг 68,155 минг гектари насос агрегатлари орқали суғорилади. Бунда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида умумий 94 та насос станциялари, шулардан 17 та юқори кучлианишли ва 77 та паст кучлианишли насос станцияларини ва 378 дона турли хил насос агрегатларининг ўрни катта бўлмоқда.

— Насос станцияларимизнинг умумий сув чиқариш қобилияти 194,54 м³/секунд бўлиб, улар ёрдамида умумий бир йилда 776,9 млн. м³ сув кўтариб берилди. Бошқарма миз тасарруфида умумий қудуқлар сони 433 дона бўлиб, улар ёрдамида вилоятдаги 10 минг 544 гектар экин майдонлари сув билан таъминлаб келинмоқда.

Шунингдек, бошқарма мизга қарашли 2 та таъмирлаш цехлари мавжуд бўлиб, таъмирлаш цехларимизда йилига ўртача 157 дона ҳар хил турдаги насослар, 222 дона турдаги роторлар, 24 дона ҳар хил турдаги вакуум насослар, 28 дона задвижка ва қайтарувчи клапанлар, 24 дона ҳар хил турдаги электродвигателларни таъмирлаш ишлари бажарилади, — дейди, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси бошлиғи Акмал Акрамов.

Маълумки, суғориш тизимларининг насос станциялари энергия истеъмоли жиҳатидан катта бўлган объектларидан бири ҳисобланиб, насос

агрегатларининг энергия истеъмоли тежамкорлигини ошириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда вилоятда катта энергия сиғимли насос станцияларини энергия тежамкор иш режимларига ўтказиш ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида модернизация қилиш ишлари амалга оширилмоқда.



Суратда: Пахтачи туманидаги “Сувли” насос станцияси кўриниши.

Бу борада Зарафшон ИТХБ қошидаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасига қарашли йирик станцияларда реконструкция қилиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирга қадар Нарпай туманидаги “Нарпай”, ва Пахтачи туманидаги “Сувли” насос станциялари “Осиё тараққиёт банки” инвестиция маблағлари ҳисобидан реконструкция қилинди. Нарпай туманидаги “Нарпай” насос станциясида 2013 йилда реконструкция ишлари амалга оширилган бўлиб, насос станциясининг реконструкция ишлари бажарилгунга қадар умумий

сув чиқариш қобилияти 6.3 м³/сек. бўлган ҳолда, реконструкциядан кейин 11.0 м³/сек. миқдорда сув чиқариб берилишига эришилди. Шу аснода тумандаги умумий 8 минг 600 гектар ер майдонини сув билан таъминлаш ишлари яхшиланди. Пахтачи туманидаги “Сувли” насос станцияси эса, 2016 йилда реконструкция қилиниб, станциясининг реконструкциядан олдинги умумий сув чиқариш қобилияти 1.5 м³/сек. га тушиб қолган бўлса, реконструкциядан кейин 4.5 м³/сек. миқдорда сув чиқариб берилишига эришилди. “Сувли” насос станцияси реконструкция қилиниши натижасида 1 минг 450 гектар экин майдонлари ўрнига 5 минг 500 гектар ер майдонини сув билан таъминлаш имкони яратилди. Натижада мазкур ҳудудлардаги насос станциялар орқали суғориладиган пахта майдонларининг ҳосилдорлиги сув таъминоти яхшиланиши эвазига, гектарига 38 центнердан 45 центнерга, ғалла майдонларининг ҳосилдорлиги 35 центнердан 48 центнерга ошди.

Шунингдек, бошқармага қарашли Самарқанд туманидаги 1986 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, тумандаги 4000 гектар мевачилик, узумчилик, чорвачиликка йўналтирилган хўжаликлар ер майдонларини сув билан таъминлайдиган, “Наврўз” насос станциясида реконструкция ишлари тугалланиб, шу кунларда ишга тушиш арафасида.

Албатта, бу каби соҳада амалга оширилаётган ишлар пировардида, биз учун муҳим ресурс ҳисобланган энергия сарфи тежалиб, сув таъминоти борасида ҳам янги кўрсаткичларга эришилади ва натижада қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш кўламининг ошишига хизмат қилади.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ВАЗИФА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва айнан шу кунни қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан келиб чиқилган ҳолда янги вазирлик тасарруфида сув омборлари бошқармалари ташкил этилди. Бу эса, тизимда амалга ошириладиган юмушлар самарадорлигини таъминлашга қаратилган илк қадамлардан бири бўлди, дейиш мумкин.

Жиззах вилояти дала меҳнаткашлари жами 577 минг гектар сувли майдонда деҳқончилик қилиб келишмоқда. Ана шу экинзорлардан олинаётган ҳосил салмоғининг янада салмоқли бўлишига вилоят қишлоқ хўжалиги соҳасини оби-ҳаёт билан таъминлаб келаётган сув омборларининг улуши катта эканлиги шубҳасиз. Боиси, воҳадаги мавжуд экинзорларнинг аксарият қисми айнан ана шу ҳавзаларда тўпланадиган сув билан суғорилади.

Аграр соҳага масъул идоралардан олинган маълумотларга кўра, 2019 йилда воҳа ғаллакорлари жами 600 минг тонна сара дон етиштиришди. Давлат билан тuzилган шартнома 50 минг тонна ортиги билан урдаланди. Пахтачиликдаги натижалар ҳам чакки бўлмади: тармоқ учун йилнинг мураккаб келганига қарамасдан, 2018

йилга нисбатан 30 минг тонна кўп пахта хомашёси тайёрланди. Оралиқ экинлар етиштириш, боғдорчилик, соҳибкорлик соҳаларида кўлга киритилган натижалар ҳам эътироф этишга арзирли бўлди.

Ушбу натижаларда бизнинг соҳамиз вакилларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги аниқ, — дейди Жиззах сув омборлари бошқармаси муҳандис-гидрометри Бобораҳим Иброҳимов. — Ортда қолган қишлоқ хўжалик йилида фермерлар, деҳқон ва томорқа хўжаликлари эгаларига ҳаммаси бўлиб 492 миллион куб метрдан зиёдоба-ҳаёт етказиб бердик. Бу эса, ҳудудларда вегетация мавсумининг кўнгилдагидек ўтишига замин бўлди, бошқача айтганда, деҳқонларимиз йил давомида умуман сувга зориқишмади.

Бугунги кунда Жиззах вилоят сув омборлари бошқармаси ўз таркибига 8 та сув омборини бирлаштирган. Ушбу ҳавзаларнинг умумий сув сиғими 1 миллиард 225 минг куб метрни ташкил қилади. 2019 йилни яхши натижалар билан якунлаган жиззахлик мироблар энди янги мавсум тадоригини кўришмоқда. Улар айна кунларда сув омборлари қирғоқларини тупроқ ва шағал билан мустаҳкамлаш, сув келтирувчи ва тақсимловчи 60 километрдан узунроқ каналларни тозалаш, таъмирлаш ва тиклашни талаб қилувчи гидротехника қурилмаларни назоратдан ўтказиш каби ишлар билан машғул. Шу билан бирга қишки мавсумда амалга

оширилиши лозим бўлган шўр ювиш, далаларни чилла сувига қондириш каби юмушлар ҳам давом этаётгани, уларга сув етказиб бериш жараёни бир зумга тўхтамаганини ҳам айтиб ўтиш даркор.

– Бошқармамиз таркибидаги тузилмаларда ҳаммаси бўлиб 170 нафардан ортиқ ишчи-ходимлар меҳнат қилади, — дейди Жиззах сув омборлари бошқармаси бошлиғи ўрол Орақулов. – Биз ана шу инсонларнинг баракали меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни биринчи галдаги вазифаларимиздан, деб биламиз. Зеро, одамларимиз қишин-ёзин оиласи, хонадонидан узоқда ишлашади. Демак, қачонки уларнинг рўзғорларидан кўнгли тўқ бўлса, ишида барака ва унум бўлади.

Бошқарма бошлиғи ўз сўзларининг исботи ўлароқ шундай фактларни келтирди: Ўтган йили вилоятдаги сув омборлари ихота ҳудудларидаги 100 гектарга яқин майдонларда бошоқли дон, ошқовоқ, мош етиштирилди. 1 гектарда лимонарий ташкил этилди. Ёрдамчи хўжаликларда йирик ва майда шохли моллар, қуён, курка, ўрдак, ғоз парваришланяпти. Олинаётган маҳсулотлардан тизимдаги ишчи-ходимлар баҳраманд. Ортиқчаси бўлса, бозорларга чиқариб, сотилиб, тушган маблағ яна ўша, жамоа аъзолари эҳтиёжига ишлатилмоқда...

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Ташкент вилояти, Қўйи Чирчиқ тумани ирригация бўлимида 46 нафар ишчи-хизматчи ва ирригаторлар меҳнат қилади. Шу жумладан, соҳада 6 нафар тажрибали мутахассис иш олиб бормоқда. Бўлим раҳбари Илхом Досанов йиллар давомида Оққўрғон, Паркент, Бўка туманларида муҳандис-гидротехник вазифаларида ишлаб, ўз малакасини оширди, юқоридаги туманларнинг барча сув йўлларини, гидротехник иншоотларини яхши билгани ҳолда ирригация ва мелиорация ходимларининг фаолият мезони, ютуқ ва камчиликларини яхшигина ўрганди ва тажриба тўплади. У сувчилик ва деҳқончилик машаққатларини яхшигина тушунганлигидан юқоридан берилган топшириқ ва режаларни ўз вақтида амалга ошириш учун бор билимини ишга солади, шу билан бирга, ишчи-хизматчилар билан тил топиша олади.

Қўйи Чирчиқ туманида жами 160,8 км. узунликдаги каналлар мавжуд бўлиб, бу каналлар Чирчиқ, Оҳангарон, Қорасув дарёлари ўзанидан сув олади.

“Тошкент вилояти Қўйи Чирчиқ тумани бўйича 2019-2020 йилларнинг кузги-қишки даврида ирригация тармоқларида бажариладиган ишлар чора-тадбирлари” дастури бўйича режали равишда иш олиб бораётган сувчи ва муҳандислар, гидротехникларнинг бугунги ҳар бир куни қатъий талаблар ва кўрсатмалар асосида олиб бориляпти. Тумандаги мавжуд суғориладиган 45345 гектар ер майдонларини сув билан таъминлаш, ушбу каналларнинг ҳар йили 30 км. узунликдаги қисмини лойқалардан тозалаш, 27 та гидротехник иншоот ва 30 та гидropостларни таъмирлаш ва созлаш ишлари белгиланган режа бўйича олиб борилмоқда. Бугунгача каналларда 508 км. узунликда тозалаш ишлари бажарилди. 18 та гидротехник иншоотлар, 19 та гидropостлар таъмирдан чиқарилди. Бу билан туманда-

СУВЧИЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ДАРОМАДИ

ги суғориладиган ерларнинг мелиоратив аҳволи яхшиланиб, келгуси йил ҳосили учун пухта замин ҳозирланмоқда.

Соҳада қандай ўзгариш бўлмасин, сувчи ўз ишини, деҳқон ўз касбини бажаради. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги тўла кластер тизимига ўтган туман мелиораторлари, ирригация ходимлари олдида 2020 йил ҳосили учун янада қатъий ҳаракат лозимлиги, масъулият юки янада юқори бўлиши кўриниб турибди. Ҳар бир қарич экиладиган майдонга сув ўз вақтида бир текисда етиб боришини таъминлаш асосий вазифадир. 14294,4 гектар ғалла майдонлари кўм-кўк ва баравж ривожланмоқда. Бошқа экин майдонлари барча агротехник қоидалар асосида ишлов берилиб, эрта баҳорги экишга шай қилиб қўйилган.

Ирригация бўлимига қарашли 14 та гидротехник уйлар мавжуд бўлиб, уларда сувчиларимиз учун қулай шарт-шароитлар яратилган, – дейди бўлим бош гидротехниги Ёқуб Мархабеев.

Беш йилдирки, устозлардан соҳа сир-асрорларини ўрганиб келаётган Ёқубжоннинг таклифи билан бўлим юристи Карим Қўзиев ҳамроҳлигида Улуғбек худудида жойлашган “Чақмоқ” номидаги сувчилар уйига йўл олди. Бу ерда жойлашган гидроиншоотларнинг тўла таъмирланганлиги, атроф-муҳитнинг озода ва кўркамлиги, сувчилар уйидаги саришталик ва шу қаторда йўл устида кўриниб турган иссиқхона диққатимизни тортди. 2 сотих жойдаги иссиқхонада бодринг ва кўкат маҳсулотлари етиштириш учун тай-ёргарлик кўрилаётган эди. 3 сотих жойдаги иссиқхонада эса лимонларни кечагина териб олишган, фақат частиштирилган гибрид-лимон дарахтида катта-катта лимон мевалари кўзга яққол ташланади.

70 та уяда асарларилар қишки уйқуга кетган. 4 сотих ҳовузда ҳозирда ҳам балиқлар борлигидан бу ишларни ким қилаётганлигига қизиқдик. Ахир, буларнинг бари қўшимча да-

ромад манбаи бўлиш билан бирга сувчиларга кенг имконият ҳамдир.

1978 йилдан буён гидротехник-кузатувчи бўлиб ишлаётган Абдуқодир Саидбоқиев бошқараётган сув тақсимлаш иншооти ҳудуднинг бир қисми 2500 гектар ер майдонларига сув етказиб беришга мўлжалланган. Сув иншооти айна қиш кунларида ҳам атрофи тозаланган, ранг берилган, хуллас, ишлар рисоладагидек. 64 ёшни қаршилаган Абдуқодир ака ва унинг турмуш ўртоғи, айнан шу ерда меҳнат қилиб нафақага чиққан Юлдузхон Саидбоқиева иккаласи бу ерда ёрдамчи даромад манбаларини шакллантириб, ризқ-рўз ундиришни йўлга қўйишган.

– Олдинги йили бизда 10 оила асалари бор эди. Ўтган йили уларнинг сони 70 тага кўпайди, – дейди Абдуқодир ака. – Бу ерда етиштириладиган маҳсулотлар сувчи ва мелиораторларимизнинг байрам тадбирларида дастурхонга тортилди, уларга тарқатилади ва қолгани бозорга чиқарилади.

– Бу ишлар сизга оғирлик қилмайдими?

– Йўқ, ишларим қийин эмас, иссиқхоналарда экиш ва йғим-терим пайтлари оиламиз билан бирга меҳнат қиламиз, ишчилар ҳам ёрдамга келади. Менинг асосий ишим шу ораликда давом этаверади. Эрта билан тонг саҳарда уйғонсангиз, ҳамма ишга улгурасиз, вақтингиз ҳам хуш ўтади...

Бу кичкина ёрдамчи хўжаликда ўтган йили 64000000 сўм умумий даромад қилинган бўлиб, шундан соф фойда 39 млн. ни ташкил қилди. Бу ишларнинг бари сувчилар учун яна бир имконият. Қайси соҳада ишламайлик, оила фаровонлиги ва юрт тўқинчилигини таъминлаш учун даромад манбаларини излаш бугунимизнинг талаби бўлиб, ҳар бир қарич жой обод ва кўркам бўлиши учун халққа мурожаат қилиб, фаровонлик ва тўқинчилигимиз йўлида иш олиб бораётган мамлакатимиз Президентининг бу борадаги сиёсий қарашларига тўғри келади.

Зеро, юртимизнинг элга сув етказиш борасида фидойи меҳнат қилаётган ирригаторлари муайян шароитлардан тўла фойдаланиб, ишга бўлган масъулиятини янада оширмоқда.

Шукржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.



“Иссиқхонадаги лимонларимизни шу бугун териб олдик”, – дейди Абдуқодир Саидбоқиев.

ОРЗУ ЙЎЛГА БОШЛАСА...

Хоразм вилояти, Боғот туманидаги “Бегмат бобо боғи” фермер хўжалиги 2018 йил январда ташкил қилинди ва 27 гектар майдонда боғдорчилик йўналишида иш бошлади. Зиёли оилада тарбия топган хўжалик раҳбари Мансурбек Болтаев ҳали ёш бўлса-да, катта манзилларни кўзлаб, ўз юртдошларини иш билан таъминлашдек юксак орзулар билан банд. Ота-онаси тадбиркор бўлганлиги учунми, доимо изланишни, ўз боғини яратишни орзу қилди.

Юртимизда амалга оширилаётган янги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини англаб етган йигит бу йил боғни кенгайтиришга киришди, 123 гектар майдонга эга бўлди. 2019

йилда Миллий Банкнинг Хонқа филиали орқали олган 286500 доллар кредит маблағига Туркия билан шартнома тузиб, кўчат сотиб олди ва интенсив боғ яратишга жадал киришди. Мевали кўчатларни олиб келиб эккач, барча агротехник тадбирларни амалга оширди.

— Келгусида боғ майдонларини 500 гектарга етказиб, кластер тизимига ўтиш ва мевалар, мева консервалари экспортини йўлга қўйиш ниятим бор, — дейди у.

Ҳа, унинг шижоат акс этган чеҳрасида бугунги дадил ва оловқалб



ёшликнинг завқи ва шиддатини кўриш мумкин. Биз унга янги режалари амалга ошишида умид, ишонч ва имкониятлар тилаб қоламиз.

Суратда: Мансурбек Болтаев янги интенсив боғида.

Ш.СОДИҚОВА.

Бугун мамлакатимизда аграр соҳа: пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик йўналишларида эришилаётган ютуқлар, яратилаётган мўл ҳосил соҳага қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

Ўтган 2019 йилда ўзларининг ҳалол ва машаққатли меҳнати билан юксак хирмон яратиб, пешқадамлар сафида улкан меҳнат зафарларини кўлга киритган бухоролик заҳматқаш миришкор, ғаллакор, пахтакорлару фермерлар ушбу йилни мағрур ва масрур ҳолда яқунлашди. Вилоятнинг улкан зафарларида ҳар бир тумanning, хусусан, Шофиркон тумани аграр соҳа вакилларининг ҳам улуши катта бўлди.

— 2019 йил туманимизда барча соҳалар каби, қишлоқ хўжалигида ҳам мисли кўрилмаган юксалиш йили бўлди. Жорий қишлоқ хўжалик мавсуми ниҳоятда инжиқ ва ноқулай келди, лекин шунга қарамай, заҳматқаш бобо-деҳқонларимиз мўл ҳосил олиш йўлида жасорат кўрсатганлиги чинакам мардлик ва фидойилик намунаси бўлди, — дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Ихтиёр Абдуллаев. — Албатта, об-ҳавонинг инжиқ келгани агротехник тадбирларни кучайтириш ва уларни кечиктирмай сифатли олиб боришни тақозо этди. Ҳосилдорлик ҳам меҳнатга яраша бўлди. Туман ерларидан давлатга ўртача гектарига 30 центнердан пахта топширдик. Илғор фермерларимиз эса гектарига 45 центнердан пахта олишга муваффақ бўлишди.

ОМИЛКОР МЕҲНАТ — КЕЛГУСИ ЗАФАРГА ЗАМИН



Дарҳақиқат, деҳқон-фермерларга яратилаётган шарт-шароитлар мўлҳосил олиш ва улкан хирмон яратиш, халқимиз дастурхонини тўкин этишга пухта замин яратди. Эътироф этиш керакки, жорий йилда қишлоқ хўжалиги синовидан дастлаб туман пиллакорлари муваффақият билан жами 180 тонна “кумуш тола” етиштириб, шартномавий режани ошиғи билан бажарди. Ғаллакорлар томонидан эса, жами 18 минг тонна ғалла етиштирилди ва ўртача ҳосилдорлик гектаридан 51 центнерни ташкил этди. Баъзи фермер хўжаликларида 70 центнергача ҳосил олинди. Бу миришкор деҳқонларнинг самарали меҳнатлари ва она замин саховатининг натижасидир. Шунингдек, бу йил туманда 9 минг 245

гектар майдондан, 31 минг тонна “оқ олтин” хирмони яратилди. Ўз соҳасининг билимдони бўлган миришкор-деҳқонлар гектаридан 35-45 центнердан ҳосил олишди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан — мева-сабзавотчилик, узумчилик, паррандачилик, асаларичилик йўналишларида ҳам эришилган ютуқлар ҳар йилгидан самарали бўлди.

Албатта, тумандаги қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган салмоқли ишлар, тинимсиз меҳнат бугун ўзининг юксак самараларини бериб, фаровонликка омил, келгуси зафарларга замин бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Шофиркон туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Ихтиёр Абдуллаев ва бўлим ходимлари.

ИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШИБ

Хоразм вилоятининг Шовот тумани аҳли учун 2019 йил ўзига хос янгилıklar ва имкониятлар йили бўлиб қолди. Анча йиллардан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида пахта етиштириш режалари бажарилмай келаётган эди. Маълумки, кейинги йилларда ҳукм сурган қурғоқчилик ва табиий офатлар пахта етиштиришда талай қийинчиликларни келтириб чиқарди. Маевжуд пахта далаларининг суе йўлларида баландлиги, йиллар бўйи такрорланган қурғоқчилик сабабли суғориш ишларида муаммолар кўп эди. Туман ҳокими Ҳакимбой Атахоновнинг айтишича, қишлоқ хўжалигида янги ислохотларни амалга оширилиши, суе муаммоларининг бартараф этилиши, жиддий амалий ва назарий эътибор ўз самарасини берди. Ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида фойдаланишдан чиқиб кетган 1250 гектар суғориладиган ер майдонлари қайта тикланиб, уларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат экинлари экилиши таъминланди.

— Йил бошидан тузилган шартнома-ларга кўра 165 та фермер хўжаликлари томонидан 26620 тонналик пахта хома-шеси етиштириб бериш режаси 28411,2 тоннага, яъни режага нисбатан 106,7 фоизга ошириб уддаланди, — дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Бекзод Бекчанов. — Хўжаликларнинг пахта етиштиришдан олган соф фойда-лари дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 124,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Паррандачилик етти хазина-нинг бири эканлигини яхши билган паррандабоқарлар бу йўналишда 120 000 бош парранда боқишни йўлга қўйдилар.

Балиқчилик ҳам сердаромад соҳалардан бири бўлиб, ўтган йилда 600 тонна балиқ етиштирилди. Бошланган янги йил якунигача 1166,6 тонна балиқ етиштириш режалаштирилган.

Инсон меҳнати билан улғудир, де-ган сўзга амал қилгувчи халқимизнинг энг улуғ фазилатларидан бири ҳам ти-ниб-тинчимай кунни тунга улаб қиладиган меҳнати ва унинг самарасидир. Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунида юқори ютуқларга эришган “Моноқ оқсоқол” фер-мер хўжалиги раҳбари Ойбек Саъдуллаев ўз иш юритувчиси Дилшод Асқаровни “Дамас” автоулови билан тақдирлади. Фермер хўжаликнинг пахта ва ғалла мав-сумида илғорликни қўлдан бой бермаган 100 нафар ишчи ва механизаторларига кластер тизимидаги “UZTEX SHOVOT” қўшма корхонаси томонидан совғалар ва мукофотлар улашилди.

Туман ҳокими юртдошларга, ишби-лармон тадбиркорларга мурожаатида тадбиркорлик, инновация ва замона-вий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усулларини ҳаётга тўла таъбиқ қилиш иқтисодий тараққиёт омили экан-лигини турли мисоллар билан шарҳлаб ўтди. Мамлакатимиз Президентининг “Бундан буён тараққиёт ва фаровонлик фақатгина тадбиркорликни ривожлан-тириш ва қўллаб қувватлаш орқали эри-шиш мумкин”, -деган фикрларини илғари

суриб, тадбиркорларнинг муаммолари-ни аниқлаш ва атрофлича ёрдам бериш-да, аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва кўмаклашишда раҳбар ва ходимлар-дан иборат тарғибот гуруҳи ишларини кенгайтиришга қақирди.

Туманда 2807 та тадбиркорлик субъ-ектлари бўлиб, шуларнинг 308 таси ўтган 2019 йилда янги ташкил қилинди. Тарғибот ишлари самараси шундан ибо-ратки, қишлоқ хўжалиги соҳасида 704 млрд. сўмлик 80 та, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида 771,6 млрд сўмлик 201 та лойиҳалар ишлаб чиқаришга шакллантирилди.

“Хоразм шиша идишлари” МЧЖ томонидан “Шиша идишлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш” лойиҳаси 140,0 млрд. сўм, шундан 3,5 млн. АҚШ доллар-лик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиниб, 150 та иш ўрни яратилди.

Банкларда иш тизими соддалашти-рилди, кўпгина ваколатлар вилоят, ре-спублика банкларидан олиниб, туман ти-жорат банкларига берилди. Натижада аҳоли ва тадбиркорлар учун кредит олиш муаммолари ҳам барҳам топди.

Туманда 2020 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун те-гишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, мева етиштириш бўйича 287 гек-тар янги интенсив боғлар, 173 гектар янги токзорлар барпо қилиш режалаштирил-ди. Меҳнатобод, Беруний, О. Хидиров, Соҳибкор, Шовот, Гулистон худудлари-да жами 165 гектардан зиёд ер майдон-лари турли хилдаги экспортбоп мева-лар етиштириш истагидаги тадбиркорлар учун танловга қўйилди.

Туманда чорвачиликка эътибор катта бўлиб, 4 та қорамолчилик йўналишидаги лойиҳалар ишга туширилди, 2,6 млрд. сўмлик ишлар бажарилиб, 130 бош қорамоллар парвариши йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 18 та иш ўрни яратилди.

Ҳозирги кундаги йирик лойиҳалардан бири “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ

га қарашли “Темирийўлобод” чорва-чилик комплекси негизда умумий қиймати 64,0 млрд. сўм бўлган 2000 бошга мўлжалланган чорвачилик ком-плекси ҳамда сут ва гўшти қайта иш-лаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа ишга туширилиши билан яна 200 нафар қишлоқ аҳли иш билан таъминланади.

Вазирлар Маҳкамасининг “Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлаш-га доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 24 сентябрда-ги 806-сонли қарорига асосан фермер хўжаликлар мавжуд кластер ташкилот-лари билан тўғридан-тўғри шартнома им-золаган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Юқоридагилардан аёнки, бу билан пахта ва ғаллани қайта ишловчи таш-килотларда ҳам иш самарадорлиги ошмоқда. Давлатга бошоқли дон сотиш бўйича шартнома тузган 143 та фермер хўжалиги режаларини тўлиқ бажарди.

Тумандаги 9188 гектар экин майдон-ларда олиб борилган кузги шудгорлаш ишларига 60 та ҳайдов, шундан 32 таси юқори унумли тракторлар, 28 та оддий ҳайдов тракторлари ва омочлари, 20 та корчевателлар жалб қилинди. 2020 йил ҳосили учун жами 3300 гектар майдон-да кузги ғалла фосфорли ва минерал ўғитлар билан экилиб, тўлиқ кўчат олиш-га эришилди ва шундан бугунги кунда 3300 гектар, яъни 100 фоиз ер майдон-ларида кўклик баравж ривожланмоқда.

Шовот тумани деҳқонлари янги йил-да 134 та фермер хўжаликлари томони-дан 22440 тонна ялпи ҳосил (68 центнер/га) етиштириш белгилаб олганлигидан кўришиб турибдики, меҳнат аҳли ҳар бир кундан унумли фойдалана олади. Янги йил эса омадли ва саодатли.

Нигоҳингиз сўлим ва тароватли боғ-роғларга, хиёбонларга тушади. Қишда юзини қор қоплаган ёки сувлар заранг тошдек қотган кенг далаларга қарасангиз, янги режаларнинг баҳорига, ёзига ва ку-зига улугворлик, тўкинлик тилайсиз. Бу далалардан унган ҳосилларни қайта иш-лаб чиқараётган корхоналарда эса иш янада қизғин. Кенг имкониятлар сари қадам ташлаётган элдошларимизнинг ҳар бир куни зафарли ва иқболдир.

Ўз мухбиримиз

ЎРТА ОСИЁ АСАЛАРИЧИЛИГИ ТАРИХИ

Ўрта Осие ҳалқлари деҳқончилик ва чорвачилик билан қадим замонлардан бери шуғулланиб келганликлари тўғрисидаги дастлабки ёзма манбалар эрамиздан олдинги Х-IX асрларга тўғри келади. Бундай манбалардан бири «Авесто» китобидир. «Авесто» китобида 50 дан ортиқ номлар тилга олинди, ана шу муқаддас номлар ичида «асалари» номи ҳам санаб ўтилган.

«Авесто» диний китоб бўлиб, диний ақидалардан ташқари, асалнинг табобатда қўлланилишига оид кўплаб қимматли маълумотлар берилган. Масалан, асалнинг дориворлар, ўсимлик ёғи, шафтоли ёғи, шакер ва бошқа кўплаб гиёҳлар қатори бисёр хасталикларга даво эканлигини ва инсон организмнинг мустақамланишида асосий восита сифатида, асалнинг афзаллик томонлари кўрсатиб ўтилган.

«Авесто» китобининг 3 минг йиллик ўтмишига эгаллигини назарда тутсак, Марказий Осие халқларининг, хусусан, Хоразмда асаларичилик тарихининг нақадар қадимийлигига шак-шубҳа йўқ.

Асалари ва унинг асали, муми хусусида бундан минг йил олдин буюк файласуф ва табиб Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида асал билан даволашнинг мингга яқин рецептлари баён этилган.

Абу Райҳон Беруний ўзининг машҳур «Сайдана» (Тиббий фармакогезия) китобининг 31-боби асалари ва асаларичилик маҳсулотларига бағишлаб ёзган, шунингдек, кўплаб дориворлар қатори асаларичилик маҳсулотларига ҳам эътибор бериб, асалари асали, муми, прополиси хусусида аниқ маълумотлар берган.

Абу Райҳон Беруний ўша даврда қандолатчилик таркибида асал бўлган ҳар хил ширинликлар, шифобахш ўткир винолар тайёрлаш технологиясини баён этиб, буларнинг таркибида албатта асалдан кенг фойдаланилганлигини ёзган.

Ибн Сино асалари оиласи аъзолари хусусида, асаларилар қандай қилиб асал тўплаши, асал хиллари, асалари муми ва прополиси (қора муми) хусусида кўплаб қизиқарли маълумотлар келтирган. Беруний эса, она асалари (подшоҳ асалари) биологияси, у қандай қилиб туҳум қўяди, оилада эркак асаларининг роли ҳамда асал берувчи ўсимликлар фенологияси, гуллаш даври ва улардан асаларилар қандай қилиб озуқа учун гулшира, ҳамда болакайлари учун оёқларига гулчанг тўплашлари хусусида ажойиб ва қизиқарли маълумотлар келтирган.

Ибн Сино ва Берунийнинг ана шу таъ-

лимотларини фақатгина беш асрдан сўнг Европада испаниялик олим Торрез 1586 йилда «она асалари урғочи тур бўлиб, унинг туҳум қўйишини» ёки Англиялик Ч. Батлер 1609 йилда, «оилада эркак асалари борлиги» сифатида ва 1637 йилда Германия олимларидан Ремнант оилада ишчи асаларилар ҳам бўлиб, улар асосий ишларни бажариши хусусида фикр юритадилар.

Ўрта Осие республикаларида асаларичиликнинг ривожланиш тарихи фақатгина қишлоқ хўжалигининг кенг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиеда асаларичилик бирмунча кенг ривожлана бошлади. Бу даврда гарчанд кичик-кичик асаларизорлар ташкил этилган бўлса-да, лекин у кўплаб янги-янги вилоятларда ривожланиб борган.

Ана шу даврда Ўрта Осие республикаларида асаларичилик кенг қулоқ ёзди. Худди шундай, кўпчилик муаллифларнинг (Поспелов О. 1800; Н.Шавров. 1811, А. Александров, 1911; Л. Аренс 1930; Н. Крахотин 1968) маълумотларига кўра, 1872 йилда 12 та дарахт ғўласидан тайёрланган махсус ғовак уяларида асаларилар Семиречье вилоятидан Тошкентга олиб келинган. Лекин Н.Крахотин (1968) Тошкентга биринчи бор асалариларни 1848 йилда олиб келинган деб маълумотлар келтиради. 1894 йилда Каттақўрғон ва Бухорода, 1900 йилда эса Хўжанд ва Жиззах вилоятларида асаларилар пайдо бўлган. О.Поспеловнинг (1900) маълумотларига кўра, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрига 1896 йилда, Жиззах шаҳрига эса 1900 йилларда асаларилар келтирилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Рус олими С.Розовнинг (1972) келтирган маълумотлари, шу жумладан Россиянинг асаларичилик жамиятлари, вилоятлар, губерняларнинг 1901 йилги

ҳисоботларига кўра, XX асрнинг бошларида Ўрта Осие губерняларида 34942 та асалари оиласи борлиги қайд этилган, 1910 йилга келиб эса 102679 тага ҳамда асаларизорлар сони эса 2082 тага етган. ўртача ҳар бир асаларизорга 49,3 та асалари оиласи тўғри келган.

Ана шу мураккаб ва олийжаноб иш ҳисобланган маҳаллий асаларичиликни халқлар ўртасида кенг тарғибот қилишда Л.Лангстротнинг «Асалари ва арихона» китоби катта рол ўйнади. Бу китобни ўзбек тилида (араб алифбосида) моҳирона таржима қилган ва керакли асаларичилик атамаларини маҳаллий тилда бойитган инсон Қўқонбой Абдурахмонов эди. Бу китоб 1908 йилда Самарқанд шаҳрида чоп этилган. Таржимон ушбу китобда кўп ўзгартиришлар киритган, чунончи, китобни маҳаллий манбаларга бойитган ҳамда ўқиб ўзлаштириб бўладиган даражада, оддий ва раво тилда баён этган (Хамидов Ф. 1966).



1902 йилда Каттақўрғон шаҳрида ўлкада биринчи бор маҳаллий халқлар учун асаларичилик мактаби ва ўқув асаларизорлари ҳамда асаларичилик маҳсулотлари жиҳозларининг кўргазмали музейи ташкил этилган эди.

1906 йил Тошкент шаҳрида ташкил этилган саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмасида асаларичилик бўлими очилиб, шундан сўнг худди шундай иккинчи асаларичилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилган. Ўша даврда Туркистон бозорларида ҳар йили бир вагондан кўпроқ асал сотилган. Асаларичилар ҳар хил кўргазмаларда, хатто Петроград ва Россиянинг бошқа шаҳарларида ташкил этиладиган кўргазмаларида иштирок этганлар.

О.Тўраев,
қ.х.ф.н., (ЧПИТИ),
О.МАХМАДИЯРОВ,
мустақил тадқиқотчи, (СамВМИ),
О.ОЧИЛОВА,
(СамВМИ).

КЛАСТЕР ИМКОНИЯТИ

Мамлакатимиз иқтисодийётининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим стратегик дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги ўзининг самарасини бера бошлади.

Қишлоқ хўжалигида кластер тузумининг жорий қилиниши билан қатор янги корхоналар шаклланиб, бир бўғин атрофида бирлашиб, кўпгина юртдошларимиз иш билан таъминланмоқда. Шу кунгача чет элдан олиб кирилатган айрим маҳсулот турлари чегараланиб, ўз маҳсулотларимиз бозори шаклланаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Поп туманларида агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 5 сентябрдаги қарорида белгиланган вазифалар бўйича, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва шу орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда чуқур қайта ишлаш, уруғчилик соҳасини ривожлантириш, иссиқхона комплексларини барпо этишни назарда тутган агрокластер мажмуаси қурилиши ишлари бошлаб юборилди. Ягона мақсадлар сари уюштирилган кластер корхоналари фаолиятини ўрганган наманганликлар жадал ишга киришдилар. Шунга кўра “Art Soft holding” МЧЖ ва унинг таркибига кирадиган агросаноат корхоналари томонидан 2019-2022 йилларда бу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш учун 114,2 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилди.

Шу борада “Art soft tex kluster” фермер хўжалигига Мингбулоқ туманида умумий 30,9 минг гектар, шундан 27,1 минг гектар экин майдони ҳамда, Поп туманида умумий 31,5 минг гектар, шундан 24,7 минг гектар экин майдонини 50 йилгача бўлган, 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ер ижара шартномалари тузиш ва шу каби ғўза, бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини ҳудудларнинг тупроқ-иқлим

шароити, навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб илмий асосланган ҳолда мустақил жойлаштириш топширилган.

“Art Soft Holding” МЧЖ муассислигида “Art soft seeds” МЧЖ ташкил қилиниб, 100 гектар ерда тажриба синов ишлари олиб бориш учун экинларнинг суперэлита уруғликларини тайёрловчи уруғчилик корхонаси ва лабораторияси ташкил қилиш лозим. Янги ташкил қилинган “Art Agro Consulting” МЧЖ га эса қишлоқ хўжалиги ходимларининг билим ва малакасини ошириш учун ўқув курслари ташкил этиш, хорижий тажриба ва инновацион ғояларни татбиқ этиш учун рухсатнома олиш каби муайян вазифалар белгилаб берилди.

Ер майдонларининг сув билан таъминланиши ва бошқа бир қанча фаолият турлари ҳам эътибор доирасига киритилган.

Мустақкам режалар асосида иш бошлаган Мингбулоқ ва Поп агрокластерини бошқариш, кўриниб турибдики, осон иш эмас. Бу ишларга раҳбарлик қилиш агросоҳада кўп йиллар ўз фаолияти билан танилган Муҳсиддин Гаюббаевга юклатилди. Қўшма корхона шаклидаги агрокластернинг Поп туман бўлимига тумандаги “Агросервис МТП” МЧЖ да иқтисодий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаётган Қаҳрамон Қурбонов раҳбар этиб тайинланди.

Поп туманида янги ташкил қилинган “Art soft tex kluster” МЧЖ бу йилги пилла, ғалла ва пахта режаларининг бажарилишида ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида иш бошлаб юборди. 2020 йилги ғалла экинлари ўз вақтида экилиб, керакли агротехник тадбирлар ўз вақтида олиб борилди.

– Келгусида “Иссиқхона”, “Уруғчилик”, “Чорвачилик” йўналишларида ҳам иш олиб борилади, бу

билан, табиийки, қишлоқ аҳли учун янги иш ўринлари очилади, – дейди биз билан суҳбатда жамиятнинг ер тузувчиси Юлдашали Райсалиев. – Шу кунларда 591 киши муқим иш жойига эга бўлди. Келгусидаги режаларимиз амалга ошса, янада кўпроқ аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади.

Ҳозирги кунда Поп агрокластер корхонаси билан 186 та фермер хўжаликлари шартнома тузган. Улар орасида “Наврўз”, “Поп яккатут”, фермер хўжаликлари ва “Найман” МТПга қарашли 18 та фермер хўжаликлари ҳам бор. Бу жамоалар биринчилардан бўлиб кластернинг афзалликларини ўз далаларида синаб кўрдилар. Энди йиллик режа ва топшириқларни ўз вақтида ошиғи билан уддалашда қийинчиликлар барта раф қилинади. Ахир, фермер ва агросоҳа тадбиркорлари озуқа, ёқилғи, электр, техника етишмаслиги каби муаммолардан, асосийси, моддий маблағ етишмовчилигидан қутулди. Буларнинг барини кластер ўз зиммасига олади. Замонавийликнинг тарғиботи, жадаллашув жараёнларини кластер ташкилотлар фонида яққол кўриш мумкин.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан тортиб сифатли уруғлик етиштириш, етилган маҳсулотни саралаб, ўз талабига мос корхоналарга йўналтириш, халқимиз истеъмолига ва экспортга ярайдиган арзон ҳамда сифатли озиқ-овқат саноати ва хўжалик эҳтиёж молларини яратиш каби барча вазифаларни фаолиятига киритган кластер бугунимизнинг илғор инфратузилмаси ҳисобланади. Бу йўналишда иш бошлаган наманганлик аграр соҳа ходимларига янги йилда омад, ишлари ва ҳаётларида улкан натижалар тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз

ДЕҲҚОН ВА СУВҲИ ҲАМКОРЛИГИ

Қорақалпоғистонлик пахтакорлар ўтган йилни муваффақиятли яқунладилар. Давлат хазинасига 194 минг 566 тоннадан зиёд пахта топширилиб, зиммага олинган режа 105,63 фоизга уддаланди. Бу ютуққа пахтачиликка ихтисослашган жами 2523 та фермер хўжалиги ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшдилар.

Режани муваффақиятли уддаланган илғорлар қаторига Тўрткўл туманининг “Пахтачи” овул фуқаролар йиғини таркибидаги ўнга яқин фермер хўжалиklarини бемалол кириштириш мумкин. Бу жамоалар аъзоларининг шижоатли меҳнатлари боис “Пахтачи” ОФЙда давлат хазинасига 800 тоннага яқин қимматбаҳо хомашё топширилиб, йиллик режа 113 фоиздан зиёдга уддаланди. Шунинг алоҳида таъкидламоқчимизки, “Пахтачи” ОФЙ туманининг чўл ҳудудида жойлашган. Боз устига ишчи кучи кам, сув билан таъминланиш даражаси ҳам бошқа ҳудудларга таққослаганда анча қийин. Шунга қарамай “Пахтачи” ОФЙдаги “Калтаминор олтин ўлкаси”, “Пахтачи олтин хирмони”, “Омадли Элёрбек” ва бошқа хўжалиklar йиллик режаларини 110-115 фоизга уддаладилар.

Шу кунларда мазкур фермер хўжалиklари бўлғуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлаш мақсадида дала ишларини тобора қизитмоқдалар. Майдонлар ўтган йил кузда сифатли шудгор қилинганлиги боис қишки яқин сувига қондирилмоқда. Мавжуд техника воситалари пухта таъмирдан чиқариляпти, дала бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ички ариқ-зовурларни яна бир бор тартибга келтириш, кузги буғдойга ишлов бериш доимо диққат марказида турибди.

– 2019 йил якунида 200 тоннага яқин хом ашё топшириб, йиллик

режани ортиғи билан уддалаган эдик, – дейди биз билан суҳбатда “Калтаминор олтин ўлкаси” фермер хўжалиги бошлиғи Омонгелди Авезов. – Ҳосилни эрта саранжомлаганлигимиз боис ҳаммаси юқори навларга сотилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Худога шукр, жорий йилда туман раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли марказдан анча узоқда бўлса-да сувдан қийналмаяпмиз. Вақтида шудгор қилинган майдонлар шу кунгача икки-уч маротаба яқин сувига қондирилди. Насиб қилса март ойининг биринчи ўн кунлигида ерларни чуқур шудгор қилиб, экишни муддатда тамомлаймиз. Осмонга қаранг, қарғалар баланд учмоқда. Демак, бу йил баҳор эрта келади. Жониворлар ҳам бунга яқин ҳис қилмоқда. Энди бу ёғи деҳқонларнинг ўзига боғлиқ. Эрта эккан ҳосилни ҳам эрта йиғиштириб олади, режаси ортиғи билан уддаланади.

Ҳа, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги “Пахтачи” ОФЙдагина эмас, балки бошқа ОФЙ ва ММТПларда ҳам қишки дала ишлари тобора қизимокда. Айниқса бу ишда туман ирригация-мелиорация бўлимлари миробларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Чунончи, 2019-2020 йилларнинг кузги-қишки мавсумида туманининг 14 минг 940 гектар майдонида шўр ювиш ишларини бажариш режалаштирилган. Ана шу ернинг 1206 гектари кучли, 7535 гектари ўрта, 6199 гектари кучсиз шўрланган. Кўриниб турибдики, туманда кузги-қишки суғоришнинг аҳамияти катта.

Қолаверса, шўр ювиш мавсуми учун Тўрткўлга 100 млн.м³ чекланган сув миқдори ажратилган. Албатта, бу ўтган йилларга таққослаганда анча оз. Шу боис об-ҳаётдан тежамкорлик билан фойдаланиш, унинг бир томчи-

сини ҳам исроф қилмаслик зарур ва шарт. Бу сўзга тўрткўллик деҳқонлар алоҳида эътибор бермоқдалар. Натижада шу кунгача 26,7 млн. м³ сув истеъмол қилиниб, 3853 гектар ғалла майдонлари, 2459 гектар томорқа, 3858 гектар бошқа экинлар обитобида сувга қондирилди.

Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, унинг исрофгарчилигига йўл қўймаслик мақсадида туманда хўжалиklarаро каналларни тозалаш, гидротехник иншоотларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжалиklари маблағлари ҳисобидан 377,7 километр узунликдаги ички суғориш тармоқлари техникалар ёрдамида, шу миқдорнинг 210 километри қўл кучи ёрдамида тозаланди. 58 та ички суғориш тармоқларидаги гидротехник иншоотлар сув ўтказувчанлиги яхшиланди.

Шунингдек, хўжалиklar ички суғориш тармоқларидаги фермерларнинг сув олиш қулоқларини жиҳозлаш қатъий белгиланган график асосида юритилганлиги боис режа ортиғи билан уддаланди. Бу тадбирлар тумандаги барча хўжалиklar, айниқса, “Кўҳна Тўрткўл”, “Шўроҳон”, “Ўзбекистон”, “Уллибоғ”, “Оқбошли” ММТПларида намунали юритилаётганлигининг гувоҳи бўлди.

Ҳа, Қорақалпоғистон Республикасининг кўз илғамас бепоён далаларида жорий йил мўл ҳосили учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ишончимиз комилки, республика деҳқонлари бу йил ҳам зиммаларига олган режаларини ортиғи билан уддалаб, барча соҳаларда улкан муваффақиятга эришадилар.

Рейимбой ҚОЗОҚОВ,
ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕК ИПАКЧИЛИГИНИНГ ШУҲРАТИ ОРТМОҚДА

Қадимий ва миллий хунармандчилигимиз асосида ишлаб чиқарилган ўзбек матосининг ўз тарихи бор. Хитойдан кириб келган ипак қурти ўзбек хонадонларида кизиқиш билан қарши олинган. Пилла етиштириш машаққатли меҳнатни талаб қилиб, зиғирдеккина майда жонзотни тут барги бериб асраб-авайлаб боқиш, ундан хомашё тайёрлаш каби узлуксиз жараёнларни ўз ичига олади. Буюк ипак йўли бўйлаб ташилган, энг харидоргир матолар ҳам ипакдан, пахтадан қилинган, асрлар аро инсон қўл меҳнати билан сайқалланиб, жилоланиб келган. Ўзига хос жилоли Марғилон атласи ҳар бир қиз, жувон учун севимлидир.



“Фарғона тут ипак қурти уруғчилик” МЧЖ биноси 1898 йилда грек архитектори Евтехида томонидан қурилган. Бу бинода ўтган йиллар мобайнида ипакчиликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу корхонага Бахтиёр Тўхтасинов 12 йилдан буён раҳбарлик қиляпти. У ўз фаолиятида мамлакатимиздаги илғор пиллачиларнинг тажрибаларини давом эттиришга интилиб келмоқда.

–Хитой пиллачиликда илғор технологияларни жорий қилган мамлакатлардан бири, – дейди Б.Тўхтасинов. – Ўтган йилда вилоятимиз бўйича 12 минг қути сифатли уруғлик тарқатдик. Эндиликда корхонамиз тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар ўрнатилганлиги боис йилига 30 минг қути сифатли ипак қурти уруғи тайёрлаш имкониятига эга бўлдик. Хитойлик 5 нафар мутахассис ёрдамида ишимизда янги технологияни жорий қилдик. Жаҳон бозори билан рақобатбардошликни йўлга қўйиш учун янги йўналишлар бизга жуда зарур.

Пиллачилик – ота касбим. Отам раҳматли Қўчқор Тўхтасинов умри бўйи пиллачилик билан шуғулланиб, элга танилган. У киши 35 йил ушбу корхонага раҳбарлик қилган. Болалигимдан отамнинг ёнида юриб улғайганлигим боис бу соҳага ҳавас қилдим. Иш фаолиятимни ҳам Тошкентдаги Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида устачилиқдан бошлаганман.

Бугунги кунда жамиятда 25 нафар киши меҳнат қилмоқда. Мавсумда яна



350–400 нафар ишчи жалб қилинади. Улар пилла қурти ғумбақларини жинсларга ажратиш, пилла саралаш, капалакларни териш, жуфтлаштириш, микротахлил ўтказиш, уруғликни саралаш, қадоқлаш каби юмушлар билан шуғулланишади. Фотима Тоштемирова, Қундузхон Мирзаева, Мавлуда Нурматова каби илғор ходимлар ўз ишларининг устаси ҳисобланадилар.

Хитойга бориб, ипакчилик янгиликлари билан танишиб, малака оши-

– Хитой ипак қурти зотлари касалликларга чидамлилиги, ипак толалари юқори сифатлиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда Хитойдан келтирилган ипак қуртлари асосида дурагай уруғлар тайёрляпмиз. Бунда, аввало, уруғликларнинг ҳаётчанлиги, толаси кўп бўлиши, касалликлардан ҳолилигига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хитой технологияси асосида, 100 фоиз дурагай уруғ тайёрлашга эришяпмиз.

Суҳбатимиз давомида аён бўлдики, кимки ўз соҳасига эътиборли бўлса ва касбини сева олса, ҳаётда ўз ўрнини топади. Доно халқимиз бежиз, интилганга толе ёр, деб айтмаган, ахир. Фарғоналик ипакчилар фаолияти кўламини йил сайин кенгайтириб, янги технологияларни жорий қилиш, ўрганиш ва изланишлар туфайли республикамиз пиллачиларининг ишларини енгиллатишга, самарадорликни оширишга эришмоқдалар. Демак, Ўзбекистон атласлари, шоҳию сержило адраслари, ипак паллаклари юртимизда ва жаҳон бозоридан ўз ўрнини ҳеч қандай мато билан алишмайди. Ахир, улар халқимизнинг асрлар оша сайқалланган матоларидандир.

Суратларда: Бахтиёр Тўхтасинов суҳбат жараёнида; Қундузхон Мирзаева, Матлуба Охуновалар Тўйчибой Маждив билан ипак қурти уруғликларини ош тузи эритмасида ювиш жараёнини ўрганиб, мушоҳада қилмоқдалар.



риб келган технология ва назорат бўлими бошлиғи Тўйчибой Маждивнинг суҳбатга тортдик.

Ўз мухбиримиз.

МЕҲНАТИМ - ФАХРИМ

Меҳнат инсонни Мулуғлайди, уни эл ичра азиз қилади. Инсон ўз меҳнати билан эл-юрт равнақига ҳисса қўшиб обрў-эътибор топади. Шунинг учун халқимиз меҳнаткаш ва тадбиркор одамларни улуғлайди ва уларни ёшларга намуна қилиб кўрсатади.



Маълумки, мамлакатимиз аҳолиснинг талайгина қисми қишлоқ хўжалиги билан банд. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, халқимиз дастурхонини тўқинлигига ҳисса қўшишмоқда. Албатта, барча соҳаларда бўлгани каби ушбу соҳанинг ҳам ўзига яраша машаққатли жиҳатлари бор. Ердан унумли фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатидан мунтазам хабардор бўлиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида самарали ташкил қилиш шулар жумласидандир.

– Туманимиз экин майдонларининг мелиоратив ҳолати турлича, – дейди Бешариқ тумани ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Садриддин Артиқов. – Шундай бўлса-да, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларимиз раҳбарларининг тажриба ва уддабуронликлари туфайли экин майдонларимиз ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Туманимизнинг 20960 гектар экин майдонида 542 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Шундан 177 таси 19222 гектар экин майдонида пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштиради.

Ўтган 2019 йил туманимиз меҳнаткашлари учун омадли келди. Давлат хирмонларига 25555 тонна ғалла ва 23513 тонна пахта топшириб, эл-юртимиз олдида юзимиз ёруғ бўлди. Ушбу эришган ютуқларимиз замирида тадбиркор ва уддабурон деҳқонларимизнинг заҳматли меҳнатлари ётибди. Меҳнат бор жойда, албатта, даромад бўлади. Хўжалиқларимиз 4198 тонна режадан ташқари дон топшириб, 6 млрд 79 млн. сўм соф фойда олишга эришдилар.

Ўтган йили 36 та фермер хўжалигимиз кўп тармоқликка ўтган

бўлса, жорий йилда яна 121 та фермер хўжалигини кўп тармоқли хўжаликка айлантириш бўйича лойиҳа тайёрланган. Ушбу лойиҳалар асосида туманимизда кўплаб қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлаш ҳамда арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш кўзда тутилган. Барча фермер хўжалиқларимиз раҳбарлари ўз касбига содиқ ва тажрибали инсонлар. Улар орасида “Толибжон Маҳмудов орзуси” фермер хўжалиги раҳбари Шуҳратжон Маҳмудов ўз сўзи ва ўрни бор фермерлардан бири.

– Фермер хўжалигимиз туманимизнинг биринчи қалдирғоч хўжалиқларидан саналади, – дейди хўжалик раҳбари Шуҳратжон Маҳмудов. – 1981 йилда туғилганман. Отам раҳматли Толибжон Маҳмудов 1994 йили 8 гектар экин майдони билан ғаллачилик фермер хўжалигини ташкил қилган. 13-14 ёшимдан отамнинг яқин ёрдамчисига айландим. Ерга бўлган меҳр туфайли ҳар куни эрта тонгдан кун ботгунга қадар экин майдонларини кезаман. Танишбилишларим: “Ҳой, сен ҳам бундоқ санаторийларга бориб дам олгин”, дейишади. Санаторийда нима қиламан, мен далага чиқиб экинларимдан хабар олсам, шу менга дам олиш, роҳат, дейман уларга. Ўтган йили 80 гектар майдонга ғалланинг “Аср”, “Давр” навларини экиб ҳар гектар майдондан 40 центнер ўрнига 60 центнердан ҳосил кўтардик. 60 гектар экин майдонида пахтанинг Наманган-77 навини экиб, ре-

жада кўрсатилган 31 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Айни пайтда жорий йил ҳосили учун 117 гектар экин майдонига ғалла уруғларини қадаб парвариш қиляпмиз. 83 гектар майдонда шудгорлаш ишлари якунланиб, баҳорги тадбирларга тайёргарлик олиб борилмоқда. 50 нафар доимий ишчимиз учун дала шийпонларимизда 2 маҳал иссиқ овқат ташкил қилганмиз. Соҳибжон Муродов, Расулжон Бектемиров каби сувчиларимиз ғаллага қишки чилла суви бериш ишларини якунлашаётган бўлса, Санжарбек Абдуллаев ва Улуғбек Ўринов каби механизаторларимиз қишлоқ хўжалик техникаларини баҳорги мавсумга шай ҳолга келтириш ишлари билан банд. Қиш фаслини кўпгина деҳқонларимиз тинч давр дейишади. Бизнинг хўжалигимизда эса ҳар куни ишчиларимиз билан йиғилишиб экин майдонларини мелиоратив ҳолати ва ҳозирги кунда мавжуд бўлган муаммолар юзасидан суҳбатлашамиз, хато ва камчиликларимизни бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Фермер – юрт таянчи, дейишади. Шунинг учун бўлса керак, Бешариқ халқи фермерларни ҳурмат қилиб, уларни доимо кўллаб-қувватлашади. Биз Шуҳратжоннинг келгуси ишларига ривож тилаб, у билан хайрлашдик.

К ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: фермер Шуҳратжон Маҳмудов ғалла кўчатларини кўздан кечирмоқда.

НИЯТЛАРИ КЎНГИЛЛАРИ КАБИ БЕҒУБОР

Бугунги кунда фермерлар қишлоқ хўжалигининг асосий бўғини сифатида мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгалламоқда. Аҳолига сифатли гўшт, дон ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш деҳқонларимиз зиммасига улкан масъулият юклаб, уларни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундаяпти. Фермерлар ҳалол ва баракали меҳнатлари билан амалга ошириляётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланишмоқда.

Қашқадарёлик фермерларни ҳам чин маънода жонкуяр, фидойи инсонлар, десак хато бўлмас. Миришкор туманидаги “Камалак” фермер хўжалиги раҳбари Жасур Лутфиев шижоатли, ўн ўйлаб бир кесадиған, қатъиятли, мақсад сари дадил одимлайдиган фермерлардан.



Суратда: Миришкор тумани “Камалак” ф/х раҳбари Жасур Лутфуллаев ва Рўзимат Ғоипов ҳудуд раҳбари Жаҳонгир Абдуназаров

Хўжалик 2015 йилда туман агробанкидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 340 миллион сўм кредит олған эди. Бу маблағга Украинадан 143 бош қорамол олиб келинди. Йиллар давомида бу насли моллар кўпайиб, бугун 400 бошга етди. Ҳозирги кунда эса хўжалик раҳбари 1,5 гектар-

лик балиқхонасини кенгайтириш ниятида елиб югурмоқда. Ушбу хўжаликда 780 бош қўй, 68 бош от ҳам бор. Фермер яқин вақт ичида чет элдан сутни қайта ишлайдиган станоклар олиб келишни режалаштирган.

Касби туманидаги “Шодмон Нормуродова” фермер хўжалиги раҳбари Холмўмин Бобоёров ҳам фермерчиликда ўзига хос ва мос йўл танлаган илғорлардан. Ҳар йили барча соҳаларда олдиға кўйилган режасини уддалаб келяпти. Кўнгил оқлиги, билимға чанқоқлиги эвазига уста деҳқон бўлиб, туманда обрў-эътибор топди. 2019 йили 80 гектар пахта, 42 гектар ғалла майдонида режадан ортиқ хомашё етиштириб, ҳосилини ўз вақтида йиғиб олди. Бундан ташқари, 84 бош қорамол, 200 бош қўйни аниқ илмий тавсиялар асосида боқиб, эл дастурхонига сифатли сут ва гўшт етказиб бермоқда.

Қарши туманидаги “Худойқулов Сарварбек Ахрорович” фермер хўжалиги раҳбари Ахрор Бозоров ҳам омадли йигитлардан. У нимани ўйласа, аҳд қилса, ниятига етмай қолмайди.

2019 йил машаққатли йил бўлди, – дейди фермер, – устма-уст ёққан ёмғир оқибатида экинларимизни икки марта қайтадан эдик. Менимча, вилоятимизнинг ҳамма фермерлари ҳам қийналди. Шундай бўлса-да, изландик, бирлашдик, ҳаракатлар қилдик ва ниҳоят, қийинчиликларни енгишға эришдик. 78 гектар пахта, 53 гектар ғалла майдонидан режадағидан кўп ҳосил олдик. Австриядан 65 бош қорамол олиб келдик.



Суратда: “Худойқулов Сарварбек Ахрорович” ф/х раҳбари Ахрор Бозоров (Австрия яйловларида олинган сурат)

Деҳқонобод туманидаги “Қайимов Оллоёр Юсуп ўғли” фермер хўжалиги раҳбари Оллоёр Қайимовнинг ерлари қир-адирликлардан иборат. Уни осмонға қараб яшайдиган фермер, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. 2019 йили 210 гектар лалми ғалла майдонидан режаға нисбатан 120 фоиз дон йиғиб олди. 250 бош қўй, 10 бош от, 20 бош қорамол ҳам фермер хўжалигига қарашли.

Хулоса шуки, ҳар қандай об-ҳавода ҳам жасорат кўрсатиб ишлаётган қашқадарёлик фермерларға ҳавасингиз келади. Нияти ҳам кўнгли каби беғубор бу фермерларға фақат омаду барака ҳамроҳ бўлаверсин.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

Маълумки, деҳқончилик ва суғориш иншоотлари тарихи анчайин қизиқарли мавзу ҳисобланади. Юртимизда ҳам қадимги ерларни суғоришнинг ўзига хос хусусиятлари ва гидрографиясининг кўҳна илдизлари мавжуд. Маълум бўлишича, олис ўтмишда аجدодларимиз паст-баланд адирлардан иборат тоғ этакларида юзлаб қудуқларни бир-бирига туташтирган антиқа ирригация иншооти – коризлар воситаси билан ерости сувларини ер юзига чиқариб, деҳқончиликда фойдаланганлар. Ҳозирги кунга қадар Нурота туманида мана шундай ирригация иншоотлари сақланиб қолган ва баъзи ҳолатларда улардан фойдаланиб келинади.

Кориз – ерости сув иншоотини қуриш ниҳоятда оғир ва мураккаб бўлган. У машаққатли қўл меҳнатидан ташқари ерости сувларининг тўпланадиган қатлами, йил мавсумларида бу сувлар сатҳида рўй берадиган ўзгаришлар ва кориз чиқариладиган жой рельефидаги нишабликни жуда аниқ белгилашни талаб этган.

Коризларнинг пайдо бўлиши ҳақида сўраганимизда, нуроталик тарихчи Шавкат Исмоилзода шундай маълумотларни келтириб ўтди:

– Нуроталиклар ерости сувларини юзага чиқаришни жуда қадимий ирригация иншоотлари коризлар воситасида амалга оширганлар. Эрамыздан олдинги 329-327 йилларда Ўрта Осиёга бостириб кирган македониялик Александр Македонский ҳам Нурота заминиде бу кўҳна иншоотларни кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшади. Афсоналарга кўра, Искандар Зулқарнайн Зарафшон водийсига қўшин тортиб келганда, 366 ҳарбий қисм саркардаларига ўз отрядлари билан ҳар бири биттадан кориз кавлаши ҳақида буйруқ берган. Натижада 366 та кориз қовланиб, Оқтоғ этакларига сув чиқарилган. Шубҳасиз, бу фақат афсонагина бўлмай, балки Нуротанинг табиий шароити, жумладан, унинг гидрогеологияси устида маҳаллий аҳолининг узоқ вақт олиб борган кузатишларидан тўпланган билимнинг натижаси бўлиб, аслида, аждодларимиз бу ишни Искандар Зулқарнайн

босқинидан анча олдин ўзлаштирган ва бу ҳолат Искандар номи билан боғлаб кўрсатилса-да, лекин сув танқис бўлган Нурота халқининг сув манбаларини излаб топиш йўлида олиб борган заҳмати тарихини ифодалайди. Шу аснода Нурота коризлари икки хил таърифланади, Искандарий коризлар ва маҳаллий коризлар.

Маълумотларга кўра, кориз чиқаришда тажрибадор коризчи ирригаторлар, даставвал, қияликнинг баландроқ еридан ерости сувига шахмат усулида бир неча қудуқ қазилган. Қудуқлардаги сув вақти-вақти билан белгиланиб турилган. Ерости сувлари тортилиб, қудуқлардаги сув сатҳи энг пастга тушган февраль ойида кориз кавлашга киришилган. Дастлаб нивелировка қилиб кориз трассаси белгиланган, кориз трассаси аниқлангач, трасса бўйлаб ҳар 10 метрда қатор қудуқлар қовланган. Ерости сувларининг тўпланган қатламга қараб сув чиқадиган бош қудуқларнинг чуқурлиги 18-20 метр, баъзан ундан ҳам чуқурроқ бўлган. Қудуқлар туннель орқали бир-бирига туташтирилган. Бош қудуқлардан йиғилган ерости сувлари мана шу туннель орқали оқиб чиққан.

– Коризни қовлашда лаҳм ўтказиш энг масъулиятли иш бўлиб, ерости сувларининг ер устига оқиб чиқиши лаҳмнинг тўғри қовланишига боғлиқ бўлган. Бунинг учун, биринчидан, қудуқларни бирлаштиришда, қарама-қарши томонлардан қовланадиган лаҳмнинг бирор ёққа қийшайиб кетишига йўл қўймай, қудуқларни бир-бирига тўғри туташтира олиш, иккинчидан, кориз орқали ерости сувларини ер устига оқиб чиқишини таъ-

НУРОТА КОРИЗЛАРИ



минлаш лозим бўлган. Кориз қовлашда бир қанча коризчи жамоалар ойлаб ва йиллаб лаҳм ҳамда қудуқлар қазиб чиқаришган. Нуротадаги коризлардан бирининг “Зулмкориз” деб аталишига сабаб, Искандар бу коризни зулм билан қаздиргани ва ерости сувларини ер устига чиқаришдаги меҳнат жараёнининг ниҳоятда оғирлигидан бўлса керак, – дейди Ш. Исмоилзода.

Маълумки, коризлардан бир меъёрда сув оқиб туриши учун улар ҳар йили тозаланиб турилган, таъмир этилган. Кориз тозалаш энг машаққатли ва оғир ишлардан ҳисобланган. Чунки кориздор деҳқонлар ҳар йили эрта баҳорда 20-30 кун коризнинг туннели ичида сув кечиб, лаҳм ва қудуқлар ичига чўккан лойқаларни қазиб чиқарган.

– Нуроталиклар кориз суви тўғри оқиб турганини текшириш учун биринчи қудуққа сомон ташлаб, сомонни охириги қудуқдан чиқётган сувда кўриб, шу тарзда сувнинг равон оқиб турганини, миқдорини текширган. Шу ўринда “Кориз” атамаси ҳам форс-тожикча бўлиб, “кох” – сомон, “рез” – тўк деган маънони акс эттиради. Коризларнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда секундига 40-50 литр сув оқиб чиқиб, 40-50 гектаргача ер майдонини суғорган. Нурота коризлари ҳозирги кунда ташландиқ ҳолга келиб қолган ва фақатгина Калта-кориздан сув оқиб турибди. Ҳозир ҳам коризларни тозалаб сув чиқарса бўлади, аммо бу иш жуда оғир меҳнатни талаб этади, – дейди Ш. Исмоилзода.

Ҳа, коризлар кўҳна шарқнинг қадимий гидротехника иншооти бўлиб, коризчилик ота-боболаримиз деҳқончилик санъатининг ноёб намунаси ҳисобланади. Ўтмишда бободехқон ўтган аждодларимизнинг ерости сувларини моҳирлик билан ер юзасига олиб чиққанлигини кўриб, лол қоласан киши.

Шухрат НОРМУРОДОВ.



СЕЯНЦЫ САКСАУЛА В ЛЕСНЫХ ПИТОМНИКАХ

Падение уровня Аральского моря, вызванное зарегулированием вод двух основных артерий Центральной Азии Амударьи и Сырдарьи на нужды сельского хозяйства, наблюдается на протяжении более 50 лет. На сегодняшний день площадь осушенного дна составляет около 6 млн.га, из них 3.2 млн.га в нашей стране. Это земли не пригодные для ведения сельского хозяйства, т.к. они лишены гумуса, сильно засолены и имеют высокий уровень залегания соленых грунтовых вод. Вынос вредных солей с осушенного дна грозит экологической катастрофой региону Центральной Азии. Для предотвращения негативных последствий развития деградации земельных ресурсов необходимо проведение широкомасштабных облесительных работ на осушенном дне. Только лесные насаждения способны своими корнями скрепить легко разрушаемые грунты осушенного дна и предотвратить возникновение дефляционных процессов.

По инициативе Главы нашего государства Ш.М.Мирзиёева была разработана Государственная программа по экологическому оздоровлению зоны Аральского моря предусматривающая облесение в первую очередь наиболее дефляционно-опасных типов донных отложений.

Лесные насаждения, можно, создавать двумя методами: посевом семян и посадкой сеянцев. Однако, как показали научные исследования, результативность работ от посева семян, как правило, бывает не всегда высокой и к тому же ведет к большому расходу семян. Все зависит от всхожести семян, подверженности почвогрунтов дефляционным процессам и водообеспеченности года. В отличие от посева семян, ежегодные хорошие результаты можно получить от посадок сеянцами. Учеными узбекского НИИ лесного хозяйства, проводив-

шими исследования на осушенном дне Аральского моря более 40 лет установлено, что необходимо постепенно от посева семян переходить к посадке сеянцев. Посев семян следует проводить в осенне-зимний период, а посадку сеянцев в начале весны. Отрицательной стороной посадок в осенний период является подсушка высаженных растений в зимний период, особенно при низкой влагообеспеченности года. Такие явления довольно часто имеют место на осушенном дне Аральского моря. Поэтому нами рекомендовано проводить посадки сеянцев весной.

Решение задач по лесомелиорации осушенного дна и других пустынных территорий, во многом зависит

оснащенные специализированной техникой и специалистами имеющими опыт выращивания посадочного материала. Эти питомники будут создаваться на хозрасчетной основе, т.е. лесхозы, зная свою ежегодную потребность в сеянцах, перечисляют средства базисному питомнику, а питомник весной представляет стандартный посадочный материал. Это будет значительно проще и эффективнее, чем то, если каждый отдельно взятый лесхоз будет закладывать свой питомник, не имея соответствующей техники и специалистов, обладающих профессиональными знаниями.

24 августа прошлого года в г.Ашхабад на Саммите стран доноров Международного фонда спасения Арала наш Президент Ш.М.Мирзиёев отмечал, о необходимости создания Международного Центра по выращиванию сеянцев пустынных и кормовых растений, что значительно поможет в создании высокопродуктивных пастбищ на осушенном дне Аральского моря, используя для этого стандартный посадочный материал кормовых растений.

Выполнение Государственной программы было начато 16 декабря 2018 года под руководством и непосредственным участием Министерства по чрезвычайным ситуациям совместно с работниками лесного хозяйства. В решении данной проблемы участвовали все областные подразделения МЧС и лесхозы республики. Было задействовано 1200 единиц техники, 700 канавокопателей, 2 самолета и 2500 человек на сборе семян и посадке сеянцев. В результате были нарезаны песконакопительные борозды на площади 1 млн. 250 тыс. га и созданы лесные насаждения на площади 461 тыс.га, а также проведено закрепление подвижных песков

Лесные питомники саксаула

Лесные хозяйства	Площадь, га	Количество сеянцев, тыс. шт.
Республика Каракалпакстан	241	60 050
Мўйнакский гос. лесхоз	30	3 800
Казақдарьинское гос. лесохотничье хоз-во	10	6 100
Чимбайский гос. лесхоз	30	10 500
Караузякский гос. лесхоз	35	10 250
Тахтакупырский гос. лесхоз.	25	4 100
Бозатауский гос. лесхоз	22,5	7 600
Ходжейлинский гос. лесхоз	13,5	7 900
Нукусский гос. лесхоз	10	3 000
Нукусский специализированный гос.лесхоз	15	1 000
Кипчакский гос. лесхоз	9	500
Берунийский гос. лесхоз	11	300
Турткульский гос. лесхоз	15	4 000
Элликалинский гос. лесхоз	15	1 000
Андижанский гос.лесхоз	5	1 400
Бухарское управление лес.хозяйства	104	30 000
Кашкадарьинское управление лес.хоз-ва	15	1 660
Навоийское управление лес.хоз-ва	50	8 600
Самаркандское управление лес.хоз-ва	1	220
Ферганское управление лес.хоз-ва	0,5	10
Хорезмский гос.лесхоз	3,4	450
Всего:	420	102 390

от уровня развития питомнического хозяйства. Широкое применение посадки сеянцев раньше лимитировалось отсутствием в достаточном количестве посадочного материала. В настоящее время закладке лесных питомников мы уделяем особое внимание и в каждом лесхозе проводится выращивание сеянцев саксаула.

В настоящее время в Республике, целесообразно было бы организовать базисные лесные питомники,

механическими защитами из камыша на площади 93.5 тыс.га. Для выполнения данного задания израсходовано 1.5 тыс. тонн семян саксаула и соляноколосника и 8.1 млн. штук сеянцев саксаула, соляноколосника и тамарикса.

Качество выращенного посадочного материала во многом зависит от заготовленных семян. Поэтому семена нами заготавливаются с плюсовых деревьев или в высокопродуктивных насаждениях, произрастающих на территории, где почвенно-климатические условия аналогичны территориям, подлежащим лесомелиорации.

На зимне-весенний период 2019-2020 гг. руководством республики поставлена задача создать лесные насаждения на площади 700тыс.га, из них 510 тыс.га посевом семян из самолета, 120 тыс.га посадка сеян-

цев в песконакопительные борозды, 3тыс.га пустынно-кустарниковые пастбища, на остальной площади посева семян будет проведен наземным методом. По породно это составит 356.5 тыс. га саксаула, 130 тыс. га кандыма и 213.5 тыс.га.соляноколосника и тамарикса. На остальной территории будут высеяны кормовые и другие виды растений. Для выполнения данного объема работ планируется заготовить семена в количестве 2400 тонн, из них 1026 тонн семян саксаула, 520 тонн кандыма и 854 тонн семян соляноколосника. На сегодняшний день лесхозами заготовлено 323.7 тонн семян кандыма, а сейчас они приступили к заготовке семян кормовых растений: чогона, терескена, боялыча и кейреука. Построены временные семяхранилища для хранения семян. С целью получения стандартного посадоч-

ного материала саксаула заложен лесной питомник на площади 420 га, из которого будет получено 102 млн. штук сеянцев. Для выполнения запланированного объема работ по созданию лесных насаждений на площади в 700 тыс.га будут привлечены 200 тракторов, 100 лесопосадочных машин ЛПА, 100 зубовых борон “зиг-заг”, 100 единиц чизеля, 100 прицепов, 3 самолёта 2500 работников для сбора семян и созданию защитных лесных насаждений на осушенном дне Арала.

Низомиддин БАКИРОВ,
председатель Госкомлеса
Республики Узбекистан,
Абдушукур ХАМЗАЕВ,
д. с.х. н., профессор, директор;
Зиновий НОВИЦКИЙ,
д.с.х. н., профессор, зав.
Лабораторией,
НИИЛХ.

УЎТ: 633.511.631.521

ТАДҚИҚОТ

ЯНГИ “С-2616” ҒЎЗА НАВИ

Бозор иқтисодиёти шароитида тезпишар, серҳосил, толаси жаҳон андозасига жавоб берадиган ва касалликларга бардошли навлар яратиш селекционер олимларимизнинг олдидаги энг долзарб вазифалардан биридир. Маълумки, йирик кўсақли навлар кўпинча кечпишар бўлади, аммо мураккаб дурагайлаш натижасида уларнинг вегетация даврини қисқартириш мумкин.

“С-2616” нави Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида П.Ш.Ибрагимов, Б.О.Ўрозов ва бошқалар томонидан мураккаб дурагайлаш [(С-2610хАт-Термизий) х(ОмадхАт-Термизий)] асосида яратилган. Навдорлиги 98% бўлди ва 2019 йилда давлат нав синовида топширилди.

Ўсимлик тупи конуссимон, пояси 105–110 см, барги яшил рангда, ўрта тукланган, кузга бориб кўнғир тусга киради. Ҳосил шохлари биринчи тигда, яшил рангда, 1- ҳосил шохи 6–8-бўғинда жойлашган, барги кафтсимон, яшил, 4–5 бўғимли. Гули ўртача катталиқда, гул япроқлари сарғиш, чангдон ранги сарик, антацион доғлари йўқ. Кўсаги йирик овалсимон шаклда, яшил, асосан, 5 чаноқли. Чаноқда 7–10 та чигит бўлиб, кўсақдаги пахта оғирлиги 6,5–7,0 граммни ташкил этади.

Навинг ўзгача хусусияти шун-

даки, пастки ўрта ва тепа ярусдаги кўсақларнинг вазни бўйича фарқи деярли йўқ. Тезпишар, серҳосил, қўл ва машина теримига қулай. Чигити ўртача, овал шаклида, туклари зич жойлашган, толаси оқ рангда, 1000 дона чигит вазни 118–124 граммни ташкил қилади. Шохланиши 1,5 тип, тола узунлиги 34–35 мм, 1,18 дюйм, микронейр 4,3–4,5, тола чиқими 38–40%, IV типга хос.

Ҳосилдор бўз тупроқли ва ерости сувлари чуқур жойлашган ерларда ўсимликларни меъёрда жойлаштириш зичлиги 75–80 минг/га. Қатор оралиғи 60 см бўлганда бир метрга 6–7, қатор оралиғи 90 см бўлганда 8–9 та якка экилган ўсимликни жойлаштиришни назарда тутиш лозим. Унумдорлиги паст тупроқли ерларда ҳар 1 гектар ҳисобига ўсимликлар сонини 5–7 мингтагача кўпайтириш мумкин.

Бўз тупроқли, ерости суви чуқур жойлашган ерларда суғоришни 1-3-1 схема бўйича ўтказиш лозим, аммо ерости сувлари яқин жойлашган ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда суғоришлар сонини бирикитага камайитириш зарур. Суғоришдан кейин қатор оралиғига ишлов бериш ишлари ўз вақтида ўтказилса, намлик сақланади. Бу эса ўсимликнинг яхши ривожланиши ҳамда шона ташлашидан сақлаш имконини яратади.

Ерларга ўғит солишда ернинг унум-

дорлиги ва режалаштирилган пахта ҳосилдорлигига қараб ўғит бериш зарур. 40–42 ц/га ҳосил олиш учун бўз тупроқ ерларга 250 кг/га соф азот, 120 кг/га фосфор, 120 кг/га калий солинади. Ўтлоқи, унумдор ерларга азот 25–30 кг/га кам, фосфор эса 25–30 кг/га кўп солинади. Азотни уч муддатда культивациядан аввал гектарига 50 кг, шоналаш даврида (биринчи суғоришдан олдин) 100 кг, гуллаш бошланганда (иккинчи суғоришдан олдин) 100 кг бериш мақсадга мувофиқ. Фосфор тенг микдорда кузги шудгор ва ўсимлик гуллаш даврида, калий шудгорлаш ва шоналаш даврида берилди.

Чилпиш (чеканка)ни ҳосил шохлари 13–15 та бўлганда ўтказиш зарур. Дефолиацияни эса чаноқлар 55% очилганда ўтказиш зарур. Ғўзани парвариш-лашда асосий агротехник тавсияларга амал қилинганда, мўл ва сифатли ҳосил йиғиштириб олинади.

Паридун ИБРАГИМОВ,
қ.х.ф.д, профессор,
Баҳриддин УРОЗОВ,
қ.х.ф.д, катта илмий ходим,
МАРАТ ЛАТИПОВ,
мустақил-тадқиқотчи, (ПСУЕАИТИ)
Фозилбек ТОРЕЕВ,
қ.х.ф.н, доцент,
Гулноза ШОДМОНОВА,
мустақил-тадқиқотчи,
(ТошДАУ).

ДЕҲҚОНГА СЕРҲОСИЛ НАВЛАР КЕРАК

ғўзанинг ЎзФА-710 нави мисолида

In this article discuss about characteristics, yeculturi tg avd aclaptabilits to di fferent euri rou mental conditions.

Ўза парваришида амалга ошириладиган барча агротехник тадбирлар ҳар қанча яхши ва сифатли ўтказилмасин, агар экилаётган нав шу тупроқ-иқлим шароитига мос тушмаса, бу экин майдонидан юқори ҳосилни кутиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам селекционерлар янги ўза навларини яратишда унинг барча ижобий хусусиятларини бир генотипда тўплашга ҳаракат қиладилар. Янги яратилган нав қайси ҳудудларда ижобий самарасини намоён этса, айнан ўша жойларда кўпайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ва Боғдод туманларида парваришланган “ЎзФА-710” навининг 10-сентябрдаги ҳолати ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари.

Қуйида ғўзанинг истиқболли “ЎзФА-710” навининг ўзига хос хусусиятлари, миришкор деҳқонларимиз ва Кластер корхоналари учун зарур бўлган бир қанча ижобий жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтишни ўринли, деб билдик.

“ЎзФА-710” нави Ўзбекистон Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг бир қатор селекционер олимлари (Қаҳҳоров И.Т. ва бошқалар) томонидан яратилган бўлиб, Давлат нав синаш шохобчаларида синалиб, турли тупроқ-иқлим шароитларида ўзининг бир қанча ижобий жиҳатларини намоён қилди.

Ушбу ўза навининг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари устида олиб борилган узоқ йиллик илмий-амалий тадқиқотлар,

якка ва ялпи танлов ишлари натижасида битта кўсақдаги пахтасининг вазни 5,5 – 6,0 грамм, тола чиқими 41 – 42%, штапель узунлиги ўртача 34,5 миллиметр, микронейр кўрсаткичи 4,1 – 4,4, солиштирма узилтиш кучи (Str) 30.1, толасининг юқори ўртача узунлиги (Len) 1,7., нисбий узилтиш оғирлиги 4,7, узунлиш оғирлиги 28.4 гс/текс, метрик номери 5980, чизикдаги зичлиги 178 м/текс, тола ҳосили - 13,4 – 15,1 ц/га, толаси IV – саноат типига мансуб бўлиб, жаҳон андозалари талабларига мос келади. Ўрта ва шимоллий минтақаларда 118-120 кун, жанубий минтақаларда 110-115 кунда пишиб етилади. Танаси ётиб қолмайди. Илдиз тизими бақувват ривожланиб, тупроқнинг пастки қисмларидаги сув ҳамда унда эриган минерал элементларни ҳам тез ва осон ўзлаштириб олиб, ўсимликнинг юқори қисмларига етказиб беради. Шу сабабли суви танқис ҳудудларда экилса ҳам юқори ҳосил олиш мумкин. Давлат Нав синаш комиссиясининг маълумотларига кўра, айрим ҳудудларда мазкур ўза навининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари 45,3 ц/га. ни ташкил этган.

Бир қанча ишлаб чиқариш синовларидан олинган амалий натижаларга кўра, ЎзФА-710 нави Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2017 йил 27 декабрдаги 349 – сонли қарори билан Фарғона вилояти учун истиқболли деб топилиб, давлат реестрига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 84-2 сонли қўшма буйруғига биноан ушбу ўза нави Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг “Фарғона” филиалида, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги “Насафий” ва Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош туманидаги “Азамат” янги навлар уруғларини дастлабки кўпайтирувчи элита уруғчилик фермер хўжаликлариде уруғчилик ишлари давом эттирилди.

2019 йилда Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Фарғона вилояти Боғдод туманидаги “Фарғона” филиалида етиштирилган ЎзФА-710 навининг 12 га майдондаги парваришланган элита авлодли ҳосилининг уруғлик қисмини айни дамда мазкур туманда фао-

лият олиб бораётган “FERGANA SPINNING” кластери томонидан тўлиқ қабул қилинди. Мазкур кластер томонидан келгуси йилларда ушбу ўза навининг уруғлик чигитларини ушбу туманда кенг майдонларда экиб кўпайтириш режалаштирилган.

Мазкур ўза нави Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд тупроқ-иқлим шароитларида парваришланганида ҳам ўзининг ҳосилдорлиги, кузги совуқ кунлар бошланишига кўсақларининг тўлиқ очилиши, толасининг ўта оқлиги ва майинлигини намоён этгани пахтачилик тизимига алоқадор бир қанча мутахассислар томонидан бир неча бор эътироф этилди. Шунга кўра, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг 2019 йил 24 декабрдаги техник экинлар бўйича эксперт комиссияси йиғилиши Баённомаси қарорига биноан, “ЎзФА-710” нави Қорақалпоғистон Республикаси учун истиқболли деб топилди.

Хулоса қилиб айтганда, ғўзанинг истиқболли “ЎзФА-710” нави ўзининг илдиз тизимининг бақувват ривожланиши, эрта пшарлиги, ҳосил шохларида кўсақлар сонининг кўплиги, бир кўсақдаги пахтаси вазни, тола узунлиги ва чиқими кўрсаткичларининг юқорилиги, популяциядаги ниҳолларнинг фенотипик бир хиллилиги генотипик жиҳатдан мустаҳкамланганлиги, толасининг ўта оқлиги ва бошқа хусусиятлари билан мутасадди ходимларда ижобий таассуротлар қолдирмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ғўзанинг янги “ЎзФА-710” нави айни дамда миришкор деҳқонларимиз ва кластер корхоналари излаётган навлардан бири деб ҳисоблаймиз. Зеро, янги навда – янги хусусиятлар, юқори ва сифатли ҳосилдорлик кўрсаткичлари акс этади.

Ориф ЭРГАШЕВ,
кичик илмий ходим.

ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институти

АДАБИЁТЛАР:

1. Эргашев О.Р., Қаҳҳоров И.Т., Ҳакимов А.Э. “Янги нав – янги хусусиятлар”. Агро илм журнали, 4 - сон, 8-9 – б. 2017.

2. Батталов А.М., Неъматов Х.Ш. Бухоро вилояти шароитида чигити таркибида заҳарли госсипол бўлмаган янги “Бухоро-9” ўза нави яратилди. // ЎзПТИ: Ўза ва ўза мажмуидеги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш” мавзусида республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. (2013 йил 4-5 декабр), 339-345 б.

КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ “ТЕРМИЗ-5” НАВИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

The promising, local variety of Termiz-5 is high-yielding, precocious and with high baking quality meets all the requirements of the standard.

Республикамизнинг суғориладиган ерлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Суғориладиган ерлар табиатидаги бебаҳо неъматидир.

Марказий Осиё давлатларида суғориладиган ерлар ва сув ресурслари ниҳоятда чекланганлиги билан бошқа ўлкалардан фарқ қилади. Аҳоли сонининг тезлик билан кўпайиб бориши дунёда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Ана шу сабабли, суғориладиган майдонлар республикамизнинг битмас-туганмас бойлиги бўлиб, ундан фақат мақсадли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади. Республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат, чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби кун сайин ошиб бормоқда ва ушбу талабни тўла қондириш мақсадида сўнгги йилларда ғўза майдонлари камайтирилиб, сабзавот, полиз, мойли экинлар, ғалла, интенсив боғлар майдони оширилди.

Буғдой ҳақиқатдан инсон учун энг муҳим озиқ-овқат ва ризқ-рўз экинидир. Буғдой ва дон маҳсулотлари инсон учун ҳаёт-мамонт бўлиб ҳисобланади. Буғдой нони дунёда тенги йўқ озиқ-овқатдир. У жуда хуштаъм, тўйимли, ёқимли ва организмда яхши ҳазм бўлади. Дон инсон учун нақадар азиз ва лазиздир, дон ризқ-рўз, тириклик рамзидир.

Кузги буғдой селекционер олимлари маълумотиға мурожаат қилинганда куйидагилар аниқланди:

А.Аманов, З.Зиядуллаев, С.Алиқулов, З.Зияев маълумотиға кўра, “Яксарт” нави ўсув даври 186–212 кун бўлиб, ҳосилдорлиги 40,8–58,0 ц/га, клейковинаси 32%, ИДК 90, нон ёпиш баҳоси 3,0 балл [1].

Р.И.Сиддиқов, С.Э.Тешабоевнинг қайд этишича, “Аср” нави ўсув даври 185–225 кун, ҳосилдорлиги 28,0–72,0 ц/га, клейковинаси 25%, нон ёпиш баҳоси 2,5 баллга эга [2].

Нон чиндан ҳам Аглоҳнинг инсонга берган буюк неъматидир. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий деҳқончилик ҳақида куйидаги фикрларни баён этганлар: “Деҳқонки, дон сочар, ерни ёрмоқ бирла ризқ йўлин очар, олам аҳли машҳурлиги олардан, ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам озиқ-овқат еткарар ҳам барокат”. Ана шу сабабли донни ва нонни барчамиз эъзозлашимиз, яхши сақлашимиз, асрашимиз, исрофгарчиликка асло йўл қўймаслигимиз ва буғдойни сифатли парвариш этиш, юқори ҳамда сифатли дон маҳсулоти етиштиришимиз барчамизнинг ватанпарварлик ва инсонпарварлик бурчимиздир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ғаллачиликнинг янада ривожлантириш мақсадида кузги буғдойнинг маҳаллий нонбоп янги навларини яратиш, янги навлар уруғчилиги ва янги маҳаллий навлар парваришига эътиборни кучайтирмоқда. Республикамизда экилаётган буғдой навларининг аксарияти чет эллардан келтирилган навлардир. Уларнинг нон сифати талабга жавоб бермасдан қолмоқда. Ана шу сабабли кўшни Қозоғистондан келтирилган буғдойдан ун тайёрланмоқда. Аксарият буғдой донидан тайёрланган буғдой уни талабга жавоб бермасдан тандирлардан оқиб тушади, нони сифатсиз, қаттиқ, яхши кўпчимаган нонлар тайёрланиб, аҳолининг эътирозига сабаб бўлмоқда.

ПСУЕАИТИнинг Сурхондарё илмий-тажриба станцияси тажриба далаларида 1992 йиллардан бошлаб, ғалла экинларининг чет эллардан келтирилган ва ватанимизда етиштирилган ғалла экинлари

намуналарининг коллекцияси, навлар экологик синови бўйича кўп йиллик тажрибалар ўтказилди ва ушбу тажрибалар ҳозиргача давом этмоқда. Кўп йиллик изланишлар натижасида юмшоқ буғдойнинг “Термиз-5” нави яратилди. Ушбу янги нав кўп йиллар давомида экстремал иқлим ва шўрга чидамли, серҳосил, эртапишар, нонбоп нави кўп йиллар давомида қайта-қайта яққатанлов йўли билан яратилган. Нав дон таркибида 13,7–14,0% оқсил, 28–32% клейковина бор. Навнинг нон ёпиш баҳоси 3,0 балл.

“Термиз-5” истиқболли кузги буғдой навининг морфологик кўрсаткичлари куйидагича: ўсимлик бўйи баланд (90–115 см), барглари йирик ва бир пояда 5–6 дона барг бўлиб, ўсимлик ранги тўқ яшил. Бошоғи узун, ўртача 14–15 см, бошоғи қизил рангда, дони йирик, ранги оқ. Пояси бақувват, одатда ётиб қолмайди, занг касаллигига ва ётиб қолишга, совуққа чидамлилиги 5 балл. Сувга талаби “Гром” ва “Крошка” навларидан 1–2 марта кам суғорилади. Истиқболли нав сув тежовчи технологиясига тўлиқ жавоб беради.

Бир бошоқда 55–73 дона дон бўлади. 1000 дона дон вазни 45–50 г. Донининг ранги оқ бўлиб, тиник, ялтироқ ва ҳажм массаси 820 г. ни ташкил этади.

Янги навининг илдиз тизими яхши ривожланган. Тупроқ қатламларидан озиқа ва намликни яхши ўзлаштиради. Истиқболли нав шўрланган тупроқлар шароитида ҳам яхши кўчат униб чиқади. Навнинг туплаши ўртача, “Гром” навидан бу соҳада орқада қолмайди. Нав эртаки бўлиб, 190–215 кунда пишиб этилади ва ҳосилни май ойининг иккинчи ярмида комбайнлар ёрдамида ўриб олиш мумкин. Нав иссиққа ва гармселга чидамли бўлиб, кеч муддатларда (ноябрда) экилганда ҳам ҳар гектаридан 50–60 ц/га дон ҳосили етиштирилади.

Юмшоқ буғдойнинг “Термиз-5” нави Давлат нав синови станциялари, участкаларида 2014–2017 йилларда синовдан муваффақиятли ўтди.

Қашқадарё вилоятининг “Шаҳрисабз” давлат нав синаш станцияси шароитида уч йил давомида ўртача 73,0 ц/га ва 2017 йилда 81,0 ц/га Миришкор туманидаги ДНС участкасида 55–60 ц/га, Бухоро вилоятидаги Вобкент ДНС участкасида 50–60 ц/га, Навоий вилоятидаги Хатирчи ДНС участкасида 60 ц/га, Сурхондарё вилоятининг Денов ДНС станцияси 45–50 ц/га ва Шеробод нав синаш участкаси далаларида 60–65 ц/га ҳосил етиштирилган. ПСУЕАИТИнинг Сурхондарё тажриба станциясида уруғ кўпайтириш кўчатзориди 70–75 ц/га ҳосил етиштирилган.

Жорий йилда Қизирик туманидаги “Равшан Исмаев” фермер хўжалигида 17,0 га майдондан 65,0 ц/га уруғлик дон етиштирилди. Жарқўргон туманидаги “Лойқанд” фермер хўжалиги 40,0 гектар майдондан 80,0 ц/га, “Нурмават” фермер хўжалигида 64,0 ц/га дон ҳосили етиштирилди. Демак, нав серҳосил нав дони жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб беради.

Янги истиқболли, нонбоп маҳаллий “Термиз-5” нави майдонини кўпайтириш, махсус уруғчилик фермер хўжаликларида экишни ташкил этиш, дастлабки уруғчилигини ташкил қилиш шу куннинг энг долзарб вазифаси бўлиб турибди.

М.ТАДЖИЕВ,

(ПСУЕАИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станцияси).

АДАБИЁТЛАР

1. Аманов А., Зиядуллаев З., Алиқулов С., Зияев З. Кузги буғдойнинг “Аср” нави хўжалик қимматли белгилари. Давлат реестри. – Тошкент, 2017. – 36 б.
2. Аманов А., Зиядуллаев З., Алиқулов С., Зияев З. Кузги буғдойнинг “Яксарт” нави қимматли хўжалик белгилари. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси маълумотлари. – Тошкент, 2017. – Б. 37–38.

УЗУМНИНГ ТЕХНИК НАВ-НАМУНАЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯСИ ЎСИМЛИКЛАРИ ҒУЖУМИНИНГ БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

The article presents the results of a study on the selection of technical grape varieties, which allows to strengthen the raw material base of the country's wine industry and to obtain high-quality, export-oriented wines. At the same time, the biochemical composition of the berries of the collection of samples of technical grape varieties was studied. According to the results of the analysis, new varieties of grapes of Buera, Tita Kartalinskaya, Verdello, Gold Riesling, Durba de Marcel, Kosorotovskiy, Muscat Jurassic, Morastel for whitewines; and Bassar, Lkeni Black, Krasnyansky, Scarlet Tersky, Jananura, Mustaos, Tavkveri, Hamburg muscat, Early black muscat were recommended for the production of red wines.

Мамлакатимиз узумнинг ҳар қандай турларини етиштириш учун кенг имкониятларга эга бўлиб, айниқса, техник йўналишдаги истиқболли узум навларини кўпайтириш халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган долзарб вазифадир. Шу боис, юртимизда кейинги йилларда шаробчиликни тубдан ривожлантириш ва рақобатбардош шароб маркалари экспортини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Виночилик соҳасини ва алкоғолли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим қонуний асоси ҳисобланади.

Республикаимизда шаробчилик жуда қадимдан ривожланган ва бугунги кунда унинг кўплаб маркалари хорижий давлатларга ҳам маълум миқдорда экспорт қилинмоқда. Бироқ, таъкидлаш жоизки, экспортбоп ва рақобатбардош шароб маркалари ишлаб чиқариш учун бугунги кунда хориждан узумнинг техник навларининг кўплаб кўчатлари келтирилмоқда. Бу эса бир қанча салбий оқибатларга олиб келмоқда. Биринчидан, хориждан келтирилаётган кўчатлар билан республикаимиз учун ташқи карантин ҳисобланувчи ўта хавфли зараркундалар ва касаллик тарқатувчи манбалар кириб келиши мумкин. Иккинчидан, янгидан олиб келинаётган кўчатлар республика тупроқ-иқлим шароитига қанчалик мослаша олиши чуқур ўрганилиши лозим. Ва ниҳоят, бу келтирилаётган навлар айнан ўша хорижий мамлакатларда намоён этган биокимёвий технологик хусусиятларга эга бўлмаслиги мумкин. Негаки, Ўзбекистонда узумнинг ўсув даври узун, самарали ҳарорат йиғиндиси юқори ва узум ғужуми таркибида қанд миқдорини кескин ошириб юборувчи кескин континентал ҳарорат кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги узумнинг техник навларидан улкан коллекция тўпланган бўлиб, улар орасида ушбу хориждан келтирилаётган навлар билан тўла рақобатлаша олувчи намуналар мавжуддир. Бироқ улар бугунги кунга қадар чуқур

ўрганилмаган. Шу боис, уларнинг шаробчилик учун истиқболлини тажрибалар асосида чуқур ўрганиш ҳам назарий, ҳам халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бирламчи манба танлаш бўйича изланишларда узумнинг техник нав-намуналари коллекциясининг Шарқий гуруҳга мансуб 20 та, Қора денгиз гуруҳидан 10 та ва Ғарбий Европа гуруҳидан 20 та нав-намуналар ўрганилди. Нав-намуналар ғужумининг биокимёвий хусусиятлари А.Г.Амирджанов ва бошқалар (1986), М.А.Лазаревский (1946) каби олимлар тавсия этган услубларда, уларнинг шаробчилик учун истиқболли эса Г.Г. Валуико (1985), Ж.Рибера-Гайон ва бошқалар (1981) тавсияси бўйича баҳоланди. Тажриба натижаларини математик-статистик таҳлил қилишда М.Ехсел дастури ва Б.А. Доспехов услубидан фойдаланилди.

Маълумки, шаробнинг сифати ва шаробчилик саноатининг самарадорлиги хомашё – узум ғужумининг механик таркиби ва биокимёвий хусусиятларига бевосита боғлиқдир. Қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, шароб олиш учун келтирилган узум хомашёсининг


биокимёвий хусусиятларини пухта билиш шароб тайёрлашдаги кейинги технологик жараёнлар самарадорлигини белгилайди. Негаки, шаробнинг сифати узум ғужуми таркибидаги қанд, органик кислоталар, фенол ва бўёвчи моддалар ва бошқа қатор органик бирикмаларнинг барқарорлигига боғлиқдир. Бизнинг тажрибаларимизда ғужум таркибидаги қанд ва умумий кислоталилик миқдори нав-намуналар бўйича ҳар хил чегарада ўзгариб турди.

Кўриниб турибдики, қанд ва кислоталилик миқдорининг вариацияси барча гуруҳлар деярли бир хил чегарада бўлди. Фақат Қора денгиз гуруҳига мансуб навларда кислоталилик бир оз юқорироқ эканлиги қайд этилди.

Кузатувларимиз шуни кўрсатдики, қанднинг юқори кондисиеси (24–26%) билан куйидаги навлар алоҳида ажралиб турди: Шарқий гуруҳдан: “Вишневый ВИРа”, “Мускат Денауский”, “Мускат Сусанна”, “Мускат белый”, “Мускат десертный” ва “Сурхак Хрозмани”; Қора денгиз гуруҳидан: “Гимринский”, “Джананура”, “Широко Мельнишка” ва Ғарбий Европа гуруҳидан: “Вердея”, “Донзелино” ва “Дюрбе де Марсель”.

Кўриниб турибдики, бу кондисиелар ушбу навлардан десерт шароблар тайёрлашда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Маълумки, деярли барча узум навларидан шароб тайёрлаш мумкин. Фақат бунда кислоталиликнинг бирмунча юқори, шу билан бир қаторда, унинг барқарорлиги шаробчиликнинг муҳим технологик мезони ҳисобланади. Ўрганилган коллекцион навларда август охири-сентябрь ўрталарига келиб узум ғужумларида 18–23 фоизгача қанд мод-




1-расм. Узумнинг Шарқий (юқорида) ва Ғарбий Европа (пастда) гуруҳга мансуб техник нав-намуналари ғужумининг қанддорлиги ва кислоталилиги

даси тўпланди. Бу даврда ғужумларнинг умумий кислоталилиги бирмунча баландроқ ва барқарор бўлади (7–12%). Кўриниб турибдики, бу даврда ўрганилган навларнинг аксарият қисмидан хўраки шароблар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистонда вақт ўтган сари кузга бориб кундузги ва кечкурунги ҳароратнинг кескин фарқланиши кучайиши билан ғужумларда қанд моддаси кўпайиб, кислоталилик пасайиб бориши кузатилади. Қанд моддаси 24–25 фоиздан ошган навлардан десерт шароб тайёрлаш тавсия этилади. Таҷрибаларимиз шуни кўрсатдики, ғужумлари техник етилган даврда кислоталилигининг энг юқори бўлиши билан Шарқий гуруҳга мансуб навлардан «Хиндогни», «Бассар», «Кульжинка черная», «Лкени черный», «Краснянский» навлари алоҳида ажралиб турди. Ғарбий Европа гуруҳига мансуб навлардан эса кислоталилигининг энг юқори қиймати «Голд рслинг», «Косоротовский», «Мускат юрский», «Мускат черный ранний» ва бошқа бир қанча навларда қайд этилди (1-расм).

Таъкидлаш жоизки, юқори миқдордаги қанд билан бирга, уйғун ҳолатдаги кислоталилик энг сифатли шаробматериал олишни таъминлайди. Бизнинг таҷрибамиздаги Қора денгиз гуруҳидан қуйидаги навларда бундай сифатлар қайд этилди: «Ркацители», «Сапери», «Алый терский», «Буера, Джананура»,



2-расм. Умумини Қора денгиз гуруҳига мансуб техник нав-намуналари ғужумини қанддорлиги ва кислоталилиги

«Мустаоса», «Мускат венгерский», «Тита карталинская», «Тавкери» (2-расм).

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Ғарбий гуруҳга мансуб деярли барча навларда кислоталилигининг юқори бўлиши қайд этилди. Айрим навларда (Буера, Джананура) кислоталилик ғужумлар техник етилганда, ҳатто, 8 мг/л. дан ҳам ошиб кетди. Кўриниб турибдики, ушбу навлардан энг сифатли шароблар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Узумнинг ўрганилган барча коллекцион техник навларини ғужумининг биокимёвий таркиби бўйича хўраки нав шароблар тайёрлаш учун яроқли, деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ, юқори сифатли десерт шароблар тайёрлаш учун таркибидидаги қанд ва умумий кис-

лоталилиги юқори бўлган қуйидаги навлар тавсия этилади:

Оқ шароблар учун: «Баян ширей», «Ркацители», «Буера», «Тита карталинская», «Вердельо», «Гольд рслинг», «Дюрбе де марсель», «Косоротовский», «Мускат юрский», «Морастель»;

Қизил шароблар учун: «Хиндогни», «Бассар», «Лкени черный», «Краснянский», «Сапери», «Алый терский», «Джананура», «Мустаоса», «Мускат венгерский», «Тавкери», «Мускат Гамбургский», «Мускат черный ранний».

Улуғбек МАМАТОВ,
кичик илмий ходим,

М. Мирзаев номидаги БУВИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги «Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. – Тошкент, 2018.
2. Амирджанов А.Г., Сулейманов Д.С. Оценка продуктивности сортов винограда и виноградников (Методические указания). – Баку, 1986. – 56 с.
3. Валушко Г.Г. (под ред.). Сборник технологических инструкций, правил и нормативных материалов по винодельческой промышленности. – Москва: Агропромиздат, 1985. – С. 12–48.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва: Колос, 1985. – С. 131–140.
5. Лазаревский М.А. Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда // Ампелография. Т. 1. – Москва: Пищепромиздат, 1946. – С. 347–400.
6. Рибера-Гайон Ж., Пейно Э., Рибера-Гайон П. И др. Теория и практика виноделия. – Москва: Легкая промышленность, 1981. – С. 7–42.

УЎТ: 638.8

ТАДҚИҚОТ

ТОҚ ТУПИ КУРТАК ЮКЛАМАСИНИНГ “ОҚ ҲУСАЙНИ” УЗУМ НАВИ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА КИМЁВИЙ ТАРКИБИГА ТАЪСИРИ

In the article, it was investigated that the yield and chemical composition of the grape white xusayn grape variety. As a result of studies, the yield of grape seedlings at the rate of 160-200 buds was high when processed with grape bushings, and the high sugar content of 80-120 (control) buds depends on the methods of formation.

Хўраки узум навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири унинг навиға боғлиқдир. Ҳосил сифати ва узум бошининг кимёвий таркиби хом навларнинг биологик хусусияти ва етиштириш технологиясига боғлиқ.

Тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университети «Мевачилик ва узумчилик» кафедраси ва Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган «Карима мурувват Агро» фермер хўжалигида олиб борилди. Таҷрибада ўрганилган хўраки навлар 9 ёшли тоқ тулларида амалга оширилди. Узум шарбати таркибидидаги қандлилик ареометр ёрдамида, кислоталик миқдори эса натрий сульфатни титрлаш орқали аниқланди. Ўтказилган таҷрибаларни кузатиш учун, қандлилик ва кислоталик миқдорини ўлчаш умумқабул қилинган усулларда олиб борилиб, олинган маълумотларнинг статистик

таҳлили Н.И.Рябова ва И.Л.Витковскийлар услуби ёрдамида амалга оширилди.

“Оқ хусайни” навининг ток туп куртак юкламаси 80–120 та (назорат), 120–160 та, 160–200 та, 200–240 та ва 240–280 та куртак таъсирида ҳосилдорлиги ва куртак юкламаларнинг узумнинг кимёвий таркибига таъсири ўрганилди. Олиб борилган тажрибалар натижасида куртак юкламасининг ҳосилдорлик ва кимёвий таркибига таъсири аниқланди (1-жадвал).

Узумнинг “Оқ хусайни» навиға 80–120 та (назорат) куртаклар билан ишлов берилганда, бир тупдаги ҳосил 14,9 кг., бир гектардаги ҳосилдорлик 159,9 ц/га, қандлилиги 19,2% ва кислоталилиги 4,2 г/л. ташкил этиши қайд этилди. 120–160 та куртак юкламасида ишлов берилганда бир тупдаги ҳосил назорат вариантдан 1,4 кг. га кўп, бир гектардаги ҳосилдорлик 15,6 ц/га юқори, қандлилиги 0,3% кам ва кислоталилиги 0,1% кўп чиқиши аниқланди. 160–200 та ток тупида куртак қолдирилганда битта тупдаги ҳосил 1,5 кг, бир гектардаги ҳосилдорлик 16,7 ц/га юқори, қандлилиги 0,5% ва кислоталилиги 0,2 г/л кўп чиқиши кузатилди. 200–240 та ток тупиға куртаклар билан ишлов берилганида, битта ток тупидаги ҳосил 0,3 кг, бир гектардаги ҳосилдорлик 3,4 ц/га кўп, қандлилиги 0,7% кам ва кислоталилиги 0,2 г/л кўп чиқиши аниқланди. 240–280 та ток тупиға куртаклари билан ишлов берилганда битта тупдаги ҳосилдорлик 0,2 кг, бир гектардаги ҳосилдорлик 3,3 ц/га юқори, қандлилиги 1,1% кам ва кислоталилиги 0,3 г/л кўп чиқиши аниқланди.

Юқоридагиларга асосланиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ток туп куртак юкламасини 80–120 та (назорат) куртак ишлов берилганда ҳосилдорлик энг кам кўрсаткичга эға бўлган бўлса, қандлилиги

1-жадвал

Узумнинг хўраки “Оқ хусайни” навининг ҳосилдорлиги ва кимёвий таркиби

Вариантлар	Тупдаги ҳосил, кг	Ҳосилдорлик, ц/га	Қандлилиги, %	Кислота-лилиги, г/л
80-120 та куртак (наз.)	14,4	159,9	19,2	4,2
120-160 та куртак	15,8	175,5	18,9	4,3
160-200 та куртак	15,9	176,6	18,7	4,4
200-240 та куртак	14,7	163,3	18,5	4,4
240-280 та куртак	14,6	162,2	18,1	4,5

энг юқори ва кислоталилиги эса энг паст кўрсаткичга эға бўлиши аниқланди;

- узумнинг “Оқ хусайни” навида назорат вариантга нисбатан энг юқори ҳосилдорлик 160–200 та ток тупи куртак юкламасида ишлов берилганда назорат вариантга нисбатан битта тупдаги ҳосил 1,5 кг, бир гектардаги ҳосилдорлик 16,7 ц/га юқори ҳосил олиш имконини берди.

Пулатжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
таянч докторант, (ТошДАУ).

АДАБИЁТЛАР

1. Темуров Ш. Узумчилик. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2002. – Б. 53–56.
2. Рябова Н.И., Винтовский В.Л. Изучения сортов винограда (Методические указания). – Л., 1988. – С. 28–30.
3. Гаврилов Г.П. Урожай и качество винограда столовых сортов в зависимости от способа ведения и типа формирования. Материал научно-практической конференции «Садоводство и виноградарство XXI века». – Краснодар, 1999, с.18–21.

УЎТ: 633.494+631.51

ТАДҚИҚОТ

ТОПИНАМБУР НАВЛАРИНИ ТУРЛИ МАҚСАДЛАР УЧУН ЎСТИРИШ

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва ривожлантириш, ерлардан унумли фойдаланиш, рентабелли экин ва уларнинг навларини жойлаштириш, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез таомлар билан таъминлаш, озиқ-овқат биоҳавфсизлигини таъминлаган ҳолда арзон ва юқори сифатли ҳосил етиштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинларидан мақсадли агротехнологиялар олишда ҳосилни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиға етказиш тизимини узлуксиз таъминлаш давр талабидир.

Кейинги йилларда топинамбурнинг янги экин навлари яратилиб, турли мақсадларда ўстириш технологиялари ишлаб чиқилмоқда.

Биз 2017-2019 йиллар даврида Самарқанд вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида Самарқанд ветеринария медицинаси институти (собик Самарқанд қишлоқ хўжалик институти) ўқув тажриба хўжалигида топинамбурнинг “Мўъжиза”, “Эътироф” навларини озиқ-овқат учун, қайта ишлаш учун бир йиллик, чорвачилик, целлюлоза-қоғозкартон саноати учун кўп йиллик экин си-

фатида ўстириш асосида юқори сифатли ва мўл ҳосил етиштиришни таъминловчи навлар агротехнологияларини ишлаб чиқиш ўрганиб келинмоқда.

Тажрибада бир йиллик экин сифатида “Мўъжиза”, “Эътироф” навларини турли муддатларда (экиш 5–7 март, 10–12 ноябрь) тугунак учун ҳосилни йиғиштириш октябрь ойининг учинчи ўн кунлиги, туп қалинлиги 31,7 минг/га экиш 90х35 м, сенаж учун тугунак ва кўк массасини биргаликда йиғиштириш октябрь ойи учинчи ўн кунлиги, экиш схемаси 60х30 м, туп қалинлиги 55,5 минг/га, кўп йиллик экин сифатида эса

ҳам ушбу навлар кузда экиб биринчи йилги далада 31,7 минг туп/га бўлиб, иккинчи йилги далада 55,5 минг туп/га ва ёзда поя ўрнини ўтказилиш (июнь ойининг учинчи санасида) учинчи йилги далада эса эрта баҳорда кўп ўримли судан ўти экиш вариантларида ўрганилди.

Тадқиқотларда фенологик кузатиш, биометрик ўлчаш ва кузатувлар силосбоп ва тугунакли экинлар учун тавсия этилган Давлат синаш комиссиясининг услубларидан фойдаланилди. Тажрибада вегетация даври “Мўъжиза” навида бир йиллик экин сифатида баҳорги муддатда ўсув даври 172–185 кун, кузда экилганда 172–180 кун (кузда экилган тугунакларнинг баҳорда униб чиқишидан ҳисобланди), “Эътироф” навида 163–168 кун баҳорда экилганда, 164–166 кун кузда экилганда қайд этилди.

Тажрибада кўп йиллик экин сифатида экилганда “Мўъжиза” навида 184 кун, иккинчи йили фойдаланиш даласида поя ўрими 85-87 кунликда, иккинчи поя ўрими 105-110 кунда (ноябрь ойининг 5–7-санаси), учинчи йили кўк массанинг биринчи ўрими 60 кунликда, кейинги ўримлар 40–45 кунда, ўрим кўк масса етилиши билан ўтказилди.

Кўп йиллик экин сифатида ўстиришда асосан чорвачиликка озук учун етиштириш назарда тутилган, шу сабабли, иккинчи йилдан қишлаб, ёзда поя бўйи 160–180 см. да ўрим ўтказиб, кейин кузда қайта поя ўсиб 160–170 см бўлганда туганак билан қўшиб йиғиштирилиб, сенаж бостирилди.

Ўсимликларда поя баландлиги бир йиллик қилиб баҳорда экилганда “Мўъжиза” навида 235,6–248,9 см, поя сони 3–3,2 дона, ёншоҳ сони 30,1–34,6 дона, саватчалар сони 35,7–38,9 дона, гуллаш интенсивлиги 8–9 балл, кузда экилганда эса ўсимлик бўйи 242–253,8 см, поя сони 3,1–3,2 дона, ён шоҳ сони 33,4–35,8 дона, саватчалар сони 36,0–40,1 дона, гуллаш интенсивлиги 8–9 балл бўлган бўлса, “Эътироф” навида баҳорда экилганда ўсимлик бўйи 209,4–231,8 см, поя сони 2,3–2,5 дона, ёншоҳ сони 25,4–29,3 дона, саватчалар сони 25,9–28,4 дона, гуллаш интенсивлиги 8 балл, кузда экилганда ўсимлик бўйи 213,4–227,8 см, поя сони 2,3–2,4 дона, ёншоҳ сони 25,9–28,6 дона, саватчалар сони 26,7–29,4 дона, гуллаш интенсивлиги 8 балли ташкил этди. Бу ерда навлар кесимида фарқ сезиларли бўлди, чунки навлар биологик хусусиятларидан келиб чиқиб фарқланди.

Кўп йиллик экин сифатида ўстирилганда биринчи йилги ўсиб-ривожланиши бир йиллик экин сифатида ўстирилган вариант каби қонуниятлар кузатилди. Лекин иккинчи йилги ва учинчи йилги фойда-

ланишдаги вариантларда фарқ сезиларли бўлди. Чунки ўсимликларда иккинчи йили ёзда июнь ойининг учинчи ўн кунлигида поя ўрим ўтказилди. Ўсимликлар бўйи “Мўъжиза” навида 161,2 см, поя сони 3,2 поя, “Эътироф” навида 152,5 см, поя сони 2,1 дона бўлиб, иккинчи поя ўрим ноябрь ойида ўсимлик бўйи 140–160 см бўлганда амалга оширилди. Учинчи йилги фойдаланиш даласида кўп ўримли судан ўти экилиб, ўрим ўсимлик бўйи 100–115 см. да 4–5 мартаба ўрим ўтказилди.

Тажрибада бир йиллик экин сифатида дала алмашлаб экиш тизимида баҳорда экилганда туганак учун экилган вариантларда “Мўъжиза” навида кўк масса 69,1 т/га, туганак эса 40,2 т/га, “Эътироф” навида кўк масса 65,1 т/га, туганак эса 39,2 т/га, “Мўъжиза” навида кўк масса ва туганаклари ҳосили биргаликда йиғиштирилганда 111,8 т/га, “Эътироф” навида эса 94,9 т/га олинди, сенаж бостирилди. Кузда экилган вариантларда иккала навда ҳам кўрсаткичлар бироз кичик бўлди. Лекин навлар кесимида олинганда вариантларда гектарига 1,1 тоннадан 13 тоннагача, туганакларда эса 2,3 т/га дан 4,6 т/гача “Мўъжиза” навида “Эътироф” навида нисбатан юқори ҳосилдорлик қайд қилинди. Шундай бўлишига қарамасдан, туганаклари ўртача йириклиги 95–115 г, уяда ғуж жойлашиши, туганакларни фенотипик бирхилли-

ги, шакли, йириклиги, туганакда кўзчалари юза жойлашиши, товарбонлиги “Мўъжиза” навида нисбатан юқорилиги кузатилди.

Кўп йиллик экин сифатида навлар ўстирилганда, фойдаланишнинг биринчи йили “Мўъжиза” навида 77,5 т/га кўк масса, 33,5 т/га туганак, иккинчи йили фойдаланиш йилида 107,9 т/га кўк масса (икки ўрим ҳисобига), 7,8 т/га туганак (поя ёзда ўрилганлиги сабабли) ҳосили кам олинган.

Фойдаланишнинг учинчи йили туганак ҳосилининг камайиши, даланинг майда туганаклардан ҳоли бўлиши учун кўп ўримли судан экилиб, биринчи ўримда 56,7–60,2 т/га, иккинчи ўримда 50,2–52,1 т/га, учинчи ўримда 48,3–48,5 т/га, тўртинчи ўримда 47,6–49,0 т/га ва бешинчи ўримда 46,3–45,3 т/га кўк масса олинди.

Демак, озиқ-овқат саноати учун топинам-бурнинг “Мўъжиза”, “Эътироф” навларини бир йиллик экин сифатида эрта баҳорда, чорвачиликда тўйимли озук етиштириш учун бир неча йил фойдаланиш мақсадида, силосбоп сенаж бостириш учун кўп йиллик экин сифатида ўстириш, бунда, иккинчи йили ёзда пояни ўриш, учинчи йили фойдаланишда эса кўп ўримли судан ўти экиб фойдаланиш юқори самара бериши тавсия этилди.

**Элёр БЕРДИМУРАТОВ,
Абдугани ЭЛМУРОДОВ,
(СамВМИ).**

ЎЎТ: 631.58:577.4.

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР ВА ЭКОЛОГИК МУҲИТ

It is discussed on utilization of mineral fertilizers residue by intercropping system. It was shown a positive ecological effect under cultivation of crops for green manure.

Фан ва техниканинг ривожланиши ва уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти натижасида биосферага чиқарилаётган чиқинди моддалар миқдори кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу чиқиндиларнинг салбий таъсири экотизимнинг табиий ривожланиш қонуниятларини издан чиқармоқда. Бу ҳолат экотизимда яшаётган барча тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятига хавф солмоқда. Транспорт воситаларидан чиқаяётган турли аралашмалар газлар, минерал ўғитларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилмай қолган қисмининг сув ва ёғингарчиликлар орқали ичимлик ва сизот сувларига бориб қўшилиши, шунингдек, турли заҳарларнинг тупроқда узоқ йиллар парчаланмай сақланиши ва уларнинг озиқа занжири орқали тирик организмлар ҳаётига хавф солмоқда. Оролбўйи ҳудудидан шамол ва бошқа йўллар орқали республикамизнинг барча ҳудудларига кириб келаётган туз ва бошқа кимёвий бирикмаларнинг бераётган хавфи ҳам шак-шубҳасиз тирик организмларнинг, жумладан, иссиқ қонли организмлар ген тузилмасининг ўзгаришига сабаб бўлаётганлигини дунё ва республикамизнинг етакчи олимлари ўз илмий тадқиқотларида очиб баён этмоқдалар. Инсоният ва барча тирик организмлар олдига истеъмолдаги барча озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш технологиясини ривожлантириш, эко-

логик тоза агротехнологияларга асосланган ташкилий ва тадбирий жараёнларга таяниш муаммоларининг ечимини топишни мақсад қилиб қўймоқда.

Мавсум даврида экинларни юқори меъёрда минерал ўғитлар билан озиқлантириш экинларнинг ўсиб-ривожланишини тезлаштиради, бироқ бу берилган минерал ўғитларнинг 40–50 фоизга яқинини ўсимлик ўзлаштира олишини инобатга оладиган бўлсак, қолган қисмларнинг минераллашиб кетиши ёки ёғингарчиликлар таъсирида сизот сувларига ювилиб қўшилган, ичимлик сувларини ҳам ифлослайди. Ушбу ўғитларнинг қолдиқларидан фойдаланиш ҳам атроф-муҳитнинг санитар ҳолати яхшилланишига олиб келади. Санитар вазифасини бажарувчи экинлар жумласига қишқик экинлар мисол бўла олади. Бу экинлар асосий экинлар йиғиштириб олингандан сўнг бирданига экин ўрнига экилади. Ёғин-сочин даври бошлангунга қадар тупроқдаги қолдиқ ўғитлар ҳисобига озиқланиб, тупроқдаги нитратлар миқдорини камайтиради ва аёзли кунлар бошлангунга қадар бу экинлар туплаш фазасида қишлагга киради.

Оралиқ экинлар ўстирилган ва эрта баҳорда гектарига 60–90 т миқдоридаги яшил ўғитларни тупроққа ҳайдаб ташлаганда микроорганизмлар фаолияти ва яшил массаанинг чириши натижасида тупроқдаги мавжуд бўлган ДДТ қолдиқлари назорат вариантига нисбатан 0,08 фоизга камайган, гексахлоран эса умуман кузатилмаган.

Бундан ташқари, экотизимда оралиқ экин даласида физикавий, кимёвий, биологик ва бошқа табиий жараёнларнинг фаол-

лашуви учун аниқ имкониятлар яратилади. Оралиқ экинлар даласида жуда катта миқдорда ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши ва биомасса ҳосилини шакллантириш учун биотик ва ҳамда абиотик омиллардан фойдаланишга имкон яратади, бу тупроқда ўзига хос фауна ва флорани ҳам шакллантиради.

Оралиқ экинлардан ёзда ва кузда сидерат мақсадларида фойдаланилганда кузги бўғдой ва ғўза ўзлаштира олмаган ўғит қолдиқларини истеъмол қилиб, азотли ўғитларнинг нитрат шаклдаги қолдиқларининг атроф-муҳитга бераётган зарарини камайтиради (жадвал).

Жадвал маълумотларида ўрта Зарафшоннинг пахта етиштирилдиган ўтлоқ, типик ва оч тусли бўз тупроқларида ғўза учун берилган минерал ўғитларнинг ғўза ўзлаштира олмаган қолдиқ қисмининг сидератлар ёрдамида ўзлаштирилиш жараёни акс этган.

Бунда нитратлар миқдори ўтлоқ бўз тупроқларда сидерат экинлари экилган даврда 0–20 см қатламда 18,5 мг/кг. ни ташкил этган бўлса, вегетация бошида эса 12,2 мг/кг, 20–40 см қатламда мос равишда 14,9–10,6, 40–60 см қатламда эса 10,3–8,1 мг/кг. ни ташкил этди.

Шунингдек, тажрибаларда сидератларнинг тупроқ таркибидagi оғир металллар ва пестицидлар миқдорининг камайишидаги ижобий таъсири ҳам илмий таҳлилларда исботланди.

Тажрибалар ўтказилган типик ва оч тусли бўз тупроқларининг бар-

Зарафшон воҳаси тупроқларида ҳаракатчан шаклдаги NPK нинг сидератлар таъсирида ўзгариши, (мг/кг)

Хўжаликлар ва тупроқ типи	Тупроқ қатлами, см	N-NO ₃		P ₂ O ₅		K ₂ O	
		экиш олтидан	вегетация бошида	экиш олтидан	вегетация бошида	экиш олтидан	вегетация бошида
Ўтлоқ бўз тупроқ (Оқдарё тумани)							
“Барака” фермер хўжалиги	0-20	18,5	12,2	35,4	30,8	407	385
	20-40	14,9	10,6	25,2	21,3	384	37,1
	40-60	10,3	8,1	19,7	18,8	292	287
Типик бўз тупроқ (Паст Дарғом тумани)							
“Бобоқашқатепи” фермер хўжалиги	0-20	10,1	5,3	30,4	26,6	285	266
	20-40	6,3	3,0	17,5	14,2	251	239
	40-60	4,7	3,8	11,1	10,6	184	181
Оч тусли бўз тупроқ (Навоий вилояти Хатирчи тумани)							
“Мустақилликнинг 10 йиллиги” фермер хўжалиги	0-20	8,3	4,1	25,7	22,9	258	243
	20-40	5,5	2,7	20,2	17,3	229	219
	40-60	4,1	3,4	14,8	14,4	170	168

ча ҳайдов қатламларида ҳам ўхшаш маълумотлар олинди. Шунингдек, тажрибаларда ҳаракатчан шаклдаги фосфорли ва калийли ўғитлар қолдиқлари ҳам лаборатория шароитида таҳлил қилинди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, сидератлар экилган муддатидан мавсум бошлангунгача (15 март) ва ундан кейинги муддатларда тупроқдаги қолдиқ ўғитларни ўзлаштириб, уларнинг тупроқдаги ювилишини камайтиради ва атроф-муҳит тозалигида санитар вазифасини утайди.

Нурали ХАЛМАНОВ,
қ.х.ф.д., проф.,
М.ЭЛМУРАДОВА, Ғ.ХАЛМАНОВ,
мустақил изланувчилар
(СамДУ).

АДАБИЁТЛАР

1. Алиханов М.А. *Правильно выбрать предшествующую культуру* // Ж.: “Сельское хозяйство Узбекистана”. – Ташкент, 1981. – № 7. – С. 46–47.
2. Джавакянц Ж., Коррахаджаева Г. *Сидеральные культуры в садах – залог чистоты почвы и качества урожая* // Журнал “Агро илм” – Ташкент, 2009. – №4, с. 20–21.
3. Орипов Р.О., Холмонов Н.Т. *Промежуточные посевы рапса на орошаемых землях Узбекистана* // Ж.: “Земледелие”. – Москва, 1989. – № 11. – 57 с.
4. Орипов Р.О., Холмонов Н.Т., Шоназаров С. *Рапс в хлопково-люцерновом севообороте* // Проблемы интенсификации кормопроизводства поливного земледелия / Научные труды ТашСХИ. – Ташкент, 1991. – 21 с.
5. Холманов Н.Т., Ботиров Х.Ф. *Оралиқ экинлар (Монография)*. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2010. – 64 б.
6. Холмонов Н.Т. *Зарафшон водийси агробиоценозларининг экологик барқарорлигини таъминлашда сидерациянинг аҳамияти (Монография)*. – Самарқанд: СамДЧТИ нашриёти, 2017. – 132 б.

УЎТ: 633.51

ТАДҚИҚОТ


БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТУПРОҚҚА ТУРЛИ УСУЛДА ИШЛОВ БЕРИБ, ГЕРБИЦИДЛАР ҚўЛЛАШНИНГ ҒўЗА УНИБ ЧИҚИШИ ҲАМДА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

In the study, when plowing seeds of weeds and shrubs using two half-tillage tillage in autumn to a depth of 28-30 cm, as well as when planting seedlings in early spring, the annual stump against weeds is 33%. E. g. When applying the herbicide, the number of weeds decreased by 80.2-82.7%, the yield of cotton increased to 34.2 C / ha, and the additional yield of cotton was obtained up to 4.0 C / ha per control.

Бугунги кунда дунёнинг 84 та мамлакатадида 33 млн. гектар майдонда пахта етиштирилиб, бегона ўтлар билан зарарланиш натижасида етиштирилган ҳосилнинг 10–15% бой берилмоқда. Дунё бўйича 3000 дан ортиқ турдаги бегона ўтлар тарқалган бўлиб, шу-

лардан 200 дан ортиқ тури асосий қишлоқ хўжалик экин майдонларини зарарлайди. Уларга қарши агротехникавий ва кимёвий кураш тадбирларини уйғунлашган ҳолда олиб бориш натижасида улар муваффақиятли барта-раф этилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотларда тупроқ икки ярусли омоч ёрдамида шудгор қилиниб, чигит экиш билан бирга бегона ўтларга қарши 33 фоизли “Стомп” э.к. гербициди қўлланилганда, бегона ўтлар билан зарарланишнинг олди олиниши ҳисобига чигитларнинг униб чиқиши (92,6%) бошқа вариантларга нисбатан 1,1–4,8 донагача ёки 2,2–6,4 фоизгача, оддий омоч ёрдамида ишлов берилган вариантларга нисбатан эса 2,0–5,0 донагача ёки 4–10 фоизгача юқори бўлгани аниқланди (расм).



Расм. Шудгорлаш усуллари ва гербицидларнинг чигит униб чиқиши динамикасига таъсири, %

Ғўза парваришlashда бегона ўтларга қарши курашишда ерни оддий ва икки ярусли омов ёрдамида шудгор қилинган майдонларда чигитнинг униб чиқиши бўйича юқоридаги вариантлар орасида фарқ бўлиб, шу билан бирга униб чиққан ниҳоллар сони назорат вариантыга нисбатан бир оз кўпроқ бўлгани аниқланди. Бунда, ерга ишлов беришда тупроқ агрофизик хоссаларининг мақбуллиги ҳамда бегона ўтларга қарши курашнинг самарали услуби қўлланилганлиги сабабли бегона ўтларнинг камайиши билан изоҳлаш мумкин.

Олиб борилган тадқиқотларимизда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, икки ярусли омовда 28–30 см чуқурликда шудгорланиб, экиш билан бирга гербицидларни қўллашнинг самарадорлиги, оддий омов ёрдамида 28–30 см чуқурликда шудгорланиб, гербицидлар қўлланилган вариантларга нисбатан ҳам биринчи терим салмоғи 1,4–1,6 ц/га. гача юқори бўлиши ҳамда бегона ўтларнинг камайишига ижобий таъсир кўрсатганлиги аниқланди (жадвал).

Ерга кузда оддий омов ёрдамида 28–30 см чуқурликда ишлов бериб, эрта баҳорда чигитни ерга қадаш жараёнида бегона ўтларга қарши 33 фо-

изли “Стомп” э.к. гербицидини 2,0 л/га меъёрида қўлланилган 3-вариантда уч қайтариқлар бўйича ўртача 32,2 цент-

Бегона ўтларга қарши курашишда тупроққа ишлов бериш усуллари ҳамда гербицид қўллашнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири, ц/га

№	Вариантлар	Гербицид меъёри, л/га	Терим			Умумий ҳосил	Назоратга нисбатан фарқи, ц/га	
			1-	2-	3-			
1	Оддий омовда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш	Назорат (гербицидсиз)	-	16,1	6,8	5,4	28,3	±0
2		Дафосат	6	23,8	5,1	2,7	31,6	3,3
3		Стомп 33% э.к.	2	24,3	5,3	2,6	32,2	3,9
4	Икки ярусли омовда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш	Назорат (гербицидсиз)	-	17,1	7,9	5,2	30,2	±0
5		Дафосат	6	25,2	5,7	2,2	33,1	2,9
6		Стомп 33% э.к.	2	25,9	6,2	2,1	34,2	4,0
				HCP ₀₅ = ц/га			0,43	
				HCP ₀₅ = %			1,36	

нер ҳосил олинган бўлса, шу усулда ишлов бериб, гербицид сепилмаган назорат (1-вар.) вариантда 28,3 центнер пахта ҳосили олинган. Бу эса назорат вариантыга нисбатан биз ўрганган 3-вариантда 3,9 центнергача қўшимча пахта ҳосили олингани кузатилди.

Кузда ерни икки ярусли омов ёрдамида бегона ўтлар уруғ ва пояларини шудгорлаш билан бирга 28–30 см чуқурликка қўмилган, эрта баҳорда чигит экиш билан бирга бегона ўтларга

қарши 33 фоизли “Стомп” э.к. гербициди қўлланилган 6-вариантда энг юқори (34,2 ц/га) пахта ҳосилдорлиги кузатилди. Чигит экиш билан бирга бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат (4-вар.) вариантда пахта ҳосили 30,2 ц/га. ни ташкил этиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилган вариантга нисбатан пахта ҳосили 4,0 центнергача кам бўлиши аниқланди.

Тадқиқотимизда оддий омов ёрдамида ишлов бериш усулига нисбатан икки ярусли омов ёрдамида ишлов бериш усулини қўллаш натижасида 1,9–2,0 центнергача қўшимча пахта ҳосили олингани кузатилди.

Олиб борилган изланишлар натижаларига кўра, ғўза парваришlashда кузда ерларни икки ярусли омов ёрдамида ишлов бериб, эрта баҳорда чи-

гит экиш билан бирга бегона ўтларга қарши гербицид қўллаш натижасида юқори ҳосилдорлик билан бирга бегона ўтларнинг кескин камайишига олиб келиши яна бир бор исботланди.

Сайдулло БАХРОМОВ,
қ.х.ф.н., доцент,
(ТошДАУ Андижон филиали),
Обиджон МАХМУДОВ,
қ.х.ф.д., профессор,
(ПСУЕАИТИ Андижон ИТС),
Шерзод ТЕШАБАЕВ,
мустақил тадқиқотчи,
(ПСУЕАИТИ).

АДАБИЁТЛАР

1. Шодманов М., Раҳмонқулов Ш. Гербицидларни кетма-кет қўллашнинг бегона ўтларга таъсири // Ж.: “Агро илм”. (“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали илмий иловаси) – Тошкент, 2013. – №3(27). – Б. 46–47.
2. Хасанова Ф., Мавлянов Д., Маруфханов Х., Жанибеков Д. Кузги бўшаган майдонларда бегона ўтларга қарши гербицид қўллашнинг самарадорлиги // Ж.: “Агро илм”. (“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали илмий иловаси) – Т., 2017. – №2(46). – Б. 80–81.
3. Хасанова Ф.М., Саломов Ш.Т. “Қишлоқ хўжалигида янги тежамкор агротехнологияларни жорий этиш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. – Т., 2011. – Б. 258–259.

Кооперацияни ва агросаноатдаги интеграцияни ривожлантирмай туриб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ишлаб чиқариш ва иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ўрналиқда молиявий ҳамда моддий-техник ресурсларни концентрациялаш имкони берадими.

Қишлоқ хўжалик ва уларга агротехник хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иш фаолиятидаги барча жараёнларни тўлаллигича қамраб олувчи тузилмалардан иборат агрокооперацион жамиятларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бундай концентрациялашув муайян майдонлардаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи машина-трактор парклар (МТП), сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СИУ), кимёсервис ва бошқа хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг профиллари бўйича хизмат кўрсата олиш имкони ва қувватидан келиб чиқилади. Этишмайдиган куч ёки ортиқча куч ҳам бўлиши керак эмас. Этишмайдиган кучларни тўлдирish – ортиқча кучларнинг эса бефойда, самарасиз туриб қолишига йўл қўйилмайди. Бунинг учун унга янги иш ҳажмлари топиш ёки бошқа жамиятларга ва томорқа хўжаликларига меҳнат қувватларини тақлиф этиши мумкин. Натижада ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланишга эришилади.

“Айни даврда кўплаб ривожланган капиталистик мамлакатларда қишлоқ хўжалик кооперативлари фермерларнинг катта оммавий иқтисодий ташкилотларига айланган. Швеция, Дания, Норвегия, Финландия ва Японияда қишлоқ аҳолисининг қарийб 100 фоизи кооператив ҳаракатларга қамраб олинган. Франция ва Германияда 80 фоиздан кам бўлмаган қишлоқ хўжалик корхоналари кооперативларга бирлашган”.

Қишлоқ хўжалик кооперацияси ишлаб чиқариш суръатларини оширишда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш салоҳиятига эга. У қишлоқ ва қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалаларни ҳал этиш имконини беради. Чунончи:

- қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ аҳолиси ўртасидаги ишсизлик даражасини камайтириш;

- моддий-техник таъминотдаги муаммоларга кооперация йўли билан ечим топиш.

Техник таъминот қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омили саналади. Бу катта ҳажмли капитал, кенг миқёсли жорий харажатларни ва қишлоқ хўжалигида механизация ишларини амалга ошириш учун зарур бўладиган техникалардан иборат база бўлиши керак. Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги пировард натижа техник таъминот тизими тузилмасининг қай даражада ташкил этилганлиги ва уларнинг фаолият шакллари ҳамда усулларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ақсарият қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзини-ўзи таъминлай оладиган даражадаги техника ва техник воситаларга эга эмас. Тумандаги МТПлар, кимёсервис,

АГРОКООПЕРАЦИЯ – МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Agricultural cooperation is the main factor in the sustainable development of agriculture. Even in developed countries, a special place is also given in organizing cooperative societies in agricultural production. As a result, it enables deep processing of agricultural products, the combined concentration of the financial and material and technical resources.

СИУ ва бошқа сервис хизмати кўрсатиш корхоналари фермер хўжаликларининг мавжуд техника ва техник воситалари ҳамда моддий ресурсларини қўшиб ҳисоблаган ҳолда, худуд қишлоқ хўжалиги учун зарур бўладиган меъёрий миқдорнинг катта қисмини қопламайди. Агар бирор фермер хўжалиги ўз экин майдонида барча меъёрий талаблардаги ишловларни амалга ошириб, юқори ҳосилдорликка эришган бўлса ҳам, унинг агротехник тадбирлар учун сарф этган харажати деярли фойдани олиб кетади. Чунки техник хизмат асл ҳолатга нисбатан қиммат.

“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативлари – бу ўз аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган хўжалик юртишнинг ижтимоий ва меҳнат шакли бўлиб ҳисобланади. Бу ерда аҳолининг катта қисми ишга жойлаштирилади. Кооперативлар қишлоқларда ўз аъзолари, етакчи шахсий ёрдамчи хўжаликларини чорва озукаси, транспорт, ёнлиги-мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар билан таъминлаб беради”.

Техника ва бошқа моддий ресурсларнинг етишмаслиги боис, агротехник ишлов бериш муддатларига риоя қилинмайди. Кўп ҳолларда агротехнологияларнинг содда ва арзон вариантларидан фойдаланилади. Имкониятнинг йўқлиги боис кўп тадбирлар агротехника таркибидан чиқариб юборилади. Ўсимлик ҳам биологик мавжудот сифатида ўзи учун зарур бўладиган барча вегетатив амалларга эҳтиёж сезади ва талаб қилади.

Моддий-техник таъминот қишлоқ хўжалигини ривожлантириш драйверидир. Соҳада моддий-техник таъминотнинг қониқарли эмаслиги ривожланишдаги жиддий тўсиқдир. Илғор техника ва технологияларнинг етишмаслиги экинларга замонавий агротехнологик ишловларни амалга ошириш имконини берадими.

Қишлоқ хўжалик техникалари таъминоти ҳолатини билиш учун агротехник ишлов беришда зарур бўладиган техникаларнинг агротехник ишлов беришга мос келадиган даражаси аниқланиши ва бу билан талаб қай даражада таъминланганлиги ўрганилиши керак.

Республикада фойдаланилаётган қишлоқ хўжалик техникалари зарурий талабларга жавоб берадими. Уларнинг кўпчилиги эскирган ёхуд хизмат муддатини ўтаб бўлган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳозирги талаб-

лар асосида ишлов бериш қобилиятига эга деб бўлмайди. Шунинг учун замонавий юқори самарали техникалар билан бутлаш зарур.

Кооперацион характердаги ҳамкорлик меҳнат тақсимотида асосланган ишларни ташкил этиш шаклини ўзида мужассам этади. Зарур бўладиган барча хизмат турларини амалга оширадиган тузилмаларни битта майдонда жамлаб, барча агротехник тадбирлар ва технологик жараёнларни ўз вақтида ва сифатли бажариш қувватига эга бўлиши зарур. Бу технологик занжирнинг қайсидир бир қисмидаги нуқсон бутун жамият фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, жамият таркибидаги барча тузилмалар ривожланиш мароми ҳеч бир иштирокчининг қоқлигига йўл қўймайди. Улар ўз фаолиятлари доирасидаги яширин имконият, резерв ва бошқа ишлаб чиқариш кучларини юзага олиб чиқади. Бу билан янги иш турлари ва иш ўринлари пайдо бўлади.

Кооперацион жамиятнинг қувватини ошириш учун ҳамкорликда техникалар харид қилиш имконияти доим мавжуд бўлади. Бу йўл билан фермер хўжаликлари катта-кичиклигининг аҳамияти қолмайди. Улар кичик хўжаликлар сифатида ўз эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини сақлаган ҳолда, йирик ҳамда қудратли фермер хўжаликлари даражасидаги имкониятларга эга бўлади. Агар кооперацион жамият ичида бирор қайта ишлаш цехи ёки бошқа корхона ташкил этиш зарурати юзага келса, бундай доирада уни ташкил этиш катта қийинчилик туғдирмайди. Бундай имкониятлар доирасида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатиш корхоналари фақат ривожланиш йўлидан боради.

Кооперацион жамият техника ва бошқа моддий-техник воситалардан унумли фойдаланишдан манфаатдор бўлади. Чунки юқори унумли, қувватли янги техникдан фойдаланишда тез ва соз ҳамда юқори унум, кам харажат билан маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлади. Жисман ва маънан эскирган техникалардан фойдаланиш рентабеллиги паст, ҳатто, улардан фойдаланиш иқтисодий зарар ҳам келтиради. Хўжалик ва корхоналарнинг алоҳида фаолият юритишида техникалардан фойдаланиш коэффициентини табиий равишда 15-20 фоизга кам бўлади.

МТПлар ҳамда бошқа техник ва таъминот билан шуғулланувчи корхоналар ўртасида қатъий узвийликни талаб даражасида, деб бўлмайди. Ҳамкор корхоналар ўз ишини тугатиши билан мажбуриятим тугади деб билади. Ҳатто зиммасидаги вази фасини ўз вақтида ёки тўлақонли бажармаса ҳам деярли жавобгар бўлмайди. Шу сабабдан ҳам улар битта жамият доирасида бирлашиб, ягона пировард натижага боғланиши уларнинг мақсад ва манфаатларини ҳам уйғунлаштиради.

Кооперацион жамиятлар фаолиятида:

- маҳсулотлар таннархини пасайтириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- маҳсулот сифатини ошириш;
- ишлаб чиқаришга инновацион ёндашув;
- фойда миқдорини ошириш;
- меҳнат шароитини яратиб бериш;
- ходимларни рағбатлантириш;
- ходимлар малакасини ошириш;
- ходимлар тажрибасини ошириш;
- меҳнат интизомини кучайтириш;
- жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин бўлади.

Бунга сабаб:

- кооперацион жамиятларда ҳамкор корхоналар ўзаро бирлашади;

- бирлашма ичида муносиб алоқа тизими вужудга келади;

- мақсадлар умумийлашади;
- ҳар бир корхонага бириктирилган вази фаларнинг ўз вақтида бажарилиши таъминланади;

- кадр ва мутахассислар жамланади.

Кооперацион жамиятлар билан ҳудуддаги корхоналар концентрацияси шаклланади, яратувчанлик кучларининг бирлашуви натижасида улкан қудратли имконият мужассамланади. Корхоналар ўзаро боғлиқлик асосида ривожланади.

Кооперацион жамият таркибидаги корхоналарнинг натижалари, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва ҳоказолар уларнинг яққа ҳолда фаолият юритган давридаги нисбатан юқорироқ бўлади. Масалан, хўжалик ёки корхонанинг қайсидир бир техникаси бўш турган бўлса, уни манфаатдорлик асосида бошқа хўжалиқда фойдаланиш учун вақтинча ижарага бериши мумкин. Ёки фойдаланилмаётган ресурсларни жамият ичидаги муҳтож хўжалиқларга вақтинчалик қарзга бериши мумкин. Бу билан ҳамкор корхоналарнинг ҳолати чиқади ва ҳожатбарор

ташкilot ҳам бундан наф кўради. Яъни, бўш турган техника ва ресурслардан самарали фойдаланиш имкони вужудга келади. Бундай камчиликларнинг ўрнини тўлдириш, ўзаро ресурсларни бирлаштириш ва алмашиш – ҳамкорликдаги фаолиятга хос хусусият бўлиб, буни ундан кутиладиган ўзаро манфаатдорлик деб изоҳлаш мумкин.

Жамият туфайли фермер, қишлоқ хўжалик субъектлари, тадбиркорларнинг кучларини бирлаштириш, инвестиция ва инновациялардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини интеллектуаллаштириш ва шулар орқали ютуқларга эришиш кўзланади.

Агросаноатни комплекс ривожлантириш, кооперацион жамиятларни ташкил этиш бу тадрижий равишда агротехнологик тадбирларни малакали ва сифатли бажариш, агрокластерларни ташкил этиш, агрологистикани тўғри йўлга қўйиш ҳамда қайта ишлаш саноатини қишлоққа олиб кириш, агротизимда диверсификациялаш фаолиятини йўлга қўйиш деганидир.

Абдулла МАДАЛИЕВ,
и.ф.ф.д., (ТошДАУ).

АДАБИЁТЛАР

1. Чупина И.П. Мировой опыт развития сельскохозяйственной кооперации // *Евразийский международный научно-аналитический журнал "Проблемы современной экономики"*. – Москва, 2007. – №1.
2. Минаков, И.А. Пути развития сельских территорий (текст)/И.А.Минаков// *Достижения науки и техники АПК*. – Москва, 2008. – № 2. – 23 с.

УЎТ: 633.511:621.98:631.559

ТАДҚИҚОТ

ТУРЛИ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЧИЛПИШНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Conducting plant topping in time and achieving optimal plant densities of new, perspective and released cotton varieties are very important. Impact of plant topping in different plant densities on seed-lint yield of cotton were presented in article


Маълумки, пахта тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқларини хомашё билан таъминлайдиган техник экинлар сирасига киради. Текстиль маҳсулотларини экспортбop қилиб чиқариш учун ўзимизда етиштирилаётган ғўза парваришига, айниқса тола сифати ва ҳосилдорликни оширишга жиддий эътибор бериш зарур. Бунинг учун бугунги кунда экилиб келинаётган ғўза навларидан тола сифат кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги юқори бўлган, тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, ҳосилни механизмда териб олишга мос бўлган навларни танлаб олиш ва уларни кенгайтириш зарур.

Мамлакатимиз иқтисодий ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда пахтачиликнинг аҳамияти катта бўлиб, ғўзани парваришда ресурстежамкор технологияларини қўллаш, ерсув ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда уларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган арзон ва юқори сифатли ҳосил олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли илғор илм-фан ва техника ютуқларидан кен фойдаланиб, пахта ер-майдонларининг ҳар бир гектаридан

олинадиган ҳосилнинг миқдорини ошириш орқали ялпи даромад миқдорини ҳам оширишга катта аҳамият бериш лозим.

Кейинги йилларда дунёда пахта чигитидан олинаётган ёғ ва бошқа кўпгина маҳсулотларига талаб ортмоқда. Шу боис, пахтачиликни ривожлантиришга ҳар томонлама эътибор берилиб, соҳани буткул модернизация қилишга киришилди. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда асосий майдонларга селекционер олимларимиз томонидан яратилган, толаси жаҳон бозорида хариддоргир, тезпишар, турли касаллик ҳамда табиатнинг ноқулай экстремал шароитларига бардошли, серҳосил ғўза навлари жойлаштирилмоқда. Лекин, ушбу экилиб келинаётган ғўза навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган агротехникасини ишлаб чиқиш тўлалигича ўз ечимини топаётгани йўқ.

Бунинг учун муҳим агротехнологик тадбирлардан ғўзани мақбул суғориш тартиби, чилпиш муддатлари, кўчат қалинлигини ишлаб чиқиш долзарб ва муҳим вази фа хисобланади. Янги, районлаштирилган ва истиқболли ғўза навларининг мақбул чилпиш муддатлари, кўчат қалинлиги навларининг генетик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткичларни мақбул меъёрларига амал қилмаслик юқори ва сифатли ҳосил берадиган ғўза навлари ҳосилига салбий таъсир кўрсатиши кўпчилик илмий изланишларда аниқланган. Шу боис, ишлаб чиқаришга тавсия этилган ҳар қандай янги,



1-расм. Ўрта тонали ғўза навларида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг пахта ҳосилига таъсири, (2018 й)

истиқболли ва районлаштирилган ғўза навларини парвариш-лаш агротадбирлари тизимининг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда катта майдонларда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларининг Тошкент, Андижон, Сурхондарё, Хоразм ва Бухоро вилоятларида истиқболли ва янги районлашган ғўза навлари экилиб, 80-90; 100-110 ва 120-130 минг туп/га кўчат қалинлигида турли ҳосил шохларида чилпиш ўтказилди. Июнь, июль, август ойларида фенологик кузатувлар олиб борилиб, улранинг ўсиб-ривожланиши, барг сатҳи, қуруқ массаси, ҳосил элементлар тўқилиши аниқланди. Терим олдида битта кўсақдаги пахта вази аниқланиб, ҳар бир вариант бўйича терим ҳосили ҳисоб-китоб қилинди.

Илмий тадқиқотлар ЎзПТИ да қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмаси асосида олиб борилиб, олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинди.

Кўчат қалинлиги ғўзанинг ўсиши ва ривожланиш шароитига, бинобарин ҳосилдорликка ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Маълумки, кўчат сийрак бўлса айрим ғўза туллари бақувват бўлиб ривожланади ва уларнинг ҳар биридан кўплаб ҳосил тўпланади, лекин гектаридан олинган умумий ҳосил кам бўлади. Аксинча, кўчат қалин бўлса ғўзанинг ўсиб ривожланиши маълум даражада сусаяди ва бу ҳосилдорликка бироз салбий таъсир этади, лекин гектаридан олинган ялпи ҳосил миқдори ошади. Бироқ кўчат ҳаддан ташқари қалин бўлса, ҳосилдолик кескин камайиб кетади. Бу ҳолатлар бизнинг тадқиқотларда ҳам кузатилди.

Бир йиллик олинган тадқиқот натижаларига кўра, Тошкент вилоятида олиб борилган тадқиқотлардан хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, С-6524 ва С-6560 ғўза навларида 80-90 минг туп/га кўчат қалинлигида парваришланганда, сентябрь ҳолатида жами етилган кўсақлар сони мос равишда

10,4-9,8 донани, очилгани 2,0-2,01 донани, ярим очилгани 0,2-0,25 донани ташкил этган бўлса, ЎзПТИ-202 ғўза навида бу кўрсаткич 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда кузатилиб, етилган кўсақлар сони 10,0 донани, очилганлари 2,2 донани, ярим очилгани 0,2 донани ташкил этди. С-6524, С-6560 ғўза навларида 80-90 минг туп/га қолдирилган фонда энг юқори ҳосилдорлик 14-15 ҳосил шохида чилпилмаганда олиниб, мос равишда 47,4-45,3 ц/га ни, чилпилмаган вариантга нисбатан эса 3,6-3,5 ц/га кўшимча ҳосил олинган бўлса, кўчат 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда 43,1-45,4 ц/га ҳосил олинди ва назоратга нисбатан 2,6-5,8 ц/га ошганлиги маълум бўлди.

Кўчат 120-130 минг туп/га қолдирилганда чилпиш 10-11 ҳосил шохида ўтказилган вариантдан 41,2-41,8 ц/га ҳосил олинганлиги ва бу назоратдан 3,1-3,1 ц/га кўп бўлиши аниқланди (1-расм).

ЎзПТИ-202 навида 80-90 минг туп/га қолдирилиб парваришланган фонда энг юқори ҳосилдорлик 14-15 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантдан олинган бўлса, кўчат 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда эса 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантдан олинди ва мос равишда 43,7-43,7 ц/га тенг бўлиб, чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан 3,5-2,8 ц/га ошганлиги маълум бўлди. Кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган вариантда чилпиш 10-11 ҳосил шохида ўтказилган вариантдан 42,8 ц/га ҳосил олиниб, назоратга нисбатан 3,6 ц/га ортганлиги кузатилди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан аён бўлдики, Тошкент вилояти шароитида, С-6524, С-65-60 ғўза навларини парваришлаб, кўчат 80-90 минг туп/га қолдирилган фонда энг юқори ҳосилдорлик 14-15 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантдан олинди ва мос равишда 47,4-45,3 ц/га ни ташкил этиб, чилпилмаган вариантга нисбатан 3,6-3,5 ц/га кўшимча ҳосил олинган бўлса, кўчат 100-110 минг туп/га қолдирилган фонда 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантда 43,1-45,4 ц/га ҳосил олинди ва назоратга нисбатан 2,6-5,8 ц/га ошганлиги маълум бўлди. Кўчат қалинлиги 120-130 минг туп/га қолдирилган вариантда чилпиш 10-11 ҳосил шохида ўтказилган вариантдан 41,2-41,8 ц/га ҳосил олинганлиги ва бу назоратдан 3,1 ц/га кўп бўлиши аниқланди.

Фатхулла ТЕШАЕВ,

қ.х.ф.д., профессор,

А.БАХРАМОВ,

қ.х.ф.ф.д.,

С.АЛЛАНАЗАРОВ,

қ.х.ф.ф.д.,

У.АБДУРАХМАНОВ,

қ.х.ф.ф.д., ката илмий ходимлар,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари, ЎзПТИ, Тошкент, 2007.–Б. 145.
2. Доспехов Б. Методика полевого опыта. Москва. 1985. –С. 268-285.
3. Шайхов Э.Т., Нормухамедов Н, Шлейхер А.И., Азизов Ш.Ф., Лев В.Т., Абдурашидова Л.Х. Пахтачилик. –Тошкент: Меҳнат, 1990. –168 б.

КОНЦЕПЦИЯ, ДАВШАЯ ТОЛЧОК ЭВОЛЮЦИОННОМУ РАЗВИТИЮ РЫБНОГО ХОЗЯЙСТВА

В июле 2007 г. Министерство сельского и водного хозяйства обратилось с просьбой к организации ООН по вопросам продовольствия и сельского хозяйства (ФАО) оказать содействие правительству Узбекистана в идентификации основных направлений эффективной государственной политики, направленной на поддержку восстановления и устойчивого развития отрасли рыболовства и аквакультуры, а также жизненного уровня работников аквакультуры и рыболовства, через формулирование политики и стратегии развития рыбной отрасли. В связи с этим, в 2007 году ФАО инициировала Программу технического сотрудничества в рамках проекта TCP/UZB/3103(D): «Разработка стратегического партнерства в поддержку развития устойчивого рыболовства и аквакультуры в Узбекистане». Проект претворялся Институтом водных проблем Академии Наук Республики Узбекистан (ИВП АН РУз) совместно с УзНПЦСХ МСВХ. Научным координатором проекта был назначен д.б.н., заведующий лаборатории Гидроэкологии Каримов Б.К. В осуществлении проекта участвовали многие ведущие местные эксперты, а также эксперты международного класса ФАО и других стран с высокоразвитым

Что служило причиной данного обращения? Дело в том, что кризис рыбного хозяйства Узбекистана, начавшийся после развала СССР и деградации основного рыбопромыслового водоема Республики – Аральского моря, все еще продолжался. По официальным данным (Национальный доклад о состоянии окружающей среды..., 2006), в период с 1991 по 2004 гг. объемы уловов из естественных водоемов Узбекистана сократились с около 6000 до 1500 тонн, что означает сокращение рыбопродуктивности с одного га водной поверхности до 5 раз. Постановление Кабинета Министров РУз №350 от 13.08.03 о мерах по демонополизации и приватизации в рыбном хозяйстве ощутимых результатов не дало. Аналогичным образом произошло сокращение объема производимой рыбы в рыбоводческих хозяйствах (аквакультуре) Республики почти в 3 раза, что, вероятно, было связано в первую очередь появившимся дефицитом качественных кормов. В итоге, среднедушевая обеспеченность населения Республики рыбой упало с 4,5-5 кг в период конца 1980-х гг. до 0,3-0,5 кг в начале XXI века. Летом 2007 года в Ташкенте проходил международный семинар ФАО по вопросам рыбохозяйственного использования ирригационных водоемов Центральной Азии, где представители ФАО проинформировали участников о готовности оказать содействие в развитие рыбной отрасли участвующих стран. Это и послужило основанием для вышеуказанного обращения ФАО, который имеет огромный опыт по оказанию консультативной и технической помощи странам-членам ФАО. А Узбекистан как раз и являлся в то время действительным членом ФАО.

Под эгидой ФАО и с участием всех основных заинтересованных сторон и представителей сектора рыбного хозяйства Узбекистана в 2007 г. была успешно завершена разработка «Концепции развития аквакультуры и рыболовства в Республике Узбекистан на 2008-2016 гг.». В числе многих других мер, в частности, Концепция рекомендовала



Участники семинара ФАО обсуждают вопросы внедрения основных рекомендаций концепции развития рыболовства и аквакультуры в Узбекистане.

правительству принять и претворить следующие меры: А) Учреждение и укрепление Национального Департамента аквакультуры и рыболовства при Министерстве сельского хозяйства и водных ресурсов; Б) Учреждение и укрепление ассоциаций производителей рыбы (АПР), что в свою очередь предлагают учреждение ответственного подразделения в Департаменте рыбного хозяйства для обеспечения содействия данным ассоциациям; В) Усилить сотрудничество с соответствующими международными и региональными организациями.

Концепция была одобрена Коллегией УзНПЦСХ и рекомендована к принятию, а также одобрена резолюцией Комитета по «Аграрным, водным и экологическим вопросам» Законодательной Палаты Олий Меджлиса Республики Узбекистан в 2008г. Однако, к величайшему сожалению авторов, а также вопреки настоятельным рекомендаций ФАО, она так и не была принята на правительственном уровне в качестве руководящего документа.

Несмотря на официальное одобрение, данная Концепция способствовала сильному ускорению развития сектора рыбного хозяйства в стране, особенно в частном секторе. Участники проведенных национальных семинаров с участием всемирно известных специалистов-экспертов, воодушевленные новыми идеями и проинформированные о новых интенсивных технологиях производства рыбы начали проявлять повышенный интерес к аква-фермерству. Можно считать, что с момента доведения положений Концепции до широкой общественности рыболовов и рыбоводов в 2007 г. начался устойчивый эволюционный рост объемов производства рыбы в нашей стране.

Бахтиёр КАРИМОВ
д.б.н., академик,
МАИЭБ

Каримов Б.К., Камиллов Б.Г., Раёнов Ван Анрой и Д.Р. Шохмарданов

АКВАКУЛЬТУРА И РЫБОЛОВСТВО
В УЗБЕКИСТАНЕ: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И
КОНЦЕПЦИЯ РАЗВИТИЯ



Данная Концепция опубликована в 2008г. на русском и английском языках в виде книги, которым можно также ознакомиться на интернете:

рыбным хозяйством (Китай, Турция, Индия, США, Таиланд).

ИСТЕЪДОДЛИ ОЛИМ, ФИДОИИ УСТОЗ

Мамлакатимиз барқарор ривожланишида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида меҳнат қилаётган олимларимизнинг хизматлари ҳам катта. Ана шундай фидоий олимлардан бири, биология фанлари доктори, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) профессори, Халқаро экология ва ҳаётини хавфсизлик фанлари академияси академиги Бахтиёр Каримов 60 ёшга тўлди.



Бахтиёр Каримов 1960 йилда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида зиёли оилада таваллуд топган. У Тошкент давлат университетини битирган. Илм олишга бўлган чанқоқлик уни 1982 йилда Ленинград шаҳрида аспирантурада тахсил олишга етаклади. Изчил изланишлар натижасида 1985 йилда (25 ёшида) номзодлик диссертациясини ёқлади.

Олим рус, инглиз ва немис тилларини мукаммал билади, бу эса унга дунё миқёсида ўз соҳасида эришилаётган назарий ва амалий фан ютуқларидан тезкор хабардор бўлиш ва ўзининг илғор илмий ғояларини ва тадқиқотлари натижаларини хорижий илмий журналларда чоп этиш имконини беради. Унинг кўп йиллик илмий изланишлари натижалари 200 га яқин илмий асарларда акс этган бўлиб, мамлакатимиз ва етакчи хорижий давлатлар илмий журналлар ва тўпламларида нашр этилган. Улардан энг машхурлари қаторида дунёнинг 5 та қитъаси, яъни Австралия, Африка, Европа, Америка ва Осиё етакчи олимлари билан ўзаро ҳамкорликдаги илмий-тадқиқотлар натижасида АҚШ илм-фан ривожланишига ҳомийлик қилиш Ассоциациясининг “Сайенс” (Science AAAS) журналида 2016 йилда босмадан чиққан мақоласини таъкидлаш керак. Дунёдаги энг обрўли илмий нашрлар жумласидан бўлган (импакт фактори 41) ва етук олимларнинг жаҳон миқёсида долзарб ҳисобланган мақолалари чоп этиладиган ушбу журналда ўзбек олимнинг мақоласи чоп этилиши биз учун катта ютуқдир.

Б. Каримов 2002-2005 йилларда ЎзР ВМ ҳузуридаги Фан ва Технологиялар ривожини мувофиқлаштириш

Кенгаши аъзоси, 2006-2014 йилларда эса ЎзР ВМ ҳузуридаги Фан ва Технологияларни ривожини мувофиқлаштириш Қўмитаси аъзоси, 2011-2014 йилларда ЎзР Олий Мажлиси аграр ва сув хўжалиги масалалари Қўмитаси жамоатчилик кенгаши эксперти сифатида хизмат кўрсатган. 1987-1991 йй. Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида катта илмий ходим, 1991-2009 йй. ЎзР ФА Сув муаммолари институтида «Гидроэкология» лабораторияси мудири, 2009-2012 йй. ЎзР ФА Зоология институтида «Интенсив аквакультура ва балиқчилик муаммолари» лабораторияси мудири, 2012-2015 йй. ЎзР ФА ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтида “Гидробиология ва Ихтиология” лабораторияси мудири, 2015-2016 йй. «Экосервис» илмий-маслаҳат марказида лаборатория мудири лавозимида ишлаган. Бугунги кунда эса олим Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси профессори лавозимида самарали ишлаб келмоқда.

Институтида профессор Бахтиёр Каримов бу даражага ўз-ўзидан етишгани йўқ албатта, – Олимлик даражасига етгунга қадар у илм йўлида анча довлонларни ошиб ўтди ва ҳозирги кунда ҳақиқатан ҳам дунё олимлари тан олган етук ўзбек олимларимиз қаторидан ўрин олган. Шунинг учун ҳам биз уни 2015 йилда институтимизга профессор-ўқитувчи лавозимида тақлиф этдик.

Бахтиёр Каримов бугун юксак салоҳиятли академик олим. У қаерда

ишламасин, қандай илмий тадқиқот билан шуғулланмасин, доимо назарий ва амалий янгилик яратишга, ўзининг ғояларини халқаро олимлар ҳамжамиятига етказишга ва ишлаб чиқаришга жорий этишга интилади. Унинг раҳбарлигида қатор фан номзодлари, фан доктори ва магистрлик диссертациялари тайёрланди ва муваффақиятли ҳимоя қилинди. Устоз-олим ва педагогинг экология, экологик хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш фанлари бўйича илғор, халқаро замонавий билимлардан фойдаланиб тайёрланган маърузаларини институтимиз талабалари ва магистрлари катта қизиқиш билан эшитадилар.

Ўзининг «доимий қаттиқ меҳнат, кенг миқёсдаги ҳамкорлик – муҳим илмий натижалар пойдеворидир» деган шioriга амал қилиб келаётган меҳнаткаш камтар инсон, серқирра олим, талабчан ва ғамхўр мураббийлиги билан ҳамкасблари орасида обрў-эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда танилган Бахтиёр Каримовга сикат-саломатлик, узоқ умр, Ватанимиз илм-фани равнақи йўлидаги илмий изланишларида ҳамда ёш, иқтидорли малакали эколог мутахассисларни тайёрлашдаги шарафли фаолиятида омад ва зафарлар тилаб қоламиз.

А.СОЛОҲИДДИНОВ,
т.ф.д., профессор.

ҲАЁТДА – КОМИЛ, ИЖОДДА – ФАОЛ

Маҳмудхон ТОИРОВ пенсияга чиққунига қадар турли давлат ва но-давлат ташкилотларида, бир қатор матбуот нашрларида, жумладан биз-нинг “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” – “Сельское и водное хозяйство Узбекистана” журналида ишлаган. Бугунги кунда ҳам у журналимиз жа-моатчи мухбири сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

2014 йилда унинг “Ҳаёт сўқмоқларида” номли китоби, 2016 йилда “Сен ва мен” номли шеърӣ тўплами, 2017 йилда “Ҳаёт битиклари”, 2018 йил-да “Тафаккур неъматлари” (“Мысли вслух”) китоблари нашр этилган.

65 ёшини қаршилаётган ҳамкасбимизга мустаҳкам саломатлик, ижо-дий илҳом тилаймиз ва унинг қаламига мансуб шеър ва битиклардан на-муналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.



ЎЗИНГ ЕТИШТИРГАН МЕВАНИНГ МАЗАСИ ҲЗГАЧА БЎЛАДИ

Ёшлиқда китобнинг кичигини танлар экансан,
кексаликда қалинини.
* * *

Мақсадсиз одам кўзи боғлиқ кишига ўхшайди –
қаёққа бурсанг, шу томонга юраверади.
* * *

Ўзингни четдан кузатишни ўрган, шунда
нолойиқ ишларни камроқ қиласан.
* * *

Кўрмаслик бошқа, кўролмаслик бошқа.
* * *

Барчанинг мақсади турлича, манзили бир.
* * *

Ёш билан кўришганда авваламбор ўқишини
сўра, қари билан кўришганда – соғлигини.
* * *

Манманлик юқори кела бошласа,
кабристонни зиёрат қил.
* * *

Муҳаббат дарз кетган жойда меҳр чил-парчин
бўлади.
* * *

Ўрнида ишлатилган лой ҳам шифо.
* * *

Китоб – дўст. Дўстнинг эса яхши-ёмони бўлмайди.
Китобдан нима олиш ўқувчининг ўзига боғлиқ.
* * *

Ёш билан кексаликнинг фарқи: хатолар
ёшларнинг олдида, кексаларнинг эса ортида.
* * *

Ожиз бўлса-да ниҳолга озор берма,
ўсиб-унганида соясида хордиқ чиқарасан,
мевадидан баҳраманд бўласан.
* * *

Бошқаларнинг дардини бўлишган, қувончига

қўшилган одамданда бахтиёр инсон бўлмаса керак!
* * *

Кун ёришмагунча меҳмонга борма,
шомгача меҳмонда қолма.
* * *

Ўтган кунларингни кўп ҳам қўмсама, акс ҳолда
хатоларинг билан тўқнашасан.
* * *

Ўзинг етиштирган меванинг мазаси ўзгача бўлади.
* * *

Ёрдам сўраб келган одамни кулоғинг билан эмас,
қалбинг билан тингла.
* * *

Гулхан аланга олмагунга қадар тутандириқни
ўчиришга шошма.
* * *

Ёшлиқдагидек ғайратинг жўшиб кетганда,
кўзгуга боқ, асл ҳолатингни кўрасан.

ТҲРТЛИКЛАР

* * *

Оққан сувлар қуриб қолар бахилликдан,
қалб чашмаси сув ичади сахийликдан.
Мурувватдан эл кўқарар, дил кўқарар,
Бу дунёнинг дунёлиги яхшиликдан.
* * *

Шам йиғиси дийдаси қотгунчадир,
Ҳақни ноҳақ енгизи вақтинчадир.
Жоҳиллик дунёга бўлолмас устун,
Зулмат ҳукми фақат тонг отгунчадир.



НАВОИЙ ИЖОДИДА МЕҲНАТ МАДҲИ

Ҳазрат Алишер Навоий ижодини олимларимиз чексиз уммонга қиёслайдилар. Бобомиз ижодида ҳеч бир мавзу йўқки, у фалсафий мушоҳадалар билан қаламга олинмаган бўлсин. Шунинг учун ҳам унинг доҳиёна ижодига мана неча юз йиллар ўтаяптики, бутун башарият катта эҳтиром билан қараб келмоқда. Хатто, Москва, Токио ва Боку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга ҳайкал ўрнатилгани улғ бобокалонимизга бўлган беқиёс эҳтиром рамзидир.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ижоди ва ҳаёти бутун борлиғи билан инсонпарварликка йўғрилганки, унинг ҳаёт йўли — ибрат, бизга қолдирган бой адабий мероси — ҳикматлар бўстониدير.

Тарихчи Хондамирнинг далолат беришича, ўз даврида бунёдкорлик, саховатпешалик, ҳомийлик бобида Навоийга тенг келадиган киши топилмаган. Алишер Навоий томонидан 4 мадраса, 25 дан ортиқ масжид, 11 хонақоҳ, 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк ва бир тўғон, 9 ҳаммом қурилган. Ҳайратланарли жиҳати бундай 300 дан ортиқ ажойиб иншоотларни қуриш осон кечмай, катта ташкилотчиликни, маблағни, обрўни, бағрикенгликни ва ниҳоятда Ватанга содиқликни талаб қилган.

Улуғ бобомиз ўз асарларида ҳам меҳнатни, бунёдкорликни улуғлаган. Фикримизни исботи унинг Фарҳод образи орқали ўз қарашларини баён этишидир. Фарҳод жисмонан бақувват, паҳлавон сифат йигит, у ҳунар ўрганади. Шоир Фарҳодни тоғдан сув чиқаришда қийналаётган жафокаш инсонларга ҳиммат қўлини чўзганлигини қуйидагича ифодалайди:

Очиқ чехрали одам — иккиюзламачи-
ликдек нуқсондан йироқ бўлади... Очиқ
юзидан халойиққа хурсандлик; чучук
сўздан эл-юртга хуррамлик. Одабийлик
билан кўнгилларга севимли; инсонийлик
билан жонларга ёқимли. Ундан дўст-
душман хотиржам. Бундай киши умри-
дан барака топгай.

Нохуш хабарни чин бўлса ҳам
дўстингга етказма; бировдан айб кўрсанг
юзига солма. Қўявер, ўша чин хабарни
душман етказсин ва сен сабр қил, у айб
можаросини душмани қилсин.

Ақлли одам ёлғон гапирмас; аммо,
барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри
эмас. Бировнинг кўзи ғилай — ноги-
рондир; аммо, бунга у айбдор эмас-
дир... Бировни ноҳақ ҳижолатга солмоқ
— ўз нодонлигини изҳор қилмоқ ва бир
кўнгилни оғритмоқдир. Бу каби кишини
хафа қиладиган чин сўздан кўра зарурат
юзасидан — ўрни билан гапирилган ёлғон
яхшироқдир.

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Нафъинг агар халққа бешақдурур
Билки, бу нафъ ўзунга кўпрақдурур.

Илмни ким воситайи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

Юз жафо қилса манга бир
қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз
қатла фарёд айларам.

Кимки киши ўлмақидан шод эрур,
Гўркану ғосилу жаллод эрур.

Бордур инсон зотида онча шараф, —
Ким ямон ахлоқин этса бартараф.

Хуш дурур боғу коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Бу гулшан ичраки, йўқдур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чиқса
яхшилиқ била от.

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Аброр ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2020 йил,
№2. Февраль

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Президент Мурожаатномаси янги Ўзбекистон учун янги вазифаларни белгилаб берди.. 1	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида... 3	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Пиллачилик тармоғида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида..... 5	
Қасбдош депутат ва сенаторларимиз 8	
Залворли вазифалар ижроси — асосий мезон..... 9	
Халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда..... 10	
Ёшлар билан учрашув 11	
Гидротехника қурилмаларини лойиҳалаш учун замонавий ускуналар..... 12	
Ҳаётбахш томчи 12	
Ш.ОРИПОВ, Ҳ.ҚАРШИБОЕВ, Б.ХАЙДАРОВ, М.ЖЎРАЕВ, Н.ЮСУПОВ.	
Лалмикор майдонларда баҳорги экинларни етиштириш ва парваришlash 14	
Ф.ТЕШАЕВ, Ф.ХАСАНОВА, Б.НИЯЗАЛИЕВ. Ерларни экишга тайёрлаш 16	
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавотлардан эрта ҳосил етиштириш 17	
Ш.НОРМУРОДОВ. Модернизация тежамкорлик ва самарадорлик омили 19	
Х.КАРИМОВ. Биринчи галдаги вазифа 20	
Ш.ЖАББАРОВА. Сувчиларнинг қўшимча даромади 21	
Ш.СОДИҚОВА. Орзу йўлга бошласа..... 22	
Омилкор меҳнат – келгуси зафарга замин..... 22	
Ш.ЖАББАРОВА. Ишга замонавий ёндошиб..... 23	
О.ТЎРАЕВ, О.МАХМАДИЯРОВ, О.ОЧИЛОВА.	
Ўрта Осиё асаларчилиги тарихи 24	
Кластер имконияти 25	
Р.ҚОЗОҚОВ. Дехқон ва сувчи ҳамкор..... 26	
Ўзбек ипакчилигининг шуҳрати ортмоқда..... 27	
К.ЭРГАШЕВ. Меҳнатим — фахрим 28	
Р.ТОЖАЛИЕВА. Ниятлари кўнгиллари каби беғубор..... 29	
Ш.НОРМУРОДОВ. Нурота коризлари 29	
Н.БАКИРОВ, А.ХАМЗАЕВ, З.НОВИЦКИЙ. Сеянцы саксаула в лесных питомниках..... 31	
П.ИБРАГИМОВ, Б.ЎРОЗОВ, М.ЛАТИПОВ, Ф.ТОРЕЕВ, Г.ШОДМОНОВА.	
Янги С-2616 ғўза нави 32	
О.ЭРГАШЕВ. Дехқонга серхосил навлар керак 33	
М.ТАДЖИЕВ. Кузги буғдойнинг истикболли “Термиз-5” нави афзалликлари 33	
У.МАМАТОВ. Узум коллекциясининг техник йўналишга мансуб нав-намуналари ғужумининг технологик хусусиятларини баҳолаш 35	
П.ЭГАМБЕРДИЕВ. Ток тупи куртак юкламасининг «ок хусайни» узум нави ҳосилдорлиги ва кимёвий таркибига таъсири..... 36	
Э.БЕРДИМУРАТОВ, А.ЭЛМУРОДОВ. Топинамбур навларини турли мақсадлар учун ўстириш..... 37	
Н. ХАЛМАНОВ, М.ЭЛМУРАДОВА, Ғ.ХАЛМАНОВ. Оралиқ экинлар ва экологик муҳит 38	
С.БАХРОМОВ, О.МАХМУДОВ, Ш.ТЕШАБАЕВ. Бегона ўтларга қарши курашда тупрокка турли усулда ишлов бериб, гербицидлар қўллашнинг ғўза униб чиқиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсири..... 39	
А.МАДАЛИЕВ. Агрокооперация – муаммолар ечими 41	
Ф.ТЕШАЕВ, А.БАХРАМОВ, С.АЛЛАНАЗАРОВ, У.АБДУРАХМАНОВ. Турли кўчат калинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири..... 42	
Б.КАРИМОВ. Концепция, давшая толчок эволюционному развитию рыбного хозяйства 44	
А.СОЛОҲИДДИНОВ. Истеъдодли олим, фидойи устоз 45	
Ҳаётда – комил 46	
Алишер Навоий ижодида меҳнат мадҳи 47	

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjurnal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,

Telegram: [qxjurnal_uz](https://www.instagram.com/qxjurnal_uz)

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2020 йил 3 февраль. Босишга рухсат этилди: 2020 йил 3 февраль. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №1/02. Нухсаи 1700 дона.

RELIABLE PRINT
МЧЖда чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳар Чорсу майдони 3А

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**

КЎҶНА КОРҶОНАНИНГ ЯНГИ УҶҚЛАРИ

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йилларида Жиззах чўлини ўзлаштириш ишлари авж олиб кетди. Экин майдонлари ҳажмининг ошиши эса, бундай ҳудудларнинг ирригация тизимларини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни тақозо қилди. Айнан шу ҳолат Жиззах воҳасида полиэтилен қувурлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил топишига сабаб бўлди.

Узоқ 1973 йилда фаолият бошлаган "Жиззах-пластмасса" корхонасида тайёрланган полиэтилен қувурлар ёрдамида даштдаги минглаб гектар майдонлар оби-ҳаётга қондирилди, чўл ҳудудида бунёд бўлган шаҳар ва қўрғонлар аҳли ичимлик суви билан таъминланди.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида шаклан ва мазмунан бутунлай янги кўринишдаги саноат субъектига айланган "Жиззахпластмасса" акционерлик жамияти ҳаётида 2019 йил ўзига хос из қолдирди. Йил давомида 40 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган корхона зиммасига олган вазифаларни ортиғи билан удалашга эришди. Бу корхона цехларида тайёрланаётган 100 хилдан ортиқ маҳсулотдан юртимизнинг қарийб барча ҳудудларидаги истеъмолчилар баҳраманд бўлмоқда, жамоа усталари қўлидан чиқаётган товарлар саноат, қурилиш соҳаларидан тортиб, оддий фуқаролар хонадонларигача кириб борган, деган гапдир.

2019 йилда амалга ошган бир лойиҳа тафсилоти жамият аъзоларининг бугунги кун нафаси билан яшаётганини тасдиқлайди. Мамлакатимизда сув ресурсларига бўлган талаб ортаётгани сир эмас. Бу эса, барча соҳада, жумладан қишлоқ хўжалигида оби-ҳаётдан тежамли тарзда фойдаланиш масаласини кўндаланг қўймоқда. Корхона жамоаси даврнинг ана шу долзарб талабини ҳис қила олди ва ўз цехларида эгатлар орасига тўшаладиган плёнка ва кўчма эгилувчан қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг натижасида республикамиз ҳудудларидаги минглаб гектар майдонлар тежамкор илғор усулларда суғорилиб, улардан юқори ҳосил олинди.

- Ўтган йилда биз учун содир бўлган ижобий ўзгаришлардан бири бу – корхонамиз акцияларининг IPO кўринишида сотувларга чиқарилиши бўлди, - дейди биз билан суҳбатда жамият бош иқтисодчиси Достон Орзиқулов. – Бу эса, эндиликда 3 ярим миллиард сўмликдан ортиқ акцияларимизнинг ички ва ташқи қимматбаҳо қоғозлар бозорида сотилиши учун замин бор, деган гапдир. Бундан ташқари, умумий қиймати 505 минг АҚШ долларига тенг бўлган полиэтилен қувурлар учун фитинглар ва 60 минг



долларга тенг полипропилен қувурлар ишлаб чиқариш лойиҳаларининг амалга ошганини ҳам ютуқларимиз қаторига қўша оламиз.

Жиззах воҳасининг ўзига яраша узоқ ва мазмунли тарихга эга бўлган саноат корхонаси – "Жиззахпластмасса" акционерлик жамияти янги 2020 йилни катта режа ва лойиҳалар, жамоа аъзолари эса, яхши ният ва умидлар билан бошламоқда. Маълум бўлишича, "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси ҳудудидан ажратилган 8 гектар майдонда "Ўзкимёсаноат" АЖ ва "Жиззахпластмасса" АЖ ташаббуси билан саноатнинг кўплаб соҳа ва тармоқларида мунтазам равишда ишлатиладиган, мутахассислар "БОПП плёнка", деб номлаган ноёб маҳсулотни ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошланди. Умумий қиймати 40 миллион евро ташкил этади ушбу лойиҳа учун сарфланадиган маблағнинг 24 миллион евро сифранциялик ҳамкорларнинг сармояси бўлади. Лойиҳа натижасида қад ростлайдиган корхонада йилига 20 минг тонна импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилади ва унинг 120 миллион евролик қисми экспорт қилинади. Энг муҳими, янги корхонада камида 130 киши доимий иш билан таъминланади.

Ўз мухбиримиз.




Perkins®

THE HEART OF EVERY GREAT MACHINE

Реклама

ПЕРКИНС (PERKINS) 15W-40 дизел мойи
Қишлоқ хўжалиги техникалари, юк машиналарига, ҳамда барча турдаги дизель моторлар учун мўлжалланган экологик тоза ва EURO-IV, EURO-III, EURO-II халқаро стандарт ва нормаларга жавоб берадиган 15W-40 Дизель мойи. 20 литирли елим идишларда қадоқланган. Ишлаб чиқарувчи корхона - Perkins Engines Company Limited (Британия). Барча мувофиқлик сертификатлари бор. Ишлаб чиқарувчи давлат – Голландия. Техникангиз сифатли ва узоқ муддат ишлашини истасангиз биз билан ҳамкорлик қилинг



Тел: +998901889959 (WhatsApp/Viber)

Тел: +998903320620

E-mail: atkham@yandex.ru

Skype: [atkham74](https://www.skype.com/name/atkham74)

WeChat: [atkham74](https://www.wechat.com/qrcode?qr_code=atkham74)

<https://agritrade.uz>